

ЎЗИМНИЙ ЎРГАНИШНИЙ ИСТАЙМАН

→ Психологик тестлар

Сиз қандай
куласыз?

феъл-
автор

мустаҳкам
ирода

Ўзингизга
ишинасизми?

Таваккал қила
оласизми?

муомала ва
муносабат

карьера
ва омад

Сиз яхши
қўшнимисиз?

УЎК: 159.9(076.3)

КБК: 88.52

П - 91

Ўзимни ўрганишни истайман: психологик тестлар/
тўпловчи ва таржимон Муҳайё Рихсибекова. – Тошкент:
Янги аср авлоди, 2017. – 140 бет.

ISBN 978-9943-20-224-5

Ҳаётдан завқланиб, ҳар бир кундан қувониб яшашни билмаган кишилар учун дунё қоронғи бўлиб туюлаверади. Бундай одамлар тез хафа бўладилар. Аксинча, ҳар бир ўтаётган кунидан ҳузурланиб яшайдиганлар оламни бутунлай бошқача қабул қиласидар, уларни хафа қилиб кўринг-чи, йўқ, бари бир кўнгилларини фаш қилиш қўлингиздан келмайди. Сиз ўзингиз-чи, қувониб, завқда тўлиб яшайсизми, бошқаларнинг қувончига шерик бўлиб, дилдан қувона оласизми? Умуман, ўзингизга, бошқаларга қандай муносабатдасиз? Ҳаётни тўлалигича қабул қиласизми? Ўз олдингизга кўйган мақсадларни амалга оширишга интиласизми?..

Мазкур китобда шу ва шу каби бир қанча саволларга тестларни ечиш орқали жавоб топасиз. Агар ўзингизда камчиллик ва қусурларни топсангиз, руҳшунослар ишлаб чиқкан турли психологик машқлар ва ўйинлар орқали уларни бартараф этишингиз мумкин.

УЎК: 159.9(076.3)

КБК: 88.52

**Тўпловчи ва таржимон
Муҳайё РИХСИБЕКОВА**

ISBN 978-9943-20-224-5

© «Ўзимни ўрганишни истайман», «Янги аср авлоди».
2017 йил.

**Инсон учун бу дунёда ўзиданда
қизиқарлироқ мавзу йўқдир.**

*Андре МОРУА,
француз ёзувчиси*

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ФЕЛЬ-АТВОР

Ушбу бўлимда сизни ўзингиз ҳақингизда кутмилмаган, шунингдек, ёқимли хушхабарлар кутмоқда. Унисини ҳам, бунисини ҳам шахсиятингиз қиррала-ри деб қабул қилинг. Мазкур бўлимда турли психо-логик машқлар ва ўйинларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Ўзингизни қай даражада меҳрибон, умидли, ишончли, ростгўй, диққат-эътиборли, кутмилмаган воқеаларга тайёр эканингизни текшириб кўринг.

Эрталаб қандай уйғонасиз?

— Соат қўнгирогини эътиборга олмайсиз.

Сиз оиласда эрка ўсган кишилар тоифасига ки-расиз. Рўзгорда ҳамма нарса муҳайё, жиҳозлар қулай бўлса, уларни ҳеч ҳам рад этмайсиз, лекин бу дангаса экансиз, дегани эмас. Ярим тунга-ча уй-рўзгор ишларини бажаришга уриниб фимир-фимир қиласиз. Фантазиянгиз кучли, аммо файратингиз кам. Ҳиссиётларингиз жўшқин эмас, ўзингизча ташаббус кўрсатолмайсиз.

– Эрталабки бадантарбия машқларини қиласиз.

Сиз фаолсиз, хотиржамсиз, бугунги кунни завқ-шавқ билан кутиб оласиз. Соғлигингизни асрыйсиз, бошқалар билан муомала-муносабатда жуда очиқ ва самимийсиз.

– Күзгуга қарайсиз.

Үзингизга унчалик ишонмайсиз, шунинг учун доим үзингизни ва саломатлигингизни назорат қиласиз. Фақат кучли иштиёққина үзингизга қаратадиган дикқатингизни чалфитишига қодир. Сиз хизмат мажбуриятларингизга ўта жиддий қарайсиз, жуда тартибливсиз, аммо булар зерикарли. Шунинг учун бу ҳақда ўйлаб кўринг, зерикарли одам бошқаларнинг дикқатини узоқ ушлаб туролмайди.

– Қўнгироқ қиласиз.

Сиз ташкилотчилик ва ташаббус кўрсатишдек ноёб хусусиятларига эга шахссиз, вақтдан унумли фойдаланишни биласиз. Аммо доим танг вазиятда қиласиз, қаттиқ чарчайсиз, кечқурунлари қийналасиз. Ҳамма нарса, ҳамма кишилар ҳаёти билан қизиқасиз. Сиз ҳар қандай мавзу бўйича ўз фикрингизни аниқ ифода эта оласиз.

ҚАНДАЙ КУЛАСИЗ?

Ҳар биримиз назорат қилинмайдиган маълум ҳаракатларни қиламиз. Шулардан бири кулги. Сиз баланд овозда куласизми ёки секин, жилмайиб қўясизми ёки қаҳ-қаҳ отасизми, кулги ҳамиша қайсиdir даражада феъл-авторингизга мос равишда пайдо бўлади.

Куйида кенг тарқалган 10 та кулги тури таклиф этилди. Ана шу ўнликда сиз үзингизга

хос бүлган кулиш йүснини белгиланг ва характерингизни аниқданг.

1. Кулаётганда жимжилогингизни лабингизга олиб борасизми?

«Ха» деб жавоб берсангиз, у ҳолда сиз муомала маданияти ҳақида шахсий фикр ва тасаввурларингиз бўлиб, уларга ҳамма ерда ҳамиша қатъий амал қиласиз. Сиз барчанинг дикқат-эътиборида бўлишни яхши кўрасиз.

2. Кулаётганда оғзингизни қўлингиз билан беркитасизми?

«Ха» деб жавоб берсангиз, сиз ўзингизга у қадар ишонмайсиз, пақир киши панада нақдига амал қиласиз, ўзингизни очиқ намоён этмайсиз. Маслаҳатимиз: ўзингизни танқид қилаверманг ва бошқаларнинг соясида ҳам қолиб кетманг.

3. Кулаётганда бошингизни орқага тез-тез ташлайсизми?

«Ха» деб жавоб берсангиз, жуда ишонувчан, содда инсон экансиз, шу билан бирга бағри кенгсиз. Баъзида ҳиссиётларга берилиб, кутилмаган ишларни қилиб қўясиз. Аслида кўпроқ ақл билан иш кўриш лозим бўлади.

4. Кулаётганда қўлингизни юзингизга ёки бошингизга олиб борасизми?

«Ха» деб жавоб берсангиз, сиз кўпроқ орзуларга берилган, фантазияси кучли одамсиз. Албатта, бу ёмон эмас, лекин ҳадеб хом хаёлларга берилавермасдан ҳаётда аниқ мақсадларни ҳам амалга ошириш керак. Ҳушёрроқ бўлинг, атрофингизга тийран назар билан қаранг, ҳаётий муаммоларни ечишга ҳаракат қилинг.

5. Кулаётганда бурнингизни жийи расизми?

«Ха» деб жавоб берсангиз, у ҳолда сизнинг туйгуларингиз ва қарашларингиз тез-тез ўзгариб турди. Сиз ҳиссиётга бериладиган одамсиз, қайсар, нозик таъбсиз, бир дақиқада кайфиятингиз ўзгариб қолади. Бу нарса ўзингиз ва атрофингиздагиларни ноқулай вазиятга солиб қўяди.

6. Оғзингизни очиб қаттиқ қуласизми?

«Ха» деб жавоб берсангиз, сиз кучга тўлган, гайратли кишисиз. Озгина оғир-босик ва меъёрини билиб ҳаракатланиш сиз учун фойдали бўлар эди. Одамлар орасида кўп гапирасиз, аммо ўзгаларни тинглашни ҳам ўрганинг.

7. Секин кулишдан олдин бошингизни олдинга эгасизми?

«Ха» деб жавоб берсангиз, сиз меҳрибон, қалби кенг, шароитга ва одамларга тез мослашадиган, баҳтиёр кишилар тоифасидансиз. Сиз ҳиссиётларингиз ва ҳаракатларингизни ҳамиша назорат қиласиз. Ҳеч қачон ҳеч кимни хафа қилмайсиз.

8. Кулаётганда иягингизни ушлайсизми?

«Ха» деб жавоб берсангиз, қандай ёшда бўлманг, ҳамон ёшлик хусусиятларини ўзингизда сақлаб қолганингиз ажабланарли. Балки шунинг учун кўпинча узоқ ййлаб ўтирмасдан ҳаракат қиласиз!

9. Кулаётганда қовоқларингиз учадими?

«Ха» деб жавоб берсангиз, у ҳолда бу ҳолатингиз сизнинг оғир-вазмин, ўзингизга бўлган ишончнинг қатъийлигини билдиради. Сиз ҳақиқатан тиришқоқ, интилувчан, саботлисиз, баъзан бу ортифи билан намоён бўлади, бундай вазиятларда ўзингизга четдан бегоналар кўзи билан қаранг, вазиятга кўра иш туting.

10. Кулиш тарзингизда аниқ белгилар йүқ.

Агар шундай бұлса, сиз шахсиятпарастлар си-расига кирасиз, ҳар доим ва ҳамма ерда бириңчи үринга үз шахсий фикрингизни құясыз ва шахсан бошқарасиз. Үзгалар мулоҳазасини рад этасиз.

Юқорида таърифланған кулғи тарзларидан бошқа яна күплаб кулиш йүсінлари бор, харақ-тер хусусиятлари эса үндан ҳам күп. Эхтимол шунга күра, бу тестде үзингизнинг кулиш ҳо-латингизни топмассиз, балки кулиш тарзига берилған таърифға қарши чиқарсиз. Ана шунда юмор түйгесини эслаб қўйинг, умуман, ҳар бир тестде бир чимдим ҳазил бор.

САМИМИЙ ҚУВОНА ОЛАСИЗМИ?

Ҳаётдан завқланиб, ҳар бир кундан қувониб яшашни билмаган кишилар учун ҳаёт зими-стондек туюлаверади. Бундай одамлар тез хафа булишади. Аксинча, ҳар бир үтаётган кунидан ҳузурланиб яшайдиганлар оламни бутунлай бо-шқача қабул қилишади, уларни хафа қилиб күринг-чи, йўқ, бари бир кўнгилларини ғаш қи-лиш қўлингиздан келмайди.

Сиз-чи, сиз қувониб, завққа тўлиб яшайсизми, үзингиз ва бошқалар учун дилдан қувона оласизми, кулгингиз самимийми? Қуйидаги са-волларни ўқиб, уларга жавоб берсангиз, қайси тоифага киришингиз аниқ бўлади.

1. Болалигингиж ўтган уйни эслаганда сиз-ни гамгин хотиралардан кўра қувончли ҳислар چулғаб оладими?

Ха – 10, йүқ – 5.

2. Айбдорлик ҳиссини күп түясизми?

Ха – 5, йүқ – 10.

3. Келажакка ишонч ва самимиilik – феъл-авторингизнинг мухим жиҳатлари.

Ха – 10, йүқ – 5.

4. Назарингизда дунё ёвузликларга тўла, арзимаган нарсаларга қувониши гирт тентаклик бўлади.

Ха – 5, йүқ – 10.

5. Агар тинчлик, осойишталик ёки шов-шувли хурсандчилик, қувончни танлашни таклиф этишса, сиз иккинчисини танлармидингиз?

Ха – 10, йүқ – 5.

6. Фақат энг яқин кишиларингиз ва оила аъзоларингизга самими қувонч улашасиз.

Ха – 5, йүқ – 10.

7. Бошқаларни хурсанд қилсангиз, ўзингиз ҳам роҳатланасизми?

Ха – 10, йүқ – 5.

8. Бу дунёда ота-онангдан бошқа ҳеч кимга ишонмаслик керак деб ҳисоблайсиз.

Ха – 5, йүқ – 10.

9. Атрофингизда бутунлай ишонишингиз мумкин бўлган кишилар бор.

Ха – 10, йүқ – 5.

10. Ҳаётингизда қувонидан кўра алам, гамташибиши, муаммолар кўп.

Ха – 5, йўқ – 10.

11. Ҳаётингизда қувончили ва ҳузурбахши кунлар кўп бўлади.

Ха – 10, йўқ – 5.

12. Хурсандчилик қилиб, қувониб яшайдиган кишиларга ҳавас қиласизми?

Ха – 5, йүқ – 10.

13. Сизга бошқаларга ҳам қувонч улашиш хислати берилганими?

Ха – 10, йүқ – 5.

14. Ҳамма нарсаны, ҳатто шодликни сотиб олиш мүмкін, ҳамма гап үнинг нархидан.

Ха – 5, йүқ – 10.

15. Қувона билиш, хурсандчилик ҳиссини туйиши дунёга, ҳаётга доим умид билан қарашиң гизга болғық эканига ишонасизми?

Ха – 10, йүқ – 5.

Балларингизни ҳисобланг:

0-15 балл. Қувонч, хурсандчилик ички дунё-ингизни ҳиссиётлар ва кечинмаларга бойитади. Сиз одатий ҳузур-ҳаловатдан ҳам теранроқ бўлган туйфуларни ҳис қилишга қодирсиз. Ҳаётдан ҳузурланиш ҳисси сизда шу қадар юқорики, мамнунликдан уйғонган руҳий кутаринкилик нафақат ўзингизни, балки атрофингиздагиларни ҳам ниҳоятда завққа тўлдиради.

15-45 балл. Ҳаётдан қувона олиш даражангиз шу қадар пастки, бу ҳолат кишини ўйлантириб қўяди. Руҳий ҳолатингизни мукаммал деб билсангиз ҳам сиздаги ўз-ўзини ҳимоя қилиш инстинкти қани? Билиб қўйинг, инсон бу дунёга руҳиятига сингган қувонч, хурсандчилик, шодлик ҳисси билан келади.

45-99 балл. Юрагингизда бошқа туйфуларни қандай ҳис қила олсангиз, қувонч ҳиссини ҳам шунчалар кўнглингиздан ўтказасиз. Қувонч ҳисси сизга яхши таниш, шунингдек, қувона билишингиз учун халақит қиласиган сабаблар ҳам бор, уларни ўзингиз яхши биласиз. Озгина

хурсандчилик ҳам ҳақиқий қувонч ўрнини боса олади деб ўзингизни ишонтирасиз ва алдайсиз. Наҳотки ҳаётингиздаги арзимаган муаммолар қувончли кунларни барбод қилишига ишонасиз?! Балки ўзингизни, ҳаётингизни ўзгартириш вақти етгандир?!

ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА ҚИЛИШ ҲИССИ

1. Агар «қалпоқ» деб лақаб қўйсалар, сиз:

- а) шу заҳоти рўмол сотиб олиш учун дўконга югурасиз – 1;
- б) «Ўзинг қалпоқсан!» деб жавоб қайтарасиз – 3;
- в) «Урфга кирган» деб жавоб берасиз – 5.

2. Агар яқин кишингиз чўг берса, сиз:

- а) шу заҳоти сув қўйиб ўчирасиз – 1;
- б) «Тез ёрдам»га қўнфироқ қиласиз – 3;
- в) «Қайнок қалбини тутқазгани» учун миннатдорчилик билдирасиз – 5.

3. Агар бирон юмуш билан узокроққа юборсалар, сиз:

- а) яқиндаги чорраҳагача борасиз – 1;
- б) «саёҳат»ларни ёмон куришингизни айтасиз – 3;
- в) узоқроққа қараб кетаверасиз – 5.

4. Китоб ўқиётганингизда чироқни ўчириб қўйсалар, сиз:

- а) жаҳлингиз чиқиб, ўзингизча бир нималар деб гудранасиз – 1;
- б) мен билан бир ҳазиллашишди деб эътибор қилмайсиз – 3;
- в) индамай туриб яна чироқни ёқасиз – 5.

5. Кутимагандаги қароқчилар тунаса, сиз:

- а) «Бахт пулда эмас» деб ўзи-ўзингизни тинчлантирасиз – 1;

б) «Бахт пулда эмас, балки пулнинг миқдорида» дейсиз – 3;

в) Яқин-атрофдаги ички ишлар бўлинмалари га хабар берасиз – 5.

6. Агар сизни бегона одам музқаймоқ ейишга таклиф қилса, сиз:

а) музқаймоқни ёқтириласлигингизни айтасиз – 1;

б) музқаймоқни яхши кўришингизни айтасиз – 3;

в) иссиқ кунда салқинлаб олишингиз ҳақида ўйлаганлари учун миннатдорчилик билдирасиз – 5.

7. Бошлиқдан ҳайфсан олганда, сиз:

а) ҳаммаси ўтиб кетди деб орқага ташлайсиз – 1;

б) қаттиқ асабийлашасиз – 3;

в) нохуш воқеани тезда унутасиз – 5.

8. Тўрмуш ўртоғингиз кутилмагандага полни артса, сиз:

а) шунда нима учун идиш-товоқларни ҳам ювмаганини сўрайсиз – 1;

б) аёлларга хос юмушларга қизиқиш пайдо бўлганини таъкидлайсиз – 3;

в) ниҳоят сизга ёрдам бера бошлаганидан қувонасиз – 5.

9. Кимдир ногаҳон оёгингизни босиб олса, сиз:

а) «Ҳалигача икки оёқда туришни ўрганмадингизми?» деб сўрайсиз – 1;

б) кимдир оёқ босиш баҳонасида сиз билан танишимоқчи бўлганидан хурсанд бўласиз – 3;

в) «Оёғимни босиб туриш сизга қулайми? деб сўрайсиз – 5.

Энди тўплаган балларингизни ҳисобланг.

30–47 балл йиққан бўлсангиз, демак, сизда юмор ҳисси жуда кучли.

Агар ундан кам балл тўпласангиз, ишонинг, энг кулагили воқеалар ҳали олдинда.

СҮФИТҮРГАЙМISIZ ёКИ БОЙҚУШ

Эрта тонгдан туриб ишга отланадиганлар кишиларга «сүфитүргай» деб таъриф берилади. «Бойқушлар» эса кечки пайт ва тунда ишлайдилар, шунга күра, эрталаб туришлари қийин бўлади. Одамларнинг «сүфитүргай» ёки «бойқуш» эканини аниқлаш учун бир қанча тестлар мавжуд. Сиз ҳам ўзингизнинг икки тоифадан қайси бирига мансублигингизни таҳлил қилиб кўринг.

- 1. Эрталаб уйқудан уйгонишингиз қийинми?**
а) ҳа, ҳар доим – 3;
б) баъзан – 2;
в) камдан-кам ҳолларда – 1;
г) жуда кам – 0.
- 2. Агар танлаш имконияти бўлганида қай пайтда уйқуга ётишни танлаган бўлардингиз?**
а) тунги 12.00 дан кейин – 3;
б) 23.00 дан 1.00 оралиғида – 2;
в) 22.00 дан 23.30 гача – 1;
г) 22.00 гача – 0.
- 3. Эрталабки нонуштангиз...**
а) тўйимли – 3;
б) у қадар тўйимли эмас – 1;
в) битта қайнатилган тухум ва битта бутерброд билан қаноатланаман – 2;
г) бир пиёла чой ёки қаҳва етарли – 0.
- 4. Ишхона ёки уйда келиб чиққан низолар куннинг қайси вақтида содир бўлган?**
а) куннинг биринчи ярмида – 1;
б) куннинг иккинчи ярмида – 0.
- 5. Нимадан осонгина воз кечган бўлардингиз?**
а) эрталабки чой ёки қаҳвадан – 2;
б) кечки чойдан – 0.

6. Овқатланиш тартибингиз байрам ёки таътил вақтида қанчалар осон бузилади?

- а) жуда осон – 0;
- б) етарлича осон – 1;
- в) қийин – 2;
- г) үзгармайды – 3.

7. Агар эрта тонгдан мұхым ишларни амалға ошириш зарур бўлса, ҳар куни ухлайдиган вақтингиздан неча соат олдин ухлашга ётасиз?

- а) 2–3 соат олдин – 3;
- б) 1–2 соат олдин – 2;
- в) 1 соат олдин – 1;
- г) одатдагидек – 0.

8. 1 дақиқа оралигидаги вақтни қанчалик аниқ белгилайсиз?

- а) 1 дақиқадан кам деб ҳисоблайман – 0;
- б) 1 дақиқадан кўп деб ҳисоблайман – 2.

Энди балларингизни ҳисобланг:

0–7 балл тўплаган бўлсангиз, сиз «сўфитўргайсиз».

8–13 балл бўлса – бир маромда ҳаракатланасиз.

14–20 балл тўплаган бўлсангиз, «бойқуш»сиз.

«Сўфитўргай»лар мақтовга лойик, эрта туриб, режадаги ишларини бажаришга киришадилар. Шу билан бирга, «бойқуш»ларнинг ҳам ижобий томонларини топишга ҳаракат қиласиз. Баъзи маълумотларга қараганда, «бойқуш»лар бошқаларга қараганда камроқ талvasага тушадилар, уларда шароитга мослашиш кучли экан. «Бойқуш» тоифасига кирадиган кишилар кўпинча учувчи, ўт ўчирувчи ва ҳарбийлик касбларни эгаллашади. Бойқуш«ларнинг ожиз аъзолари

ошқозон, юрак бўлиб, уларни ошқозон яраси, қон босими ошиши, стенокардия безовта қиласр экан. «Бойқуш»лар «сўфитургай»ларга қараганда кунига 1,5 баробар кўп гормон ишлаб чиқараладилар. Бу «допинг» ҳисобига улар кечқурун ва тунда фаоллашадилар ва бу бесамар кетмайди.

СИЗ ВА ИЖОД

Ушбу тест сизда ижодкорлик, яратувчаник қобилияти қанчалар ривожланганини аниқлашга ёрдам беради.

1. Атрофингиздаги оламни ҳозиргиданда яхшилаш мумкин деб ҳисоблайсизми?

- а) ҳа – 3;
- б) йўқ, ўзи шундоқ ҳам яхши – 1;
- в) ҳа, фақат баъзи нарсаларга – 2.

2. Сиз атрофингизда катта ўзгаришилар қилишида иштирок эта оласизми?

- а) ҳа, кўп ҳолларда – 3;
- б) йўқ – 1;
- в) ҳа, баъзи ҳолатларда – 2.

3. Айрим гояларингиз фаолиятингиз соҳасида ривожланишига олиб келиши мумкинлиги ростми?

- а) ҳа – 3;
- б) ҳа, кулай шароитларда – 1;
- в) маълум даражада – 2.

4. Келажакда ниманидир ўзгартиришида муҳим роль ўйнайман деб ҳисоблайсизми?

- а) ҳа, шубҳасиз – 3;
- б) эҳтимол – 1;
- в) балки – 2.

5. Бирон нимани амалга оширишига қарор қилганингизда ўзлигингизни кашф эта олишингизга ишонасизми?

- а) ҳа – 3;
- б) кўпинча иккиланаман – 1;
- в) йўқ – 2.

6. Сизда ўзингизга умуман нотаниш бўлган иш билан шугулланиши истаги бўладими?

- а) ҳа, нотаниш нарсалар мени ўзига тортади – 3;
- б) нотаниш нарсалар мени қизиқтирумайди – 1;
- в) ҳаммаси шу ишнинг хусусиятига боғлиқ – 2.

7. Ўзингиз аввал билмаган маълум ишни бажаришига тўғри келди дейлик, шу соҳада билим ва тажриба орттириши истаги пайдо бўладими?

- а) ҳа – 3;
- б) эришганимнинг ўзи билан қаноатланаман – 1;
- в) ҳа, агар менга ёқса – 2.

8. Ўзингиз билмаган иш билан, агар у сизга ёқса, у ҳақда ҳамма нарсани билишига ҳаракат қиласидингиз?

- а) ҳа – 3;
- б) йўқ, фақат асосийларини билишни истайман – 1;
- в) йўқ, қизиқкан нарсаларимнинг ўзини биламан, қўяман – 2.

9. Омадсизликка учраганда, сиз:

- а) қанчадир муддат соғлом фикрга қарши турман – 3;
- б) бу муваффақиятсизликка қўл силтайман – 1;
- в) ўз ишимни давом эттираман – 2.

10. Сизнингча, касбни қўйидагиларга кўра танлаш керак:

- а) имконият ва истиқболга кўра – 3;

б) касбнинг аҳамияти, талабгорлиги ва барқа-
рорлигига кўра – 1;

в) кейинчалик мол-мулк, давлат орттиришга
кўра – 2.

11. Саёҳат қилиш давомида босиб ўтган йў-
лингиздан мўлжални осон оласизми?

а) ҳа – 3;

б) йўқ, адашишдан қўрқаман – 1;

в) ҳа, фақат ўзимга ёқсан жойлардагина – 2.

12. Бирор даврада сұхбат якунига етгач, ни-
малар ҳақида гапирилганини тез эслайсизми?

а) ҳа, албатта – 3;

б) кўпинча хотирлай олмайман – 1;

в) фақат ўзимга қизиқарли бўлганларини
эслайман – 2.

13. Ўзингизга нотаниш бўлган жумлани эшишт-
гандан уни адашмасдан тақрорлай оласизми?

а) ҳа, ҳеч қийинчиликсиз – 3;

б) ҳа, агар эслаб қолиш осон бўлса – 1;

в) ҳа, лекин жуда аниқ эмас – 2.

14. Бўш вақтларда сиз:

а) ёлғиз қолиб фикрлайсиз – 3;

б) жамоа билан бирга бўласиз – 1;

в) қаерда ким билан бўлиш фарқсиз – 2.

15. Бирон нима билан шугулланганда уни
қуидаги вазиятларда тугатасиз:

а) иш ниҳоясига етганда ва аъло даражада
бажарилганда – 3;

б) озгина бўлса ҳам кўнглингиз тўлганда – 1;

в) охиригача етказиб бўлмадим – 2.

16. Бир ўзингиз қолсангиз:

а) мавхум нарсалар ҳақида орзу қиласиз – 3;

б) шуғуланиш учун аниқ бир машфулот топа-
сиз – 1;

в) ишингиз билан боғлиқ нарсаларни ўйлаб топасиз – 2.

17. Миянгизга бирон гоя келиб қолса, у ҳақда ўйлайсиз:

а) ким билан ва қаерда бўлишингиздан қатъи назар – 3;

б) фақат ёлғиз қолгандагина – 1;

в) шовқин бўлмаган жойда – 2.

18. Миянгиздаги гоядан воз кечасиз:

а) мухолифларнинг ишонтирувчи далиллари-ни тинглаб – 3;

б) қандай далиллар келтирилмасин, ўз фи-крингизда қоласиз – 2;

в) қаршилик кучли бўлган ҳолатларда фи-крингизни ўзгартирасиз – 1.

Энди балларингизни ҳисобланг.

49 ва ундан ортиқ балл. Сизнинг ижодкорлик лаёқатингиз, куч-қудратингиз етарли дара-жада. Шунга кўра, ижодий имкониятларингиз бой. Агар қобилияtingиздан унумли фойдала-нишни билсангиз, ижод ва санъат соҳасида кўп-гина ютуқларга эришасиз.

24–48 балл. Сизнинг ижодкорлик лаёқатингиз, куч-қудратингиз меъёрий даражада. Ижод қилишга имкон берадиган хусусиятларга эгасиз, бироқ бу жараённи тұхтатиб қўядиган муаммо-ларинги, оор. Нима бўлганда ҳам ижодкорлик лаёқатингиз ўзлигингизни намоён этишингизга ёрдам беради.

23 ва ундан паст балл. Сизнинг ижодий лаёқа-tingиз, куч-қудратингиз, афсуски, юқори эмас. Балки сиз ўзингизнинг истак-хөзишларингизни, ички интилишларингизни яхши билмассиз. Ўзин-

гизга ишонмаганингиз сабаб, мен умуман ижодга алоқадор инсон эмасман, деган фикрга олиб келган. Бундай фикрни хаёлингиздан чиқарип ташланг ва муаммоларингизни ҳал этинг.

ПСИХОЛОГИК ЁШИНГИЗ НЕЧАДА

Мазкур тест паспортда қайд этилган физиологик ёшимиздан фарқли үлароқ психологик ёшимизни аниқлаб беради. Унда 10 савол ва 5 та вариант таклиф этилади, ҳар бирига «а», «б», «в», «г» ва «д» ҳарфлари билан белгиланган жавоблар танланади. Ўзингизга энг яқин бўлган жавобни белгиланг.

1. Кечикяпсиз ва автобус бекатидан у қадар узоқ бўлмаган ерда турибсиз. Автобус келди. Нима қиласиз?

- а) автобусга етиб олиш учун югарасиз;
- б) иложи борича тезроқ юрасиз;
- в) одатдагидан кўра тезроқ юрасиз;
- г) одатда қандай юрсангиз, шундай кетасиз;
- д) кейинги автобус келяптими-йўқми, қарайсиз, кейин нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлайсиз.

2. Модага муносабатингиз?

- а) модани тан оласиз ва русумга мос кийинишга ҳаракат қиласиз;
- б) фақат ўзингизга мос бўлган кийимларни киясиз;
- в) файриодатига урфни умуман тан олмайсиз;
- г) замонавий модани тан олмайсиз;
- д) кайфиятингизга қараб тан оласиз ва рад этасиз.

3. Бүш вақтингизни күпроқ:

- а) дүстларингиз билан ўтказасиз;
- б) телевизор томоша қиласиз;
- в) бадиий адабиётлар үқийсиз;
- г) кроссворд ечасиз;
- д) дуч келган нарса билан шуғулланасиз.

4. Күз ўнгингизда ноҳақлик рўй берди. Сизнинг муносабатингиз?

- а) шу заҳоти ҳамма бор воситаларни ишлатиб ҳақиқатни юзага чиқаришга киришасиз;
- б) жабр кўрган киши томон бўлиб, унга ёрдам беришга ҳаракат қиласиз;
- в) амалдаги қонунлар доирасида ҳақиқатнинг юзага чиқишига ҳаракат қиласиз;
- г) ноҳақлик бўлди-я, дея хулоса чиқарасиз-да, ўз ишингизда давом этаверасиз;
- д) ўз фикрингизни баён қилмай муҳокамага аралашасиз.

5. Замонавий, ёшлиарбоп мусиқа тинглаётганда, сиз:

- а) ҳайратланасиз;
- б) бунга ҳам «касал» бўлиш керак экан, деб ўйлайсиз;
- в) қизишасиз ва норозилик билдирасиз;
- г) бундай шовқин ва гумбур-гумбурни рад этасиз;
- д) дунёда ҳамманинг диди ва таъби бир хил бўлмайди деб ҳисоблайсиз.

6. Дўстлар даврасида бўлганингизда сиз учун нима муҳим бўлади?

- а) истеъдодингизни намойиш этиш имконияти;
- б) одамлар бутун умр эслаб юришларига сабаб бўладиган ҳаракатларни қилиш;
- в) одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш;

- г) бошқалардан ажралмаслик;
- д) жамоада ўзини тутиш тартиб ва интизомига мувофиқ ўзини тутиш;
7. Қайси иш сизга ёқади?
- а) кутилмаган ва таваккалчилик унсурлари бўлган иш;
 - б) бир маромда зерикарли бўлмаган ҳар қандай иш;
 - в) тажриба ва билимларни қўллаш мумкин бўлган иш;
 - г) қийин бўлмаган;
 - д) кайфиятга қараб.
8. Қанчалик эҳтиёткорсиз?
- а) ўйлаб ўтирмасдан ишга қўл уришга мойилсиз;
 - б) аввал ишга киришасиз, кейин муҳокама қиласиз;
 - в) асосий натижалари маълум бўлмагунча ҳеч бир ишда иштирок этмасликни маъқул кўрасиз;
 - г) охири муваффақият билан тугайдиган ишлардагина иштирок этасиз;
 - д) ишларга вазиятдан келиб чиқсан ҳолда муносабатда бўласиз.
9. Ишонувчанимисиз?
- а) айрим кишиларгагина ишонасиз;
 - б) кўпчиликка ишонасиз;
 - в) кўпларга ишонмайсиз;
 - г) ҳеч кимга ишонмайсиз;
 - д) ким билан муомала қилаётганингизга боғлиқ.
10. Қайси кайфият феълингизга хос?
- а) кўпроқ оптимист;
 - б) кўпинча оптимист;
 - в) кўпинча писсимист;
 - г) кўпроқ писсимист;
 - д) шароитдан келиб чиқсан ҳолда.

Ҳар бир тест саволига «б» дан «д» гача бўлган ижобий, яъни «ҳа» жавобларингизни алоҳида ҳисобланг. Сўнг $T = 2$ ($b + 3v + 4g + 2d$) формуласи асосида умумий миқдорни аниқланг (масалан, «б» бандларга «ҳа» жавобингиз 3 та, «в» бандларига 3 та, «г» бандига 2 та, «д» бандига 2 та бўлса, қуидагича ҳисобланади: $2x(3+3x3+4x2+2x2) - x2x24x48$, демак, психологик ёшингиз 48 да экан). Ҳосил бўлган рақам сизнинг психологик ёшингизни билдиради.

Агар ҳосил бўлган рақам сизнинг биологик ёшингиз билан тенг бўлса, ҳаммаси кўнгила-гидек. Ижодий фаолият билан шуғулланувчилар учун психологик ёшлари паспортда кўрсатилган ёшларидан катта бўлмагани маъқул. Агар 30 ёшдан кейин ортда қолса, демак, сиз яхши шаклагансиз, маълум қолипга тушмагансиз, имкониятларингиз чекланмаган. Агар биологик ёшингиз озгина олдинда бўлса, бу ҳам ёмон эмас, демак, аниқлик ва қатъийлик талаб қила-диган ҳар қандай фаолиятнинг уддасидан бема-лол чиқасиз.

ФАНТАЗИЯНГИЗ ҚАЙ ДАРАЖАДА РИВОЖЛАНГАН

Орзу қилувчимисиз ёки прагматикми, мазкур тест саволларига жавоб бериб, тўплаган балларингизни ҳисобласангиз, кимлигинги аниқ бўлади-қолади.

1. Расм чизасизми?

Ҳа – 2, йўқ – 1.

2. Кўп хафа бўласизми?

Ха – 1, йүқ – 2.

3. Ҳаётда рүй берган бирон воқеани сүзлаётганды бүрттириш учун хаёлингиздаги үйдирмаларни құшасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

4. Ишда ташаббус күрсатасизми?

Ха – 2, йүқ – 1.

5. Ёзувингиз иирикми?

Ха – 1, йүқ – 0.

6. Модага эътибор бермай, шахсий таъбингизга күра кийинасизми?

Ха – 2, йүқ – 1.

7. Мажлисда зерикканингизда битта шаклдаги суратларни чизасизми?

Ха – 0, йүқ – 1.

8. Мусиқа тинглаётганингизда мусиқа билан боғлиқ тасаввур пайдо бүладими?

Ха – 1, йүқ – 0.

9. Узундан-узоқ хат ёзишини ёқтирасизми?

Ха – 2, йүқ – 1.

10. Ноадатий тушлар күрасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

11. Үзингиз билмаган, лекин танишларингиз таърифлаган жойни тасаввур қила оласизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

12. Фильм томоша қилаётганды йифлайсизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

Энді балларингизни ҳисобланғ:

14–16 балл. Фантазиянгиз кучли ривожланған. Агар бу имкониятдан түгри фойдалансанғиз, ҳаётингиз мазмунан бойииди ва үзингизга ҳамда атрофингиздагиларга күп қувонч келтирасиз.

9–12 балл. Фантазиянгиз у қадар заиф эмас. Faқат гап уни ривожлантира олиш-олмаслигин-гизда.

5–8 балл. Сиз мулоҳазали, ҳүшёр одамсиз, осмонларда учеб юрмайсиз, лекин баъзан оёқни ердан узиб, бир оз хаёлга берилиш фойдали ҳи-собланади. Агар хаёл суришни, тасаввур қилиши билмасангиз, у ҳолда қўйидаги машқ айнан сиз учун.

ОРЗУ ВА ТАСАВВУР ҚИЛИШ МАШҚИ

Тест саволларига жавоб бериб 14 балдан кам тўплаганлар учун тасаввур қилиш, образларни кўриш машқини тавсия этамиз. Машқлар аввал ривожлантиради, сўнг фантазиянгиз қурилишини ва ундан фойдаланишни ўргатади. Бу машқни бажара туриб истасангиз ётинг. Бир неча дақиқага кўзларингизни юминг, бутун дикқатингизни нафас олишга қаратинг. Кўз олдингизда катта экранни тасаввур қилинг, экранда хоҳлаган гулингизни «кўринг». Гулни экрандан олингда, унинг ўрнига оқ атиргулни «қўйиб қўйинг». Кейин оқ атиргулни қизил рангдагисига «алмаштииринг». Агар қийналсангиз, қўлимда қилқалам бор деб тасаввур қилинг ва оқ атиргул япроқларини қизил рангга бўянг. Сўнг атиргулни «олиб ташланг» ва ўзингиз ўтирган хона деворлари, мебел, жиҳозларни бўянг, ўринини алмаштииринг. Кейин суратни айлантиринг, хонага шифтдан қаранг. Бундай қилишга қийналсангиз, ўзингизни шифтда тургандай ҳис қилинг ва хонани кўздан кечиринг. Энди яна кўз олдингизга экранни келтиринг ва чироқ манбаси ёнига мовий фильтрни жойлаштииринг.

Экран бутунлай мовий тусда бұлсın. Сүңг фильмтриң қызил рангдагисига алмаштириңг. Экранни яшил тусга киргизинг. Тасвир ва рангларни хоҳлаганингизча үзгартыраверинг.

Бу машқларни бириңчи марта бажарганингизда тасаввуриңгизда хонани үзгартыришга, рангларни алмаштиришга қийналарсиз, лекин танангиз бұшашади, асаб таранглиги йүқолади.

ХАЁЛПАРАСТМИСИЗ ЁКИ РЕАЛИСТ

Баъзи бирөвлар сурат чизишни яхши күради, яна айрим кишилар күн бүйи мусиқа тинглайди. Бундай кишилар атрофида содир бұлаёттан ҳамма нарсаны жуда нозик ҳис қиласылар. Бошқача қилиб айтганда, гүзәлликни севадилар, улар учун санъат ҳәётни безашдир. Сиз ён атрофингизда гүзәлликни күра оласизми, умуман, қанчалик нозиктаъбсиз? Қуйидаги тест саволларыга жавоб берсангиз, үзингизнинг хаёлпарат ёки реалист эканингизни билиб оласиз.

1. «Юз» ва «чехра» сүзлари орасида фарқ борми?

Ха – 1, йүқ – 0.

2. Шинам бұлмаган үйда яшай оласизми?

Ха – 0, йүқ – 1.

3. Расм чизишни ёқтирасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

4. Урфға қараб әмас, балки ёшиңгиз ва дидингизга мос кийинасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

5. Ал Хоразмий, Ибн Сино, Леонардо да Винчи, Гёте исмлари сизнинг ёдингизга бирон нималарни соладими?

Ха – 1, йүқ – 0.

6. Ҳуснихатингиз жуда ҳам ёмонми?

Ҳа – 0, йўқ – 1.

7. Кийимларингиз бошдан-оёқ бир хил рангда бўлишига эътибор қиласизми?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

8. Музейларга боришини яхши кўрасизми?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

9. Қуёш ботаётганда томоша қилиш учун йўлингизда тўхтаб туриб қоласизми?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

10. Геометрик фигуralарни чизишни ёқтирасизми?

Ҳа – 0, йўқ – 1.

11. Оддий кунларда ҳам оддий таомларни безатиш одатингиз борми?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

12. Кўчада узоқ вақт сайд қиласизми?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

13. Ёлгиз қолишини ёқтирасизми?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

14. Бирор шеър тўқишини бошлиса, бу сизга мантиқсиздек туюладими?

Ҳа – 0, йўқ – 1.

15. Мусиқани фақат тинчланиши ва дам олиш учун тинглайсизми?

Ҳа – 0, йўқ – 1.

16. Чиройли манзараларни узоқ вақт хоти-рангизда сақлаб қоласизми?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

17. Денгиз ва дарё тошлари назарингизда жуда чиройли жисмлар.

Ҳа – 1, йўқ – 0.

18. Янги танишлар орттириши ва улар билан учрашишини яхши кўрасиз?

Ха – 0, йүқ – 1.

19. Шеърни овоз чиқарыб ўқишни ёқтирасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

20. Ўз хонангиз деворларига расм чизиш хоҳиши бўлганми?

Ха – 1, йүқ – 0.

21. Соч турмагингизни тез-тез ўзгартирасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

22. Уйингизда мебел ва жиҳозлар ўрнини ўзгартириб турасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

23. Бирон марта шеър тўқишига уриниб кўрганимисиз?

Ха – 1, йүқ – 0.

24. Шеър ёзасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

Энди балларингизни ҳисобланг:

16 баллдан юқори. Сиз ҳақингизда гапирадиган бўлсак, фақат бир нарсани айтиш мумкин: шубҳасиз, гўзалликни жуда кучли ҳис этасиз, табитан артистнамо инсонсиз.

8-16 балл. Баъзан осмонда, булувлар устида учеб юрасиз, аслида гўзаллик сиз учун аҳамиятсиз эмас. Аммо кўпроқ ҳаётга ақл кўзи билан қарайсиз. Қисқача айтганда, ҳамма ёқимли нарсаларнинг ҳам фойдали томонларини ўйлаб юрасиз.

4 баллдан кам. Сиздек одамни қуёшнинг чиқиши ёки ботишидек мўъжизавий манзаралар ҳам тўхтата олмайди. Қадимги хитойликларнинг ёзма ёдгорликларидан олинган мана бу

фикрларни чуқур ўйлаб кўринг: «Осмон остидагилар гўзаллик нима эканини билганларидан сўнг хунуклик пайдо бўлди. Эзгулик нималигини анлаганларидан сўнг ёвузлик ҳам пайдо бўлди. Мана, нима учун Борлик ва Йўқлик бир-биридан униб чиқади. Енгиллик ва қийинлик бир-бирини пайдо қиласди. Қисқалик ва узунлик бир ўлчамдан иккинчи ўлчамга ўтади. Юксаклик ва пастлик бир-бирига интилади. Овоз ва товуш бир-бири билан уйғунлашади, ўтмиш бир-бирининг ортидан эргашиб юради. Мана, нима учун донишманд жим туришга ўргатади ва табиий ҳодисаларга аралашмасликка ҳаракат қиласди».

ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИМИСИЗ

Орамизда жуда сезгир, шунингдек паришон хотир кишилар ҳамиша топилади. Мазкур тест саволларига «ҳа», «йўқ» деб жавоб бераб, ўзингизнинг қанчалик эътиборли эканингизни текшириб кўринг.

1. Эътиборлигиниз туфайли тез-тез ютқазасизми?
2. Дўстларингиз ва танишларингиз мазах қиласдими?
3. Бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб, ҳам ёнингиздаги одамни эшита оласизми?
4. Бирон марта кўчада калит ёки пул топиб олганмисиз?
5. Йўлдан ўтаётиб атрофга диққат билан қарaisизми?
6. Икки кун олдин кўрган фильмнинг деталларини эслаб қоласизми?

7. Бирор мутолаа, телевизор күришдан чалфитса, жаҳлингиз чиқадими?

8. Дўконда қайтимни касса олдида санаб оласизми?

9. Уйда керакли нарсани тез топасизми?

10. Бирор тўсатдан кўчада чўчитса, қўрқиб кетасизми?

11. Бирорни бошқасига ўхшатган пайтингиз бўлганми?

12. Гапга чалғиб бекатдан ўтиб кетишингиз мумкинми?

13. Яқинларингизнинг туғилган кунини ўйлануб ўтирмай айтиб бера оласизми?

14. Уйқудан тез уйгонасизми?

15. Ўтган йил борган музей ёки кино уйини бирорнинг ёрдамисиз топиб бора оласизми?

Энди натижаларни сарҳисоб қилинг:

2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 8-, 9-, 13-, 14-, 15-саволларга «ҳа», 1-, 7-, 10-, 11-, 12-саволларга «йўқ» деб жавоб берсангиз – 1 баллдан ҳисобланг.

11 ва ундан юқори балл. Ҳайратланарли дарражада диққат-эътиборлисиз. Бундай хотираага эга инсонга фақат ҳавас қилиш мумкин.

5-10 балл. Етарлича эътиборлисиз. Мухим нарсаларни ёддан чиқармайсиз. Баъзан хотирангизда чалкашликлар пайдо қиласизки, натижада кўнгилсизлик ичидаги қоласиз. Лекин бари бир масъулиятли пайтда диққатингизни жамлаб оласиз ва вазиятдан чиқасиз.

4 ва ундан паст балл. Жуда паришон хотирасиз, бу ҳаётингиздаги кўп нохушликларга сабаб бўлади. «Айбингиз»ни юзингизга айтишса, кулиб қўя қоласиз. Ҳаёлпараст бўлганингиз учун ар-

зимаган нарсага эътибор қилавермайсиз. Ўйлаб кўринг, ўша нарса арзимаган бўлиши мумкинми? Ахир паришонхотирлигингиздан атрофдаги кишилар ҳам азият чекяпти. Масалан, сув кувурини ёпишни унутдингиз, бировнинг қадрли ва қиммат китобини йўқотдингиз. Бу – ёмон. Тўғри, кексайган кишилар паришонхотир бўлиб қоладилар. Аммо ёшлик йилларида хотирани машқ қилдириш билан паришонхотирликдан қутулиш мумкин.

ҚАНЧАЛИК МЕҲРИБОНСИЗ

Одамлар ҳар хил. Орамизда қишда қор сўрасанг бермайдиганлар бор... Хўш, сиз қайси тоифага кирасиз? Одамларга эътиборлимисиз, меҳр кўрсатасизми? Буни билиш учун қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. *Пулингиз кўпайди, ҳаммасини дўстларингизга совга олиш учун сарфлармидингиз?*

Ҳа – 1, йўқ – 0.

2. *Танишингиз ўз муаммоларини гапирди, агар бу сизга қизиқ бўлмаса, унга айта оласизми?*

Ҳа – 0, йўқ – 1.

3. *Ҳамкорингиз у ёки бу ўйинни яхши билмаса, уни хурсанд қилиш учун ютқазиб берасизми?*

Ҳа – 1, йўқ – 0.

4. *Одамларнинг кайфиятини кўтариши учун яхши гапларни тез-тез гапирасизми?*

Ҳа – 1, йўқ – 0.

5. *Қўйол ҳазилларни ёқтирасизми?*

Ҳа – 0, йўқ – 1.

6. *Гина сақлайсизми?*

Ха – 0, йүқ – 1.

7. Бутунлай қизиқ бўлмаган нарсаларни охиригача эшига оласизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

8. Истеъдодингизни амалда қўллай оласизми?

Ха – 0, йүқ – 1.

9. Ютқазаётган бўлсангиз, ўйинни ташлаб кетасизми?

Ха – 0, йүқ – 1.

10. Ҳақлигингиизга ишонсангиз, қаршингиздаги одамни эшишидан бош тортасизми?

Ха – 0, йүқ – 1.

11. Илтимосларни мамнуният билан бажарасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

12. Бошқаларни кулдириши учун бирон кимсанинг асабига тегасизми?

Ха – 0, йүқ – 1.

Балларингизни ҳисобланг ва натижани билинг:

8 балл. Сиз илтифотлисиз, одамлар билан яхши муомала қиласиз, дўстларингиз жуда кўп. Сиз учун бир тавсиямиз бор – дуч келган одам билан апоқ-чапоқ бўлиб кетаверманг. Ҳамманинг ҳам ҳожатини чиқариш қийин.

4-8 балл. Вазиятга қараб раҳм-шафқатли бўласиз. Ҳаммага бирдек меҳрибон эмассиз. Кўнглингизга ёққанлар учундир жонингиздан кеча оласиз. Аммо кўнглингизга ёқмаган кишилар сиз билан муомала қилишни хоҳлашади. Бу ёмон эмас. Фикримизча, ҳамма билан бир хил муносабатда бўлинг, ҳеч ким сиздан хафа бўлмасин.

4 балдан қам. Сиз билан муомала қилиш ҳатто яқин одамларингиз учун ҳам азоб. Сал қовофингизни очинг, юрагингизни кенг қилинг, шунда дўстларингиз кўпаяди.

ЎЗ ҲАЁТИНГИЗНИ БОШҚАРАСИЗМИ

Маълумки, инсон феъл-автори унинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Шунингдек, характер муносабат, муомала, танловда, ўзини у ёки бу вазиятда қандай тутишда ҳам кўринади. Агар сиз ўзингизни яна ҳам яхшироқ билишни истасангиз, қўйида берилган саволларга «ҳа», «бilmайман», «йўқ» жавоб беринг. Албатта, бу имтиҳон эмас, аммо ўзликни англаш томон бир қадам кўйсангиз, ажаб эмас.

1. Ҳаётимда содир бўладиган ҳар бир нарсага ўзимни жавобгар ва масъул ҳисоблайман.

2. Агар баъзи бировлар менга нисбатан муносабатларини ўзгартирганларида эди, ҳаётимда бунчалик кўп муаммолар туғилмасди.

3. Мен омадсизликларим устида ўйлаб ўтиришни эмас, муаммоларни ҳал этиш учун ҳаракат қилиш керак деб биламан.

4. Баъзан назаримда мен худди омадсизлик юлдузи остида туғилгандекман.

5. Менимча, ичкиликбозларнинг ҳаммаси ўз соғалигининг ёмонлашишига ўzlари айбдор.

6. Баъзан ҳозиргидек характерли ва ўй-фикрли бўлишимга сабаб бўлган одамлар менинг ҳаётимга ҳам жавобгар бўлишлари керак деб ўйлайман.

7. Агар шамоллаб қолсам, шифокорга бормайман, ўзим билганимча даволанаман.

8. Мен одамнинг қизиққон ва тажовузкор бўлишига қўпинча атрофдаги одамлар сабаб бўлади деб ҳисоблайман.

9. Мен ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкин деб ўйлайман, ҳар доим аллақандай кўнгилсизликлар ичидаги қолиб юрадиган одамларни ҳеч тушунмайман.

10. Мен одамларга ёрдам беришни яхши кўраман, чунки менга ҳам ёрдам берган ва бераётган одамлардан миннатдорлик ҳиссини туяман.

11. Агар бирорта низо пайдо бўлса, ким айборлиги таҳлил этилса, авваламбор танқидни ўзимдан бошлайман.

12. Агар йўлимдан қора мушук чиқиб қолса, йўлимни ўзгarterириб, бошқа йўлдан кетаман.

13. Ҳар бир киши шароит ва вазиятларга қаттиқ боғланган, у ҳодисалар уммонида яшайди, шунинг учун инсон кучли ва мустақил бўлиши керак деб ҳисоблайман.

14. Мен ўзимнинг камчиликларимни биламан, атрофимдаги кишилар менинг камчиликларим билан муроса қилишларини истайман.

15. Одатда мен ўзгarterишиш қўлимдан келмайдиган шароит ва вазиятларга қўнаман.

1-, 3-, 5-, 7-, 9-, 11-, 13-саволларга «ҳа», 2-, 4-, 6-, 8-, 10-, 12-, 14-, 15-саволларга «йўқ» деб жавоб берган бўлсангиз – 10 баллдан; «бilmайман» жавоби учун 5 баллдан белгиланг.

Энди умумий балларингизни ҳисобланг:

100–150 балл. Сиз ўз шахсий ҳаёtingизни бошқарасиз. Сиз билан содир бўладиган ҳамма воқеа-ҳодисаларга ўзингизни жавобгардек ҳис этасиз. Кўп нарсани бўйнингизга оласиз, қийинчиликларни енгасиз, ҳаётий муаммоларни бўрттириб юбормай ҳал этасиз, ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича қабул қиласиз. Олдингизга вазифа қўясиз, унга етишишга ҳаракат қиласиз. Бу жараёнда нималарни ҳис этасиз, кўнглингизда қандай туйгулар бўлади – атрофдагилар учун жумбокдигича қолади.

50–99 балл. Сиз рулни моҳирона бошқарасиз, аммо зарурат туғилганда ўз ҳаёtingиз рулини бошқаришни ишончли қўлларга топшириб қўясиз. Шахсий ҳаёtingиздаги қийинчиликларни енгишда ақл билан иш юритасиз. Муросасозлигингиз, мулоҳазакорлигингиз, аниқ ҳаракат қилишингиз ҳамиша қўл келади. Сизга тааллуқди бўлмаган воқеалар бўлганда ўзингизни жавобгар ҳис этмайсиз. Аммо зарур бўлганда масъулиятни бўйнингизга оласиз. Одатда, сиз қанчон ва қандай йўл тутиш кераклигини яхши биласиз. Ўз хотиржамлигингизни сақлаш учун одамлар билан муроса қилиб, тинч, осуда яшайсиз.

50 баллдан кам. Сиз кўпинча ўз ҳаёт йўлингизнинг йўловчиси бўлиб қоласиз. Ташқи таъсир ва кучларга бўйсунувчансиз. Ўзингизни, шундай бўлиб қўди-да, деб оқлайсиз. Муаммоларингиз учун дуч келган одамни айблайсиз, сабабини ҳеч ҳам ўзингиздан қидирмайсиз. Эркинлик сиз учун имконсиз нарсадек туюлади. Шу билан бирга, атрофингиздагилар қандай одам ва сиз ҳақингизда нималар ўйлашидан қатъи назар, улар билан тинч яшай оласиз.

МУСТАҚИЛ ИНСОНМИСИЗ

Хаётда масъулиятни ўз бўйнига олишдан қўрқадиган кишилар ҳам учрайди. Улар шу даражада қарор чиқаришга, сўнгсўзни айтишга қўрқадиларки, ҳатто ўз муаммоларини ҳам ўзгалар елкасига юклаб қўядилар. Ўйлаймизки, сиз ундан кишилар тоифасига кирмайсиз. Қуйидаги тест бу борада ўзингизга бўлган ишончнинг қай даражада эканлигини яна бир бор кўрсатади.

1. *Мактаб, коллежни тугатган пайтингизда қаерда ишилаш, ким бўлиб ишилаш ҳақида бирор қарорга келганимисиз?*

а) ўз қизиқишиларингиз, орзуварингиз асосида мустақил фикрлагансиз;

б) ота-онангиз ва қариндошларингиз фикрига қулоқ солгансиз;

в) фақат яқин дўстларингиз маслаҳатига амал қилгансиз.

2. *Ўзингиз танлаган ўқув муассасасига кираётганда нималарга таянгансиз?*

а) фақат ўз кучингизга;

б) кириш имтиҳонларининг осон бўлишига;

в) фақат «танка»ларга.

3. *Ўқиш даврида имтиҳон ва машгулотларга қандай тайёргарлик кўргансиз?*

а) тиришқоқ ва изланувчан, меҳнаткаш бўлгансиз;

б) баъзан ўқитувчи ва ҳамкурсларингиздан ёрдам сўрагансиз;

в) ўзгаларнинг кўмагига ишонгансиз.

4. *Ишга қандай киргансиз?*

а) тақсимот бўйича;

б) ўзингиз сўраб-излаб бўш иш ўрнини топгансиз;

в) таниш билишлар орқали.

5. Қийин вазиятларда қарорни қандай қабул қиласиз?

а) ўз тажриба ва билимларингизга таянасиз;

б) баъзан ҳамкаслар билан ҳам маслаҳатлашасиз;

в) ҳар доим маслаҳатлашасиз.

6. Оила қуришдан олдин танловингизни қандай билдиргансиз?

а) сиз ўзингиз сўнгти қарорни қабул қилгансиз;

б) яқинларингизнинг фикрини инобатга олгансиз;

в) қаллифингизни аввал яқинларингизга таниширгансиз, улар билан маслаҳатлашгансиз.

7. Агар турмуш ўртогингиз хизмат сафарида бўлса, ўзингиз мустақил равишда уй-жой, мебел танлай оласизми?

а) ҳа;

б) албатта, сиз буни қила оласиз, лекин бу ишларга кейинроқ киришган маъқул;

в) йўқ.

8. Балоғат ёшида ўз фикрингизни қанчалар ҳимоя қила олгансиз?

а) ҳар доим ҳимоя қилгансиз, шунинг учун ота-онангиз билан ўртангизда низолар бўлган;

б) ҳимоя қилгансиз, лекин ота-онангиз фикрини ҳам эшитгансиз;

в) ўзингизча ҳеч қандай қарор қабул қила олмагансиз.

9. Хизматда, уйда, дўстларингиз орасида фикрингизни ҳимоя қиласизми?

а) ҳа, қандай шароит бўлишидан қатъи назар;

- б) күп ҳолларда ҳа;
- в) камдан-кам ҳолларда.

10. Шахс сифатида ижтимоий ва интеллектуал соҳаларда қандай шаклланасиз?

а) ўзингизни бутунлай касб-хунарингизга бағишилайсиз;

б) сиз учун турмуш ўртоғингиз ва яқинларингизнинг фикри муҳим;

в) яқинларингизнинг фикрига бутунлай таянасиз.

11. Агар эрингиз ёки аёлингиз ўз соглигига зарарли нарса қилаётган бўлса, сиз:

а) бу ишни ташлашига мажбур қиласиз;

б) нима учун ўзини аяш кераклигини ётифи билан тушунтирасиз;

в) нима қилиш кераклигини тушунтиришга ҳаракат қиласиз, лекин бу ҳар доим ҳам қўлингиздан келавермайди.

Ҳар бир «а» жавоб учун – 4, «б» жавоб учун – 2, «в» жавоб учун – 0 балл белгиланг ва умумий балларингизни ҳисобланг.

30–44 балл. Сиз барча муносабатларда мустақил ва эркин одамсиз. Ишингизга бирорларнинг нафақат аралашганини ёмон кўрасиз, балки ўзгаларнинг фикрини эшитишни ҳам билмайсиз. У ёки бу қарорни қабул қилаётганда унинг ижобий ва салбий томонларини баҳолай олишингизга ишончингиз комилми? Бирон мақсадга етиш йўлида ўзингизга ортиқча бино қўйиб юбормаяпсизми? Билиб қўйинг, ўзига бўлган ишонч меъёрида бўлгани яхши, акс ҳолда у нуқсонга айланади.

15–29 балл. Феъл-авторингиз барқарор, стрессларга бардошлисиз. Сиз ишончли дўст

ва ҳамроҳсиз. Ўзингизга бўлган ишонч келажакда албатта ўз мевасини беради. Мустақилсиз, шу билан бирга сизнинг қадрингизга етадиган кишиларнинг фикрларини ҳамиша тинглай оласиз.

0-14 балл. Сиз жуда ҳам журъатсиз экансиз. Балки шунинг учун сизга менсимай, назар-писандалик билан муомала қилишар. Дадил ва журъатли бўлишингизга нима халақит қиляпти, ҳаракат қилиб кўринг, албатта оқиллик билан, мантиқий ўйлаб туриб ғоянгиз ҳамда қарорингизни баён этинг. Ана шунда ўзингизга бўлган ишонч ҳам ортади.

РУҲИЯТИНГИЗДА АЁЛЛИК ИБТИДО УСТУНМИ ЁКИ ЭРЛИК

Кенг тарқалган фикрларга кўра, эркак киши жиддий, кучли, қўрқмас, ақлли ва мулоҳазали бўлади. Аёл эса нозик ҳилқат, у мафтункор, тез таъсирчан, сезгир, ҳушёр бўлади. Шундай бўлишига қарамай, ҳаётда ҳамма нарса ўзгариши, кутилмаган ҳодисалар рўй бериши мумкин. Яъни, ҳозир умумқабул қилинган меъёрларга тўла мос келадиган эркак ва аёлларни учратиш қийин. Қуйида келтирилаётган тест ўзингизни тўла таҳдил этиш имконини беради. Тест саволларига жавоб бериб, натижаларига кўра онгостингизда ўзингизни эркак ёки аёл ҳис этишингизни аниқлаб оласиз.

1. Агар шундай имкон берилса, ўзимни жамиятнинг энг олди кишиси қилиб қўрсатишни ва масъулиятни бажаришини яхши кўраман.

Ҳа – 10, йўқ – 0, билмайман – 5.

2. Қийин ёки низоли вазиятларда энг яқын кишиларимдан күмак кутаман.

Ха – 0, йүк – 10.

3. Ҳар қандай соҳада ишларни осонлик билан бажараман, тез қарор қабул қила оламан.

Ха – 10, йүк – 0.

4. Таъсирчан ва ҳиссиётларга берилувчанман, шунинг учун мени тез ва осон хафа қилиб қўйиш мумкин.

Ха – 0, йүк – 10.

5. Ўзимни ва гуруримни ҳимоя қила оламан.

Ха – 10, йүк – 0.

6. Ташқи кўринишинга эътибор қиласаман, бу менга ҳузур багишлайди.

Ха – 0, йүк – 10.

7. Одатда шароитларга мослашишига ҳаракат қиласаман, илк пайдо бўлган хоҳиши ва майлар асосида иш кўрмайман.

Ха – 10, йүк – 0.

8. Баъзан қарама-қарши жинс вакиллари билан гийбатлашишини яхши кўраман.

Ха – 0, йүк – 10.

9. Қудратли руҳий кучга эгаман, ҳамма соҳада ҳам эркин ва мустақилман.

Ха – 10, йүк – 0.

10. Ҳар доим ёнимда кўзгу олиб юраман.

Ха – 0, йүк – 10.

11. Ўзгаларнинг менга берган озорини узоқ ёдда сақлайман ва вақти келиб қасдимни олиш ҳақида ҳам ўйлайман.

Ха – 10, йүк – 0.

12. Сабрим етмайди ва ҳар қандай шароитларда ҳам ўзимни ушлаб туролмайман, воқеа-ҳодисаларга совуққонлик билан қаролмайман.

Ха – 0, йүқ – 10.

13. Менимча, мұхаббат самимий түйгү, у күнгилдан ташқарига чиқиши зарур бўлмаган кечинмадир.

Ха – 0, йүқ – 10.

14. Романтика – менинг табиатимга хос ҳусусият.

Ха – 0, йүқ – 10.

15. Менинг феъл-авторим отамнинг феъл-авторига ўхшайди.

Ха – 10, йүқ – 0.

Энди тўплаган балларингизни ҳисобланг:

100–150 балл. Руҳиятингизда эркакларга хос психика 100 фоизни ташкил этади. Эркинлик, мустақиллик, қатъият, жасорат, журъат – сизнинг кучли томонингиз. Сиз бошқаларга ҳам тиргак бўла оласиз ва бу дунёда нима учун яшаётганингизни биласиз. Ҳаётий тамойилларингиз атрофдагиларга сизга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотади. Агар сиз эркак киши бўлсангиз, жавобларингиз турли жинс вакилларининг бир хил қолипда бўлишлари мумкинлигини тушунишингизни англаатади. Мабодо аёл киши бўлсангиз, эркакларга хос сифатлар ўзингизда мавжуд эканидан қониқасизми? Ўлаб кўринг.

50–99 балл. Керакли вазият ва шароитларда ўзингизда мавжуд эркакларга хос ҳусусиятлардан фойдалана оласиз, демак, сизда маълум даражада эрлик ибтидоси мавжуд. Шунингдек, аёллардаги назокат, нафосат, юмшоқлик, таъсирчанлик, ақл билан иш кўриш, эҳтиёткорлик жиҳатлари ҳам ҳам борки, булар ҳаётда жуда кўул келади. Баъзан ҳаётий воқеликлар қара-

ма-қарши жинс вакиллариға мансуб хислатларни құллашингизни талаб қылади. Мурасакорлик сизнинг ҳар қандай шароитларда ҳам яшовчанлигинизни таъминлайди.

0-49 балл. Сизда 100 фоиз аёллин ибтидоси бор. Агар таом тайёрлашни яхши күрсангиз, рүзгор ишлари, болалар тарбияси билан машгул бўлиш завқлантирса, юмшоқ, муроса қыладиган инсон бўлсангиз, у ҳолда ҳар қандай эркак орзу қыладиган оиласпарвар шахс сифатларини ўзингизда жамлагансиз. Эркаклар сизни қандай бўлсангиз, шундайлигинизча қабул қилишади. Унинг севгиси сизнинг баҳтли яшашингиз учун кифоя қылади. Агар бу сифатларга эга эркак киши бўлсангиз, унда сизнинг ҳолатингиз ҳавас қиласарлик эмас.

СИЗ ЕТАКЧИМИСИЗ

Ҳар биримиз атрофимиздаги кишиларнинг таъсирига тушамиз. Ўз навбатида биз ҳам уларга у ёки бу мақсадда таъсир қиласиз. Педагоглар, сиёsatчилар, шифокорлар, журналистлар таъсир қилиш кучини ўз мутахассисликларида жуда яхши эгаллайдилар. Агар сиз бошқаларга таъсир ўтказа олиш лаёқатингизни билмоқчи бўлсангиз, мазкур тест саволларига жавоб беринг.

1. Нима деб ўйлайсиз, актёрлик касби ёки сиёsatчи бўлиш сизга тўғри келган бўлармиди?

Ҳа – 5, йўқ – 0.

2. Ўзини гайриоддий тутадиган ва шунга мос кийинадиган кишилар сизнинг жаҳлингизни чиқарадими?

Ха – 0, йўқ – 5.

3. Оиладаги эр-хотин муносабатлари тўғрисида бегона одам билан гаплашган бўлармидингиз?

Ха – 5, йўқ – 0.

4. Гапларингиз ёки ҳаракатларингиз нотўғри қабул қилинса, ўша заҳоти ўзингизни оқлаш учун бирон чора кўрасизми?

Ха – 5, йўқ – 0.

5. Сиз мувваффақият эришишини хоҳлаган соҳада бошқа бирор мувваффақият қозонса, ўзингизни ноқулай ҳис қиласизми?

Ха – 5, йўқ – 0.

6. Нимага қодирлигингизни кўрсатиш учун бирон қийин иш билан шугуулана оласизми?

Ха – 5, йўқ – 0.

7. Машҳур бўлиш учун ўзингизни бирон нарсага бутунлай багишлармидингиз?

Ха – 5, йўқ – 0.

8. Кўп йиллардан буён қадрдан дўстларингиз даврасида бўласиз, бир хил одамлар, бир ма-ромдаги базмлар сизни қониқтирадими?

Ха – 0, йўқ – 5.

9. Ҳар бир кишининг ҳаёти ўлчангандан вақт асосида кечади, сиз умр соатлари асосида яшашини маъқул кўрасизми?

Ха – 0, йўқ – 5.

10. Ўйингизда мебел жиҳозларини ўзгартиришини яхши кўрасизми?

Ха – 5, йўқ – 0.

11. Бирон ишни қайтадан, бошқача усулда бажариш ёқадими?

Ха – 5, йўқ – 0.

12. Назарингизда ўзига жуда ишонган одамнинг руҳиятини синдириши истаги пайдо бўладими?

Ҳа – 5, йўқ – 0.

13. Бошлиқ ёки раҳбарингиз ёки нуфузли бошқа бир одам нотўғри иш қилаётганини унинг ўзига очиқасига айтиши сизга ёқадими?

Ҳа – 5, йўқ – 0.

Энди балларингизни ҳисобланг.

65–35 балл. Сиз одамларга самарали таъсир ўтказасиз, уларнинг ўй-фикрларини ўзгартира оласиз, бу ҳам қобилият. Кўмагингизга муҳтоҷ кишиларга беғараз маслаҳат берасиз, хатолари ни айтасиз, ҳатто уларни бошқарасиз. Одамлар билан муносабатларда ўзингизга ишонасиз. Бир сўз билан айтганда, ўзингизга қизиқиш уйғотиш қўлингиздан келади. Агар кимдир фикрингизга қўшилмаса, қайғурмайсиз, уни ҳам ишонтириш қўлингиздан келади. Аммо сиз одамларга муносабатда ҳаддингиздан ошиб кетманг, низолар келиб чиқишига йўл қўйманг. Акс ҳолда сиз золим одамга айланиб қоласиз.

35–0 балл. Афсус, ўзингизнинг ҳақлигингиzinи тушунтириб беришингиз қийин. Сизнингча, ҳаётингиз тартиб, соғлом фикр, яхши хулқ қоидалари асосида кечиши керак, шунинг учун уни олдиндан башорат қилиш мумкин деб биласиз. Сиз кучингиз етмаган ишга қўл урмасликни маъқул кўрасиз. Баъзан ўзингизга ҳам ишончингиз кам бўладики, оқибатда кўриниб турган омадга ҳам эриша олмайсиз, кейин ноҳақликлар қурбони бўлдим деб хафа бўлиб юрасиз. Афсус...

ҚАНЧАЛИК ТЕЖАМКОР ИНСОНСИЗ

Сиз тежамкор, омилкор, эҳтиёткор, умуман, ҳаётда амалиётчимисиз? Иқтисод қилишни биласизми ёки қўлингиздаги пулнинг ҳаммасини бирданига ишлатиб юборасизми? Бу саволларга қўйидаги тест орқали жавоб топасиз.

1. *Тасаввур қилинг, лотереяда катта пул ютдингиз. Сизнинг ҳаракатларингиз:*

- а) ўйлаб ўтирмай ҳаммасини харжлайсиз;
- б) очиқ табиат қўйнида дала ҳовли сотиб оласиз;
- в) энг зарурий нарсаларни сотиб оласиз, қолган маблағни омонатга жамфариш учун қўясиз;
- г) сиздан ҳам кўпроқ пул ютиб олганларга ҳавас қиласиз;

2. *Севган қизингиз (ёки йигит) сизни ташлаб кетди, сиз:*

- а) бу дунёда қиз (ёки йигит) битта эмас деб ўзингизни овунтирасиз;
- б) қаттиқ хафа бўлганингиздан тинчлантирувчи дори ичишга тўғри келади;
- в) катталарнинг тажрибаси катта деб, улар билан маслаҳатлашасиз;
- г) бошқа қаллиқ топишга тушасиз.

3. *Айтайлик, турмуш ўртогингизни сиз исмаган ерга эмас, бошқа хизмат вазифасига ўтказишиди, сиз:*

- а) ишдан бўшагандан кўра шуниси маъқул дейсиз;
- б) худди тўғрилаш мумкин бўлмаган ҳолатдек қабул қиласиз;
- в) ёр-дўстларингиз орқали янги иш қидиравсиз, рўзгорда бир оз иқтисод қиласиз;

г) бу хусусида ташвишланмайсиз.

4. Кутимаганда уйингизга меҳмон келди, сиз:

а) тез пишадиган бирон егулик тайёрлайсиз;

б) асабийлашасиз, ҳовлиқасиз, оқибатда тайёрлаган нарсангиз одатдагидан ёмон чиқади;

в) меҳмонларнинг олдига тансик нарса қўйиш шарт эмас деб ҳисоблайсиз, улар билан гаплашиб ўтирасиз;

г) ҳаммаларини ресторанга таклиф қиласиз.

Энди қайси гуруҳдаги саволларга жавобингиз кўплигини ҳисоблайсиз. Агар «а» жавоби кўп бўлса, у ҳолда сизни келажакка умид билан қарайдиган инсон дейиш мумкин: кўнгилсиз вазиятларни чуқурлаштириб юбормайсиз, хушфельсиз, дўст-дугоналарингиз сиз билан мулоқот қилишни яхши кўришади.

Агар кўпроқ «б» ҳарфи остидаги жавобларни танлаган бўлсангиз, «йиглоқи» экансиз, тез хафа бўладиганлар тоифасидансиз. Таъсирчансиз, балки кўнгилсизликларни у қадар оғир олмай ҳаётга оддийроқ қарааш керакдир.

Агар «в» ҳарфи билан белгиланган жавобларингиз кўп бўлса, демак, сиз тежамкор, ҳисоб-китобни яхши кўрадиган одам экансиз. Фақат эҳтиёткорлигингиз зиқналиkkа айланиб кетмаса бўлди. Ахир бизнинг камчиликларимиз олижаноблигимиздан келиб чиқади, деб бекор айтишмаган.

Агар «г» ҳарфи гуруҳида жавобларингиз кўп бўлса, сизнинг ҳисоб-китоб қилиш одатингиз атрофдагиларга ёқимсиз, хунук кўринади деб айтиш мумкин, чунки бу тезда кўринади, сезилади. Балки бошқаларнинг ҳам кўнгли борлиги

ҳақида ўйлаб күрарсиз. Уларни ҳурмат қилганингизда, қадрлаганингизда, сизнинг ҳам қадрингизга етишади. Негаки атрофдагиларга ёқадиган иш қылсангиз, бу ўзингизга ҳам ҳузур бағишлайди. Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб күринг.

КУЗАТУВЧАН ИНСОНМИСИЗ

Ҳаётда кузатувчан бўлган одам атрофидагиларнинг ташқи кўринишига қараб кўп нарсаларни айтиб бера олади. Шерлок Холмс ноёб кузатувчанлик қобилиятига эга бўлган. Ўйлаймизки, қўйидаги тест сизнинг ҳам ушбу санъат билан қай даражада тақдирланганингизни аниқлашга ёрдам беради. Саволларни ўқинг, ҳар бир савол устида узоқ ўйламай тезлик билан жавоб беринг.

1. Бирон бир ташкилотга кирганда, сиз:

- а) стол ва стулларнинг жойлашганига эътибор қиласиз – 3;
- б) нарса-буюмларнинг аниқ ўз ўрнида жойлашганига эътибор қиласиз – 10;
- в) деворларда нималар осилганига қарайсиз – 5.

2. Бирон киши билан учрашганда, сиз:

- а) фақат юзига қарайсиз – 5;
- б) бошидан оёғигача сездирмай қарайсиз – 10;
- в) фақат юзининг айрим қисмларигагина қарайсиз – 3.

3. Курган манзарангиздан сўнг нималар хотирангизда қолади:

- а) ранглар – 10;
- б) осмон – 5;
- в) ўша вақтда бутун танангизни чулғаган қувонч ёки қайфуриш ҳисси – 3.

4. Эрталаб турганда, сиз:

а) даръол бугун нималар қилишингиз керак-лигини эслайсиз – 10;

б) тушингизга нималар кирганини эслайсиз – 3;

в) кеча нималар бўлганини ўйлайсиз – 5.

5. Жамоат транспортига ўтирганда, сиз:

а) ҳеч кимга қарамай олдинга ўтасиз – 3;

б) ёнингизда турганларга қарайсиз – 5;

в) яқин турган кишилар билан гаплашасиз – 10.

6. Кўчада, сиз:

а) транспортларни кузатасиз – 5;

б) уйлар балконини кузатасиз – 3;

в) йўловчиларни кузатасиз – 10.

7. Витринага қараганды, сиз:

а) фақат ўзингизга зарур бўлган нарсаларга қизиқасиз – 3;

б) айни пайтда сизга керак бўлмаган нарсаларга ҳам қарайсиз – 5;

в) ҳар битта нарсага бир неча марта қарайсиз – 10;

8. Агар ўйингизда бирон нарсани излаб топиш керак бўлса, сиз:

а) ўша нарсани қўйилган деб тахмин қилаётган ерингизни қарайсиз – 10;

б) ҳамма ёқни қарайсиз – 5;

в) бошқалардан ёрдам сўрайсиз – 3.

9. Дўст ва яқинларингиз билан тушган эски фотосуратларни кўрганда, сиз:

а) ҳаяжонланасиз – 5;

б) кулгили туюлади – 3;

в) кимлар билан қачон суратга тушганингиз билан қизиқасиз – 10.

10. Нотаниш бўлган қизиқарли бир ўйинни (масалан, шахмат) ўйнашга тақлиф этишиди деб тасаввур қилинг, шунда сиз:

- а) ўша ўйинни ўрганиб олишга ва ютишга ҳаракат қиласиз – 10;
- б) қанчадир вақтдан сўнг ўйнашдан воз кечасиз – 5;
- в) умуман ўйнамайсиз – 3.

11. Истироҳат боғида бирорни кутаётганда, сиз:

- а) атрофингиздаги одамларни кузатасиз – 10;
- б) газета ўқийсиз – 5;
- в) бирон нима ҳақида орзу қиласиз ёки ўйлайсиз – 3.

12. Юлдузли осмонга қараб, сиз:

- а) юлдузларни кузатишга ҳаракат қиласиз – 10;
- б) шунчаки осмонга қарайсиз – 5;
- в) умуман қарамайсиз – 3.

13. Китоб ўқиётганда, сиз:

- а) матннинг келган жойини қалам билан белгилаб қўясиз – 10;
- б) тўхтаган варагингиз орасига қофоз қўясиз – 5;
- в) хотирангизга ишонасиз – 3.

14. Қўшиларингиз ҳақида нималарни биласиз?

- а) уларнинг исм ва шарифларини – 10;
- б) уларнинг ташқи куринишини – 3;
- в) унисини ҳам, бунисини ҳам билмайман – 5.

15. Безатилган дастурхон устидан чиқиб қолдингиз, сиз:

- а) санъаткорона безатилганидан таъсирланасиз – 3;

б) ҳамма нарса жой-жойига қўйилганини текширасиз – 10;

в) стуллар қоидасига кўра қўйилганига эътибор қиласиз – 5.

Энди балларингизни ҳисобланг:

150–100 балл. Шубҳасиз, сиз ўта даражада кузатувчан экансиз. Шу билан бирга, ўзингиз ва хатти-ҳаракатларингизни ҳам таҳлил қиласиз. Сиз бошқа кишиларга аниқ баҳо бериш хусусиятига эгасиз.

99–75 балл. Сизда кузатувчанлик етарли даражада ривожланган. Лекин бошқаларга баҳо берабётганда бари бир нотўғри фикр айтиб қўйишингиз мумкин.

74–45 балл. Атрофингиздаги кишиларнинг ички олами сизни умуман қизиқтирумайди. Ўшалар билан муносабат қилганингизда жиддий руҳий муаммолар келиб чиқса-да, бунга нималар сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўриш хаёлингизга ҳам келмайди.

45 баллдан паст. Ёнингизда турган энг яқин одамингизнинг пинҳона нималарни орзу қилиши сиз учун мутлақо фарқсиз. Сиз жуда ҳам бандсиз, маслаҳатимиз: нафақат бошқалар, балки ўзингизнинг ҳам ҳаракатларингизни, феъл-авторингизни баъзан таҳлил қилинг. Ахир сизни эгоист, манман, кеккайган одам деб ҳисобласалар, хафа бўлмайсизми?!

ҚАНЧАЛИК ТАРТИБЛИ ИНСОНСИЗ

Тартибли одамларга нисбатан ишончли, ҳамма иши жой-жойида ва ҳамма нарсага эътиборли кишилар деб таъриф берамиз. Тартибли киши тартибсиз одамдан кўра уч баравар мукаммал ҳаёт кечираётганга ўхшайди. У вақтини ва ишини бошқаради. Тартибли инсоннинг ишлаш услубини танлаш, меҳнати самарасини кўриш унинг ўз қўлида. Бундай одам қудратли ирода кучига эга.

Қуйидаги тест саволларига жавоб беринг ва ўзингизнинг қанчалар тартибли эканингизни аниқланг, балки ўз-ўзини такомиллаштириш, янги малака ва кўникмалар, одатларга эга бўлиш сирларини ўзлаштирасиз.

1. Ҳаётда асосий мақсадингиз борми?

- а) менда шундай мақсадлар бор – 4;
- б) ҳаёт ўзгарувчан, ахир мақсадга эга бўлиш мумкинми – 0;
- в) менинг асосий мақсадим бор ва мақсадга эришиш учун ҳаётимда ўзгаришлар қила оламан – 6;
- г) мақсадим бор, аммо менинг иш фаолиятим унга эришишга имкон бермайди – 2.

2. Кундалик тутган ҳолда бир ҳафталик ишлар роҳини тузасизми?

- а) Ҳа – 6;
- б) йўқ – 0;
- в) «Ҳа» деб ҳам, «йўқ» деб ҳам айттолмайман, чунки асосий ишлар режаси хаёлимда бўлади, бугунги кун режаси ҳам хаёлимда туради ёки бир варак қофозга ёзилган – 3;

г) режа тузиш – тартибга соладиган бир үйин – 0.

3. Ҳафта, күн учун мұлжаллаган режанғиз амалга ошмаса, нега шундай бұлғанини таҳлил қилиб, үзингизга ҳисоб берасизми?

а) үз айбим ёки дангасалигимни ёки синчков бұлмаганимни күрганимда – 4;

б) ҳа, субъектив ёки объектив сабабларга қарамай, үзимга ҳисоб бераман – 6;

в) шундоқ ҳам ҳамма бир-бири билан уришади, нега энди үзимизни үзимиз уришишимиз керак – 0;

г) бундай тамойилдан узоқ булишга ҳаракат қиласман: бугун нима қилған бұлсам, мен учун ижобий, улгурмасам – ёмон, балки бошқа сафар удаларман – 0.

4. Ёндафтарчага қайдларни ёзіб боришига мүносабатингиз:

а) қайднома меники, телефон рақамларини, исм-шарифларни қандай хоҳласам, шундай ёзаман. Агар манзил керак бўлса, дарров топиб оламан – 0;

б) маълумотлар кўп бўлгани учун қайдномаларим жуда кўп. Ҳамма маълумотларни алифбо тартиби бўйича ёзаман, лекин бари бир керак бўлганда қидирганимни топишга қийналаман – 0;

в) телефон рақамларини, манзилларни, исм-шарифларни дуч келган ерга ёзіб кетаман, менимча, қайси бетга, қандай ёзиш аҳамиятли эмас – 0;

г) умумий қабул қилинган системадан фойдаланиб алифбо бўйича, фамилия, манзил, иш жойи, лавозимні ёзаман – 6.

5. Атрофингизда үзингиз фойдаланадиган нарсалар кўп. Уларни жойлаштиришида сизнинг усулингиз:

а) ҳар бир нарса-буюм дуч келган ерда ётади – 0;
б) ҳамма нарса ўз жойида бўлиши керак деган қоидага амал қиласман – 2;

в) вақти-вақти билан тартибга келтираман, ҳаммасини ўз жойига тахлайман. Кейин дуч келган жойга қўйиб кетавераман. Озгина вақтдан сўнг яна жойига қўяман – 0;

г) ўз-ўзини тартибга солишда бу саволнинг ўрни йўқ деб ҳисоблайман – 0.

6. *Кун тугаганда қанча вақтни қайси сабабларга кўра йўқотганингизни айта оласизми?*

а) фақат йўқотилган вақт ҳақида айта оламан – 2;

б) фақат қаерда кўпроқ вақтим беҳуда кетганини айта оламан – 1;

в) агар йўқотилган вақт пулга айланганда, мен уни ҳисоблаган бўлардим – 0;

г) яхши биламангиша эмас, балки шунга ўхшаш вазиятларда йўқотишлар сонини камайтириш йўлларини топишга ҳаракат қиласман – 4.

7. *Мажлисда битта масала қайта-қайта кўрилса, бунга сизнинг муносабатингиз:*

а) масаланинг моҳиятига эътибор қилиш кераклигини таклиф қиласман – 3;

б) ҳар қандай йиғилишда керакли ва кераксиз масалалар кўрилиши табиий. Бу вазиятда менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди, тинглашга мажбурман – 0;

в) ўзимни мажлисда ўтиргмагандек тасаввур қиласман – 0;

г) шу вақтда бажаришим керак бўлган ишлар билан шуғулланаман – 6;

8. *Тасаввур қиласлик, сиз маъруза қилишингиз керак. Маърузанинг мазмунидан ташқари*

унинг давом этиши вақтига ҳам эътибор қиласизми?

а) маърузамда энг жиддий масалаларни қамраб олишга ҳаракат қиласман. Вақтини тахминан белгилаб олиш керак. Агар маъруза қизиқ бўлса, уни тутатиш учун қўшимча вақт берилиши керак – 2;

б) маърузанинг мазмунини ҳам, вақтини ҳам эътиборга оламан – 6.

9. Ҳар бир дақиқадан режалаган ишларингизни бажариш учун фойдаланишига ҳаракат қиласизми?

а) ҳа, лекин шахсий сабабларга ёки кайфият, соғлиқнинг ёмонлашиши оқибатида бу доим ҳам қўлимдан келмайди – 3;

б) вақтга нисбатан бунчалик майдага бўлиш керак эмас деб ҳисоблаганим учун бунга ҳаракат қиласман – 0;

в) вақтни қувиб етолмаганимиз учун ҳаракат қилишдан нима фойда – 0;

г) ҳеч нимага қарамай ҳаракат қиласман – 6.

10. Вазифа, буйруқ, илтимосларни қайд этишининг қайси тизимиidan фойдаланаисиз?

а) кундалигимга қайси ишни қайси муддатга-ча бажариш кераклигини қайд этаман – 6;

б) кундалигимга энг муҳим бўлган вазифаларни ёзаман, майдаларини эса ёдимда сақлайман, агар уларни унутсан, буни камчилик деб билмайман – 1;

в) буйруқ, топшириқларни ёдимда сақдашга ҳаракат қиласман, бу хотирани мустаҳкамлайди. Баъзан хотирам панд беради, буни тан оламан – 1;

г) топшириқ ва вазифаларни ким бераётган бўлса, ўша одам ёдида сақласин. Агар топшириқ

ұта мұхим бұлса, әч ким унутмайди ва мени үzlари зудлик билан топшириқни бажаришга қақиришади – 0;

11. Ишбілармонлик учрашувларига, мажlis ва анжуманларга кечикмай үз вақтида келасизми?

а) 5 – 7 дақиқа олдин келаман – 6;

б) мажlis ва анжуманлар бошланишига етиб келаман – 6;

в) одатдагидек кечикаман – 0;

г) әртароқ келишга ҳаракат қылсам ҳам барі бир кечикаман – 0;

д) агар «Кечикмаслик ҳақида» номли құлланма ёзилганда, әхтимол мен кечикмасликни үрганған бұлардим – 0;

12. Топшириқ ва вазифаларни үз вақтида бажаришга қандай қарайсиз?

а) үз вақтида бажариш менинг ишлай билишимнинг энг мұхим күрсаткичи, бу үзига хос тартиб – 3;

б) үз вақтида бажариш – бу «тишли ҳайвон», у топшириқ бажарилған айни дақиқада тишилаб олиши мүмкін. Шунинг учун унинг бажарилишини бир оз орқага суриш керак – 0;

в) үз вақтида «бажариш» кераклиги ҳақидағи гапни әмас, балки «вазифаларни үз вақтида бажариш» кераклигини таъкидлаган бұлардым – 6;

г) топшириқ ва вазифаларни үз вақтида бажариш янги топшириқни олишга йүл олади. Уни бажарған одам барі бир жазоланади – 0.

13. Айтайлық, бирорға нимадир қилиб беришіңе ёки ёрдам берішіңе ваъда бердингиз. Вазият үзгариб, ваъданы бажариш қийин бўлмоқда. Сиз үзингизни қандай тутасиз?

- а) шароит ва ваъдани бажаришнинг имконизлигини айтаман – 2;
- б) вазият ўзгарганини, ваъдани бажариш қийинлашганини айтаман, шу билан бирга ваъда ўз кучида қолганини, умидсизланмасликни айтаман – 0;
- в) берган ваъдамнинг устидан чиқишга ҳаракат қиласман, агар бажарсам – яхши, бажара олмасам осмон узилиб ерга тушмайди – 0;
- г) нима бўлмасин, ваъдамнинг устидан чиқаман – 6.

Энди балларингизни ҳисобланг.

72-78 балл. Сиз жуда тартибли одамсиз. Фақат ўз устингизда ишлашдан тўхтаб қолманг. Камолга етишдим, хизматда ҳам ишни охиригача бажариб бўлдим, деган фикр бўлмасин, ўзингиздаги инсоний сифатлар ва дунёқарааш билан ҳаётда ҳали кўп ютуқларга эришасиз.

63-71 балл. Тартибни ишнинг ажралмас қисми деб ҳисоблайсиз. Ута зарур вазиятларда тартибни «нишон» қилиб оласиз-да, ўзингизнинг уддабуролигингизни кўрсатасиз. Лекин бари бир ўз устингизда ишлашингиз керак.

63 баллдан кам. Сизнинг яшаш тарзингиз, атрофингиздагилар фақат баъзи вазиятлардаги на тартибли бўлишга ўргатган. Тартиб сизнинг феълингизда, ҳаракатларингизда бир пайдо бўлади, бир йўқолади. Бу ўз устингизда ишлашнинг аниқ тизими йўқлигини билдиради. Ўз ҳаракатларингиз, вақтни сарфлаш одати, ишлаш техникангизни таҳдил қилиб кўринг. Тартибли бўлиш учун ирода ва қайсар ҳамда ўзининг танбаллигини йўқотиш керак.

ДАВРАНИНГ «ГУЛИ·МИСИЗ ЁКИ ОДАМОВИ

Шундай тоифа одамлар борки, улар бир ўзлари қолсалар ҳам зерикмайдилар, ёлғиз ўzlари сайр қиладилар, бирон нима билан машғул бўладилар. Сизга эса ўзингизни баҳтсиз ҳис қилмаслик учун жамоа керак, шундайми? Қуйидаги саволларга жавоб берсангиз, ўзингиз ҳақингизда яна ҳам кўпроқ нарсаларни билиб оласиз.

1. Ишдан сўнг шаҳар бўйлаб бир ўзингиз сайр қиласизми?

2. Таътилга дам олиш учун бир ерга бормоқчи бўлсангизу, шерик тополмасангиз, бу сизни қаттиқ ташвишга соладими?

3. Дўстингиз билан икки соатдан сўнг учрашасиз. Шу вақт ичидан бирон нима билан машғул бўла оласизми?

4. Ловиллаб ёниб турган гулханга қараб ўтиришни ёқтирасизми?

5. Сиз жуда муҳим иш билан бандсиз. Бундай дақиқаларда чалинган телефон қўнгироқлари жаҳлингизни чиқарадими?

6. Пиёда юришни яхши кўрасизми?

7. Янги йилни бир ўзингиз кутиб, яна кутаринки кайфиятда бўласизми?

8. Туғилган кунингизга кўп меҳмонларни чақирганимисиз?

9. Тўртта бегона одам ичидан ўзингизни эркин ҳис этганимисиз?

10. Бегона шаҳардасиз, керакли кўчани топа олмаяпсиз, шунда нима қиласиз?

а) йўловчилардан сўрайсиз;

б) яқын орадаги ичкі ишлар бүлимидан сұрайсиз;
в) үзингиз топишга ҳаракат қиласиз.

11. Совға беришни ёқтирасизми?

12. Актёр бўлишни орзу қилганмисиз?

1-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7-, 10 («б»)-, 12-саволларга «ҳа»;
2-, 8-, 9-, 11-саволларга «йўқ» деб жавоб берган
бўлсангиз -1 балл; 10-саволнинг «в» бандига «ҳа»
деб жавоб берган бўлсангиз 2 балл ҳисобланг.

8 балдан юқори. Сиз бир үзингиз қолиши-
ни яхши кўрасиз, шунчаки ёлғизликда ўйлаш-
ни, вазиятни таҳдил қилишни, орзу қилишни
ёқтирасиз. Лекин сиз учун бу хатарли йўл бўлиб
туюлмаяптими? Шундай феъл-атвор билан қол-
сангиз, одамгарчиликдан чиқиб кетасиз.

4–8 балл. Хушмуомала инсонсиз, аммо вақти-
вақти билан хаёлларингизни бир ерга тўплаш
учун ёлғиз қолишингиз керак. Ҳеч бўлмаганда
бир-икки соат, бу сизга етарли вақт – ана шунда
одамлар билан мулоқот қилишдан ҳузурланасиз.
Ахир бу ажойиб-ку!

4 балл. Сиз одамларни яхши кўрасиз, баъзан
атрофдагиларда ўз ҳаракатларини ўйламай қи-
ладиган одамдек таассурот қолдирасиз. Ёдин-
гизда бўлсин, икки соат ёлғиз қолсангиз, кўп ха-
толар қилишдан тийилган бўласиз.

СОВФАЛАР ВА ФЕЪЛ-АТВОР

Совға олишни ёқтирмайдиган кишининг ўзи
бўлмаса керак? Айниқса, дўст ва яқинларингиз-
ни үзингиз тухфа этган совгадан бошлари кўкка
етганини кўриш жуда ҳам ёқимли. Совғанинг

қадри унинг нархи билан белгиланмайди, балки меҳр-муҳаббат туфайли эътибор қаратилгани билан қадрлидир. Ахир айтадилар-ку, топган бир боғ гул, топмаган эса...

Совға бермоқчи бўлган кишингизнинг дидини аниқ билган тақдирингизда уни танлаш қийин кечмайди. Қолаверса, танланган совға сизнинг ҳам дидингиз қай даражада эканини, боз устига, феъл-авторингизни ҳам билдирап экан. Бунинг қанчалар түғрилигини текшириб кўрмоқчимисиз? Ундан бўлса, қўйидаги тест саволларига жавоб беринг ва балларингизни ҳисоблаб, ўзингиз хулоса чиқаринг.

1. Совға бериш ва совға танлашга алоҳида ургу берасизми?

Ҳа – 5; ҳар доим эмас – 4; йўқ – 3.

2. Совға танлашдан олдин узоқ ўйлайсизми?

Ҳа – 5; баъзан – 4; йўқ – 3.

3. Олдиндан айтиб совға берган маъқул деб ҳисоблайсизми?

Ҳа – 5; баъзан – 4; деярли ҳар доим – 3.

4. Бериладиган совға кундалик рўзгорда ишилтадиган буюм бўлиши керак деб ҳисоблайсизми?

Ҳа – 3; баъзан – 4; йўқ – 5.

5. Бир нечта кичик совгадан кўра битта яхлит совға берган маъқул деб биласизми?

Ҳа – 5; баъзан – 4; йўқ – 3.

6. Бераётган совганиз сизни албатта эслатиб туришини ҳам ўйлайсизми?

Ҳа – 3; ҳар доим эмас – 4; йўқ – 5.

7. Совганинг сифати ва нархи унинг танлашигина таъсир қиласиди деб ҳисоблайсизми?

Ҳа – 3; баъзи ҳолларда – 4; йўқ – 5.

8. Совга бериш ва олиш мажбурий деб ўйлайсизми?

Ҳа - 3; йўқ - 5; шароитдан келиб чиқиб - 4.

9. Совга танлаётганингизда кейинчалик сизга ҳам фойдаси тегишини ҳисобга оласизми?

Ҳа - 3; баъзан - 4; йўқ - 5.

10. Кичик совгалар дўстликни мустаҳкамлайди, катта совгалар эса ипсиз боғлаб қўяди деган фикрга қўшиласизми?

Ҳа - 3; эътиборга олмайман - 4; йўқ - 5.

Шундай қилиб, сиз тўплаган баллга кўра феъл-авторингиз қўйидагicha:

30-36 балл. Сиз совфа бериш анъанасини қадрлайсиз, ҳаётингизда ҳамма нарса барқарор ва доимий бўлиши керак. Демакки, яқинларингиз, дўстларингиз ва ишдаги ҳамкорларингиз сизга bemalol ишонадилар ва суянадилар.

37-43 балл. Сиз бошқалардан кўра яхшироқ (ҳеч бўлмаганда яхшироқ кўринишга) бўлишга ҳаракат қиласиз. Ўзингизнинг ожиз томонларингизни кўрсатиб қўйишдан қўрқасиз, шунинг учун ҳам ўзгалар назарида совуқ одам сифатида таассурот қолдирасиз. Аслида эса ундей эмассиз.

44 баллдан юқори. Яқин кишиларингиз ва дўстларингиз қалбидаги яширин истакларни топиш сизнинг энг олий мақсадингиз. Сиз учун барчани бирдек тушуниш ва уларга ёрдам бериш жуда муҳим. Ёрдам қулини чўзар, совгалар улашар экансиз, ҳеч қачон таъма қилмайсиз ва бошқалардан жавоб кутмайсиз. Сиз жуда холис инсонсиз.

СИЗ ҚАНДАЙ ПСИХОЛОГСИЗ

Ҳаммамиз ҳам кимгадир баҳо берамиз, хатти-ҳаракатларини баҳолаймиз. Табийики, буни холисона баҳолаш қийин. Таклиф этилаётган тест сизнинг психология борасида одамларни баҳолаш лаёқатингизнинг қай даражада эканини кўрсатади. Саволларни ўқинг ва ўйлаб ўтирамай, тезда битта жавобни танланг, сўнг балларни ҳисобланг.

1. Ижобий хислатларга эга бўлган кишилар сизнингча:

- а) хушмуомала, дилкаш сухбатдош – 2;
- б) қатъий тарбияланган – 4;
- в) шунчаки ўзларининг ҳақиқий феълларини яширадилар – 1.

2. Бирон марта ҳам уришмаган эр-хотинларни биласиз, сизнингча улар:

- а) бахтли – 2;
- б) бир-бирига кўнгли мойил – 1;
- в) бир-бирларига ишонмайди – 4.

3. Сиз рўпарангиздаги одамни биринчи марта кўярпсиз, у дарров латифалар айтиб зукколик қўлди, сизнингча у:

- а) закий – 1;
- б) ўзига ишонмагани учун нокулай шароитдан чиқишга уриняпти – 2;
- в) сизда яхши таассурот қолдирмоқчи – 4.

4. Сухбатдошингиз билан қизиқарли мавзуда гаплашяпсиз, у қошлигини кўтаряпти, лабини буришитиряпти – имо-ишоралар билан тинглаяпти, сизнингча у:

- а) ҳаяжонланяпти – 4;
- б) самимий эмас – 1.

5. Ҳозир танишган одамнингизни яхши ўрганмоқчисиз, назарингизда сиз шундай йўл тутишингиз керак:

- а) жамоага таклиф қиласиз – 1;
- б) кўнгилдан сухбатлашасиз – 2.

6. Бирор ресторанда меҳмон қилмоқчи, ишончингиз комилки у:

- а) ҳаммада ўзи ҳақида ижобий таассурот қолдирмоқчи – 4;
- б) официантларга қандай буйруқ беришини кўрсатмоқчи – 2;
- в) сахий инсон – 1.

7. Агар инсон биринчи бўлиб гап бошламаса, сизнингча у:

- а) камтарлик қилади ёки гаплашгиси йўқ – 2;
- б) журъатсиз – 4;
- в) мени тушунмасликлари мумкин деб қўрқади – 1.

8. Сизнингча, пешонаси тор одам:

- а) ақали ўткир эмас – 1;
- б) қайсар – 2;
- в) бундай одам ҳақида аниқ бир нима деёлмайсиз – 4.

9. Бошқаларнинг кўзига қарамайдиган одам ҳақида сизнинг фикрингиз:

- а) тўқис, мукаммал эмас – 1;
- б) самимий эмас – 4;
- в) паришонхотир – 2.

10. Пули бор одам доим арzon нарса хариð қиласди, сизнингча у:

- а) эҳтиёткор – 4;
- б) камтар – 2;
- в) хасис – 1.

Балларингизни ҳисобланг.

35 ва ундан юқори балл. Сиз одамлар ҳақида жуда енгил фикрлайсиз. Бир қарашда хато қилмаганингизга ишонган ҳолда ўз фикрларингизни билдира оласиз. Ўйлаб кўринг, ҳар кимга ўзи ҳақида нима деб ўйлаётганингизни айтиш шартми? Бу обрўйингизни оширмайди, аксинча, икки ўргада низо пайдо қиласи, ўзингиз мулзам бўлиб қоласиз.

26–34 балл. Сиз атрофингиздагиларни ва вазиятни ҳаққоний баҳолайсиз. Сиз ҳақиқатан одамларни танийсиз ва уларни осонгина таърифлай оласиз. Сиздан жуда яхши психолог чиқади. Бегоналар ўз фикрини сизга ўтказишлари қийин. Ўзингиз баҳо бераётган кишининг қандайлигини билиш учун фақат ўз фикринингизга таянасиз. Бу педагоглар ва раҳбарлар учун жуда яхши сифат. Агар хато қилганингизни билсангиз, буни сидқидилдан тан оласиз.

16–25 балл. Сиз одатда ўз фикрингизнинг тўғрилигига ишонмайсиз, бирорларнинг қарашларини осон қабул қиласиз. Шу тариқа сизнинг кузатувчалигинги ўтмаслашади ва охир-оқибат ўзингизнинг шахсий фикрлашингизни шакллантиrolмайсиз. Ўзингизча бошқаларни таърифлашга уриниб кўринг.

5 ва ундан кам балл. Бошқаларнинг тўғри айтган-айтмаганини текшириб кўришни хаёлингизга келтирмайсиз. Ҳаддан ташқари ишонувчансизки, одамларни ташқи кўринишларига қараб баҳолайсиз. Таърифингиз нотўғри бўлиб чиқса, кейин ҳайрон бўласиз ва ўзингизни йўқотиб қўясим. Битта сабаб туфайли – одамларга ҳаққоний баҳо беролмаслик сабаб доим хатоликларга йўл қўясим.

МУСТАХКАМ ИРОДА

Бу бүлимда ўзингизга қай даражада ишонишингизни белгилаб берувчи тестлар ўрин олди. Шунингдек, ўзига паст баҳо берувчи кишилар учун маҳсус психологияк машқлар ҳам келтирилди.

ЎЗИНГИЗГА ҚАНЧАЛАР ИШОНАСИЗ

Қуйидаги тест саволларига жавоб бериб, балларингизни ҳисоблаш орқали ўзингизга бўлган ишончнинг қай даражада эканини биласиз, шунингдек, тавсия этиладиган машқни бажариш билан салбий ҳиссиётлардан халос бўласиз.

1. Гарчи ортиқча ҳаракат қилмаган бўлсангиз-да, бирдан чарчаганингизни тез-тез ҳис этасизми?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

2. Тўсатдан эшикни ёпганингиз ёки дазмолни ўчирганингизга ишонмайдиган пайтлар бўладими?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

3. Сабабсиз, ўзингиздан ўзингиз хафа бўладиган ҳолатлар кўп бўладими?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

4. Театр томошаси учун чипта олаётганингизда қатор ва жойларнинг қаерда бўлиши сиз учун фарқсизми?

Ҳа – 1, йўқ – 0.

5. Тўсатдан ташриф буюрган меҳмонларни қарши олишингиз қийин кечадими?

Ха – 1, йүқ – 0.

6. Телефоннинг бевақт жиринглашидан қўрқасизми?

Ха – 1, йүқ – 0.

7. Тез-тез туш кўрасизми?

Ха – 0, йўқ – 1.

8. Тез қарор қабул қила оласизми?

Ха – 0, йўқ – 1.

9. Кийимингиздаги дозга кўзингиз тушиб, шу аҳволда бирон ерга бориш сиз учун ёқимсиз воқеа бўладими?

Ха – 0, йўқ – 1.

10. Янги танишлар орттиришни яхши кўрасизми?

Ха – 0, йўқ – 1.

11. Мехнат таътилига чиқиши олдидан бирданига дам олишдан, яъни таътилдан воз кечиш ҳолатлари бўлганми?

Ха – 1, йўқ – 0.

12. Кучли очиқиши ҳисси билан тунда уйгонасизми?

Ха – 1, йўқ – 0.

13. Ёлгиз қолишни истаган пайтларингиз бўладими?

Ха – 0, йўқ – 1.

14. Агар ресторанга бир ўзингиз борсангиз, хўрандалар ўтирган стол атрофидаги бўш стулга ўтирасизми?

Ха – 0, йўқ – 1.

15. Бошқалар мендан шуни кутяпти деб, ўз хатти-ҳаракатларингизни назорат қилиб, бошқара оласизми?

Ха – 1, йўқ – 0.

Балларингизни ҳисобланг.

0 балл. Шу даражада ўзингизга ишонасизки, одамлар билан муносабат ва мумомалада сизни у қадар очиқ, хушфеъл деб бўлмайди.

1-4 балл. Сиз bemuloҳаза, шошқалоқ, енгилтак, ўйламай иш қиласиган одамлардан бутунлай йироқсиз. Айрим ҳолларда ўзингизга озгинагина ишончсизлик пайдо бўлади, лекин бу камчилик ёки қусур ҳисобланмайди, аксинча, атрофдагиларнинг руҳий ҳолатини яхши тушунишингизни англатади.

5-8 балл. Ўзингизга бўлган ишонч бор, лекин уни ҳис этмайсиз. Шунинг учун атрофингиздагиларнинг эътирофи ва далда гапларига эҳтиёжингиз жуда кучли. Бошқалар деярли сизга суяниб, умид қиласидар. Тўғри, сиз ҳамиша ҳам ҳиссиётларингизни ифода этавермайсиз.

9-12 балл. Ўзингизга бўлган ишонч шу қадар заифки, натижада атроф-муҳит ва одамлар қандай бўлса, шундайлигича кўра олмайсиз. Реал воқеликни кўролмаслик тасаввурингизни ҳам хиралаштиради. Ўзингизга мавҳум туюлаётган, қоронги бўлган томонга ҳеч бўлмагандан бир қадам ташламас экансиз, ҳаётингизда баҳтиёр кунлар кам бўлиши табиий.

13-15 балл. Кўз илфамас воқеликлар олдидағи қўрқувингиз жуда кучли, ҳатто лотода ютган бўлсангиз-да, аввалгидек бунга шубҳаланиб юраверасиз. Қатъийлашиш ва ҳис-ҳаяжонларни барқарорлаштиришингиз зарур, лекин вазиятга озгина ўзгартириш киритиш ҳақидаги фикр сизни ўзингизга бўлган ишончдан бутунлай мосуво қиласиди. Агар бу фикрни мантиқан яқунига етказиш керак бўлса, у ҳолда гап шахсий феъл-атворни ривожлантиришдан воз кечиш

ҳақида кетяпти. Агар бунинг уддасидан чиқмоқчи бўлсангиз, «Шароитларни ўзгартириш» номли машқдан фойдаланинг.

«Шароитларни ўзгартириш» машқи

1. Аслида нимани истаётганингизни аниқлаб олинг. Орзуингизни кўз олдингизга келтиринг. Бу сизнинг назоратингиз остида бўлиши керак. Сўнг мақсадга етганингизни билдирадиган вазиятларни белгилаб олинг. Нимани кўряпсиз, эшитяпсиз, ҳис этяпсиз, эътибор қилинг, булар ҳақиқатан кураётганингиз, эшитаётганингизни тасдиқлайди. Мақсадга етишнинг қандай ижобий ва салбий томонлари бор, тарозига солинг. Ички ва ташқи муаммолардан ҳимояланиш учун мақсадингизни бир оз ўзгартиринг. Олдингизга кўйган мақсадга эришиш учун бор имкониятлардан фойдаланинг. Орзуингизни амалга оширишга халақит қиласидиган сабабларни ёзинг, тўсиқ, ғовлар кунглингизда пайдо қилаётган салбий ҳисларни юрагингиздан ўтказинг. Сўнг исбот ёки тасдиқларни шакллантиринг (ўзингиз ҳақингиздаги ижобий фикрларни, албатта), бу келажакда олдингизда пайдо бўладиган тўсиқларни енгишда ёрдам беради.

2. Бўшашинг ва муаммолардан халос бўлишга ҳаракат қилинг.

3. Бугун ёки эртага рўй бериши керак бўлган бирон нима ҳақида ўйланг. Албатта содир бўлади. Бирон нима содир бўлишини кутаётган чорингизда ўз ички оламингизга «киринг» ва ичкарида хаёлий курганларингиз хусусиятларини (микдори, ранги, макони, ёрқинлиги, покиза-

лиги ва ҳоказо) ёки ҳис-туйғуларингиз (сезиши, ҳаракат, фаолият) ёки ўз овозингиз ва товушларни (тон сифати, баландлиги, овоз тұлқини) белгиланг. Уларни кузатиш учун ҳаммасини ёзиб олинг.

4. «Кино күраёттан» пайтингизда, яъни ички оламда юрганингизда мақсадда тұла етганингизни тасаввур қилинг. Унинг бош қаҳрамони ўзингиз бұласыз. Агар ички олам манзараплари сизни қониқтирумаса, уни ўзингиз истаганингиздек ўзgartиринг. Агар кино меъердагидек бұлса, демак, сизнинг қаршилигингиз йўқ. Ўз «кино»нгизга кириң ва мақсадда етган пайтда күнглингиздан ўтадиган туйғуларни ҳис этинг.

РЕЙДАС ТЕСТИ

Мазкур тестда турли хулқ-авторни таърифлайдиган 30 та фикр келтирилди. Ўйлаб күринг, улардан қайси бири сизнинг феълингизга мос келади ва қуидагича баҳоланг:

- айнан менинг характеристим, таъриф жуда түгри – 5;
- «йўқ» деёлмайман, менинг характеристимга мослиги түгри – 4;
- қисман характеристимга мос, қисман эса йўқ – 6;
- «ҳа» деёлмайман, бир оз мос эмас – 2;
- умуман менга мос эмас, таъриф нотүгри – 1.

1. Күпчилик одамлар менга қараганда күришидан ўзларига ишона дилар ва жуда асабий, тез жаҳди чиқади.

2. Уятчанлигим, тортинчоқдигим сабаб атрофимдагиларни учрашувга таклиф қилолмайман.

3. Ресторан ёки қаҳвахонада хизмат күрсатиши мени қониқтириласа, бу ҳақда официантга шикоят қиласынан.
4. Мени хафа қилишганды, ҳақоратлашганды ҳам бошқа кишиларнинг ҳис-туйғуларини тұхтатыб қўймайман.
5. Агар менга керак бўлмаган маҳсулотни сotувчи олишга ундасаны, мен воз кечолмайман.
6. Менга бирор хизмат буюришса ёки топшириқ беришса, албатта бунинг нима учун кераклигини тушунтириб беришларини сўрайман.
7. Мен кучли далил ва исботларни келтиришни ёқтираман.
8. Мен ҳам бошқалар каби биринчилардан бўлишни хоҳдайман.
9. Тўғрисини айтсаны, одамлар мендан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар.
10. Мен нотаниш кишилар билан суҳбатлашганды маза қиласынан.
11. Кўпинча мен рўпарамдаги мафтункор аёлга (эркакка) нима дейишни билмайман.
12. Муассасаларга қўнфироқ қилиш керак бўлса, иккиланаман.
13. Юзма-юз суҳбатлашишдан кўра ёзма равища ишга олишларини ёки ўқишига қабул қилишларини сўрашни маъқул кўраман.
14. Харид қилган маҳсулотим ёқмаса, дўконга қайтариб беришга уяламан.
15. Агар яқин ва ҳурматли қариндошим менинг жаҳдимни чиқарса, буни билдиримайман, ўз ҳисларимни яшираман.
16. Аҳмоқ бўлиб кўринмай деган хавотирда савол бермасликка ҳаракат қиласынан.

17. Баҳсда баъзан ҳаяжонланишдан ва оқибатда титрашдан қўрқаман.

18. Агар таниқли ва хурматли маърузачи мен нотўғри деб билган ўз нуқтаи назарини айтса, аудиториянинг менинг ҳам нуқтаи назаримни тинглашга мажбур қиласман.

19. Мен нарх-наво устида савдолашишдан қочаман.

20. Бирон тузукроқ иш қилганимда, бу ҳақда бошқалар билишини хоҳлайман.

21. Мен ўз туйғу ва ҳисларимни очик ошкор қиласман ва барчага бирдек самимийман.

22. Агар бирор мени фийбат қиласа, бу ҳақда ўша одам билан гаплашаман.

23. Кўпинча одамларга «йўқ» деб рад жавобини айтишга қийналаман.

24. Томоша кўрсатмайман, ўз ҳис-туйгуларимни тийишга мойилман.

25. Мен ёмон хизмат кўрсатилганда ва тартибсизлик бўлганда маъмуриятга шикоят қиласман.

26. Менга хушомад қилишганда жавобан нима дейишни билмайман.

27. Агар театр ёки маърузада атрофимдагилар гаплашиб халақит қилишса, уларга танбеҳ бераман.

28. Кимдир навбат олмай мендан олдин туриб олса, қаршилик кўрсатаман.

29. Мен доим ўз фикримни билдираман.

30. Баъзан айтадиган ҳеч қандай гапим бўлмайди.

Балларни құйидаги ҳисобланг.

3-, 6-, 7-, 8-, 10-, 18-, 20-, 21-, 22-, 25-, 27-, 28-, 29-саволларға ўзингиз танлаган жавоб баллари йифиндисини ҳисобланг. 1-, 2-, 4-, 5-, 9-, 11-, 12-, 13-, 14-, 15-, 16-, 17-, 19-, 23-, 24-, 26-, 30-саволларға жавобингиз суммаси йифиндисини ҳисобланг. Бириңчи йифиндига 72 сонини құшинг ва иккінчи йифиндии айириң.

Натижә:

0-24 балл – ўзингизга у қадар ишонмайсиз;

25-48 балл – ўзимга ишонаман дейишидан күра ишончсизлик кучлироқ;

49-72 балл – ишончингиз ўртача;

73-96 балл – ўзингизга, ишингизга ишончингиз мустаҳкам;

97-120 балл – ўзингизга ўта ишонгансиз. Күп балл түплаганлар ўзларига ишонишмайды, ўзларини ҳимоясиз, таҳқирланған деб биладилар, улар учун қуидаги машқни таклиф қиласыз.

ЎЗИГА БҰЛГАН ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАШҚИ

Қулай ўтириб олинг, күзларингизни юминг, бұшашиңг. Узоқ-узоқларда тоғли оролни тасаввур қилинг. Оролда баланд иморат учиды маёқ бор. Сиз ўзингизни маёқ деб тасаввур қилинг. Бинонинг деворлари қалин ва пишиқки, ҳатто кучли шамол ҳам оролдаги маёқни, яъни сизни тебрата олмайды. Энг юқори қаватдаги деразалардан сиз ёруғлик таратиб кемалар учун мақбул ва номақбул об-ҳаво ҳақида ишоралар берасиз. Қирғоқдаги одамлар ва денгизчиларни хавф-хатардан огохлантираётіб уммон узра та-

ратаётган ёруғлик сизнинг қувватий тизимингизни мустаҳкамлайди. Машқни бажаргандан сўнг ўзингизда ички ёруғлик манбанини ҳис қилинг ва куч-қувватга тўлганингизни тасаввур қилинг.

ЎЗИНГИЗГА ҚАНДАЙ БАҲО БЕРАСИЗ

Тест саволларига жавоб берадиганда балларингизни қўйидагича ҳисобланг: «жуда тез» – 4 балл, «тез-тез» – 3, «баъзида» – 2, «камдан-кам» – 1, «ҳеч қачон» – 0 балл.

1. Бесабаб, тез-тез ҳаяжонланаман.
2. Яқинларим мени тинчлантиришларига, қувватлашларига муҳтожман.
3. Бошқаларнинг кўзига аҳмоқ бўлиб кўринишдан қўрқаман.
4. Ўз келажагимдан хавотирланаман.
5. Бошқаларнинг ташқи кўриниши менинидан зўр эмас!
6. Атрофимдаги кишиларнинг мени тушунмасликлари хавотирга солади.
7. Одамлар билан рисоладагидек муомала қиломаслигимни ҳис қиласман.
8. Бошқалар мендан кўп нарсаларни кутади.
9. Ўзимни эркин ҳис этолмайман.
10. Хаёлимда мен билан аллақандай кўнгилсизлик содир бўлиши керакдек туюлади.
11. Атрофимдагиларнинг фикри мен учун муҳим.
12. Назаримда одамлар мен ҳақимда орқаворатдан фийбат қилишади.
13. Ўзимни хавфсизликдаман дея ҳис этолмайман.

14. Фикримни бўлишадиган ҳеч кимим йўқ.
15. Одамлар менинг муваффақиятларимга унчалар қизиқишмайди.

Балларингизни ҳисобланг.

Калит: ўзингизни қанчалар қадрлашингиз дарражасини билиш учун тасдиқ маъносидаги жавобларнинг ҳаммасини қўшинг. Сўнг ҳосил бўлган натижа асосида хуроса чиқаринг.

10 балдан кам. Ўзингиз ҳақингиздаги «Мен одамлардан устунман» деган фикрни нари суринг. Ҳаддан ташқари ўзингизни юқори баҳолайсиз. Агар атрофингизда кўнгилсизликлар кўп бўлса, билингки, гуриллаган оловга ўзингиз ўт ёқсан бўласиз, шунинг учун танг вазиятларда ўзингизни бошқаринг ва ақл-идрок билан иш тутинг.

10-30 балл. Сиз руҳан камолотга етгансиз. Ҳар қандай жиддий масалаларни елкангизга ола оласиз, ҳаётга очиқ кўз билан қарайсиз. Доим шундайлигингизча қолинг.

30 балдан юқори. Ўзингизга етарлича баҳо бермайсиз. Имкониятларингиз ва нималарга қодирлигингизни аввал ўзингиз тушуниб олинг. Энг муҳими, ўзингизни севишни ўрганинг.

ЎЗИНГИЗДАН МАМНУНИМСИЗ

Мазкур тест ўз ўтмишингиз ва ҳозирги муваффақиятларингиздан қанчалик қониқишингизни аниқлаб беради. Саволларга тасдиқ ёки инкор маъносида жавоб беринг ва балларингизни ҳисобланг.

1. Қайтадан ҳаёт бошлаш ёки түгилишини истармидингиз?
Ха – 4, йүқ – 16.
2. Сөвған машгулотингиз борми?
Ха – 18, йүқ – 5.
3. Ишингиз юришмаса: «Фақат мен шундай ақволга тушаман» дейсизми?
Ха – 6, йүқ – 12.
4. Бирор сизга ҳавас қылса, қувонасизми?
Ха – 16, йүқ – 2.
5. Сизни бошқалар зерикарлы, ёқимсиз одам деб ҳисобласа, хафа бўласизми?
Ха – 3, йүқ – 12.
6. Сиз билан содир бўлган кўнгилсизлик яқин танишингиз ёки қариндошингиз билан ҳам содир бўлса, таскин топасизми?
Ха – 2, йүқ – 16.
7. Танишларингиз қимматбаҳо совгалар қилса, юрагингиз қувончдан ҳаприқадими?
Ха – 1, йүқ – 12.
8. Лотерея ўйинларида тез-тез катта ютуқларни қўлга киритасизми?
Ха – 4, йүқ – 20.
9. Бирор сиздан кўра яхшироқ ишиласа, руҳан қийналасизми?
Ха – 2, йүқ – 16.
10. Катта аудиторияда ёки кўпчилик ичида кўнглингиздагиларни гапиришини яхши кўрасизми?
Ха – 16, йүқ – 3.

Балларингизни ҳисобланг.

120 баллдан юқори. Сиз ҳаётингиздан мамнунсиз. Аммо ўйлаб кўринг, нима учун ўзингизга танқид кўзи билан қарамайсиз. Балки феълин-

гиздаги ўзингизга билинмайдиган хусусиятлар ҳақида яқинларингиз ва қариндошларингиздан билиб оларсиз.

80-120 балл. Сиз ҳам ўзингиздан мамнундексиз. Лекин бари бир сизни ўзига ишонган ва қадрлайдиган кишилар тоифасига киритиб бўлмайди.

60 баллдан паст. Афтидан, ўзингизга ёқмайсиз. Ўзингизни қўлга олинг ва иродангизни мустаҳкамланг. Атрофингизни кузатинг, таҳдил қилинг, балки ўзингизни қадрлашга халақит қиласидиган сабабларни топарсиз.

ҚАНЧАЛАР ҚАТЪИЯТЛИСИЗ

Бу тест сизнинг ўз олдингизга қўйган мақсад сари интилишингизда қанчалар матонатли, саботли эканингизни кўрсатади. Тестда берилган таърифларнинг қийинлиги даражасини қўйида-гича баҳоланг:

- қийин эмас (муваффақиятга эришиш осон, бу менинг кучли жиҳатим) – 1 балл;
- бир оз қийин – 2 балл;
- жуда қийин (кўп куч талаб қиласди, бу менинг заиф томоним) – 3 балл.

1. Илтифот талаб қилаётган ҳамкасбимга рад жавобини бериш.

2. Ёрдам беришингизни сўраётган ишчига рад жавобини бериш.

3. Бошқалардан ёрдам сўраш.

4. Юқори лавозимда ишлайдиганлардан ёрдам сўраш.

5. Қайтадан тузиш масалаларига бағишиланған ишлаб чиқариш кенгашини үтказиши.
6. Ўз мажбуриятларини ёмон бажарадиган, лекин ўз талабларини илгари сурадиган ишчилар билан муносабатларни йўлга қўйиш.
7. Қўл остингиздагилар билан шароитлар ва ойлик маош ҳақида муҳокама қилиш.
8. Қўл учидан ишлайдиган ходимга талабларингизни қўйиш.
9. Ишёқмас ишчини жазолаш.
10. Ишёқмас ишчини ишдан ҳайдаш.
11. Сизнинг гояларингизни ёқламайдиган ва уларга бефарқ бўлган одамлар билан ишлаш.
12. Раҳбариёт билан сизнинг лавозимингиз ёки ойлик маошингизни кўтариш ҳақида гаплашиш.
13. Ўз қизиқишиларингизни четга суриш.
14. Режалаштирилган ҳамма ишларни тартиб билан бажариш.
15. Раҳбариётнинг фикридан үткир бўлган ўз фикрингизни қолдириш, четга суриш.
16. Вакт етарли бўлса ҳам бажариш мумкин бўлмаган вазифани рад этиш.
17. Раҳбарга қасд қилиб, иккинчи даражали ишлар билан шуғулланиш.
18. Низоли вазиятни ҳал этиш.
19. Аудитория олдида чиқиши.

Энди балларингизни ҳисобланг.

45 балдан юқори – матонат ва сабр жуда кам;

35–45 балл – ўртача;

30 балдан паст – юқори.

Кўпчилик обру ва нуфузини йўқотишдан кўрқиб, илтимослари бажарилиши мумкинили-

гини билмагунча истак ва мақсадлари ҳақида гапирмайди. Чунки бундай одамлар ҳар қандай илтимос асосида талаб, шарт бор деб биладилар. Ўзаро муносабатларда уларнинг оддий қуроллари бор – ҳамкор ёки шерикларини талабчан инсон сифатида тасаввур қиласидар ва уни ўз илтимосларини айтишдан қўрқитишга умид қиласидар.

Илтимос ўзи нима, илтимос қачон ўз моҳиятини йўқотади?

Илтимос – истак ва вазиятнинг рўйи рост ифода қилиниши. У шундай шаклда бўладики, бошқа бир одам ё рози бўлади ёки рад этади, негаки сиз унга ўзининг позицияси ва истакларини айтишга имкон берасиз.

Илтимос қачон талаб шаклига ўтади?

Сиз бошқа одамга оҳанг ёрдамида: маълум жавобни кутаётганингизни; маълум жавобни кутишга ҳаққингиз борлигини англатганингизда илтимос ўз моҳиятини йўқотади. Бу энди илтимос эмас, талаб бўлади.

ЖАНЖАЛКАШМИСИЗ

1. Жамоат транспортида низо бошланди. Сиз нима қиласиз?

- а) жанжалдан қочасиз;
- б) аралашасиз, жабрланган ёки ҳақ булган одамнинг ёнини оласиз;
- в) доим охиригача аралашасиз ва ўз нуқтай назарингизни ўтказасиз.

2. Мажлисда сиз раҳбариятни· хатоликлари учун танқид қиласизми?

- а) йўқ;

б) ҳа, аммо раҳбарга шахсий муносабатимдан келиб чиққан ҳолда;

в) доим.

3. Бошлиқ айтилган муддатда бажаришингизниң имкони бўлмаган иш режасини баён қилди. Ўзингиз учун маъқул бўлган режани тақлиф қиласизми?

а) ҳа, агар бошқалар сизни қўллаб-куватлашса;

б) эҳтимол, ўз режамни қувватлайман;

в) танқид қилганингиз учун сизни мукофотдан маҳрум қилишларидан қўрқасиз.

4. Ҳамкасларингиз, дўстларингиз билан баҳслашишини ёқтирасизми?

а) фақат хафа бўлмайдиган ва муносабатларимиз бузилмайдиган кишилар билан;

б) ҳа, аммо жиддий ва муҳим бўлган масалаларда;

в) ҳамма билан ҳар қандай баҳона сабаб баҳслашасиз.

5. Кимdir навбатда сиздан олдин ўтиб кетмоқчи, қандай йўл тутасиз?

а) ундан қолиши маслигинги зни исботлаб, сиз ҳам навбатсиз ишинги зни битиришга уринасиз;

б) ўзингизча ҳайрон қоласиз, ажабланасиз;

в) норозилигинги зни очиқчасига бидирасиз.

6. Тасаввур қилинг, истиқболли гоя устида ишилаётган ҳамкасларингизнинг тажриба ишиларида хатолар бор. Сизнинг фикрингиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сиз нима қиласиз?

а) лойиҳанинг ижобий ва салбий жиҳатларини айтасиз;

б) ижобий томонларига ургу бериб, ишни давом эттиришларини айтасиз;

в) уларни танқид қиласиз: ахир кашфиётчи бўлиш учун хато қилиш мумкин эмас.

7. Тасаввур қилинг, қайнанонагиз (ёки қайнотанғиз) иқтисод қилиши зарурлиги, доим исрофга йўл қўяётганингизни гапиради, ўзи эса қиммат нарса-буюмларни сотиб олади. У ўзининг охирги хариди тўгрисида сизнинг фикрингизни билмоқчи. Сиз қандай жавоб берасиз?

а) агар уни қониқтирган бўлса харидини маъкуллайсиз;

б) бу нарса дидсизларча танланганини айтасиз;

в) шу нарса устида доим уришиб қоласиз.

8. Чекаётган ўсмир ёшидаги йигитларни кўриб қолдингиз, сизнинг ҳаракатингиз?

а) ёмон тарбия олганларнинг чекиши сабаб ўзингизнинг кайфиятингизни бузмаслик ҳақида ўйлайсиз;

б) уларга танбеҳ берасиз;

в) агар жамоат жойида бўлса, сиз уларга насиҳат қилардингиз.

9. Ресторанда официант хизмат ҳақини кўпроқ ҳисоблаб юборди. Нима қиласиз?

а) олдиндан тайёрлаб қўйган чой чақани бермайсиз;

б) қайтадан ҳисоблашини сўрайсиз;

в) жанжал кўтарасиз.

10. Дам олии уйидасиз. Маъмур бошқа ишлар билан банд, ўз мажбуриятини бажариш: хоналарни тозалаш, меню тузиши ўрнига кўнгилхушилик қилмоқда Бу сизнинг жаҳлингизни чиқарадими?

а) ҳа, лекин шикоят қилган тақдиримда ҳам бирон нима ўзгариши амри маҳол;

б) сиз унинг устидан шикоят қилиш йўлини топасиз, уни жазолашсин, ишдан ҳайдашса ҳам майли;

в) сиз кичик ходимлар: фаррошлар ва официантларга ўз норозилигингизни сочасиз.

11. Ўсмир ёшидаги ўглингиз билан баҳслашингиз, унинг ҳақ эканлигини тушундингиз, ўз хатоингизни тан оласизми?

а) йўқ;

б) тан оламан;

в) ноҳақлигимни тан олсанм, оталик (оналик) мавқеим қаерда қолади?

Ҳар бир жавоб вариантига қуйидагича балл беринг: «а» – 4 балл; «б» – 2 балл; «в» – 0 балл.

Тўплаган балларингизни ҳисобланг.

30–44 балл. Сиз тартибли инсонсиз. Жанжалларни ёқтирмайсиз, низони силлиққина бартараф қила олсангиз ҳам бундай ҳолатлардан осонлик билан чиқиб кетасиз. Жанжал, баҳсга аралашишга тўғри келса, албатта, аввал бунинг хизматдаги мавқеингизга ёки дўстона муносабатларга қандай таъсир қилиши ҳақида ўйлайсиз. Атрофдагилар учун доим дилкаш бўлиб қолишга ҳаракат қиласиз, уларга ёрдам керак бўлса, рад этмай, баъзан илтимосларини бажарасиз. Ана шу йўл билан бошқаларнинг кўз ўнгига ўзингизга бўлган ҳурматни йўқотаётганинг ҳақида ўйлаб кўринг.

15–29 балл. Сиз ҳақингизда жанжалкаш инсон деб ўйлашади. Аслида сиз чора йўқлигига ва бошқа воситалар бузилганда низолашасиз. Сиз лавозимингизга ва шахсий муносабатларга қандай таъсир қилишидан қатъи назар, фи-

кингизни қатъий туриб ҳимоя қиласиз. Эҳтиёт бўлинг, чегарадан чиқиб кетманг, вазиятни ҳақоратланишгача олиб борманг. Сизни шунинг учун ҳурмат қилишади.

10–14 балл. Сиз баҳс учун баҳона қидирасиз, баҳоналарингизнинг кўпи майда икир-чикирлар. Агар манфаат кўраётган бўлсангиз, bemalol танқид қиласиз, бу сизга ёқади. Ноҳақ бўлсангиз ҳам бари бир ўз фикрингизни билдирасиз, ўтказасиз. Сизнинг айтганларингиз танқидга қарши танқид сифатидаги гап-сўзлардир, улар ишнинг фойдаси учун хизмат қилмайди. Билиб қўйинг, қўполлик ва ўзни тута билмаслик билан одамларни ўзингиздан итарасиз. Энди айтинг-чи, сизга жанжалкаш одам деб таъриф берсалар, хафа бўлмайсизми? Ўйлаб кўринг, бундай хатти-ҳаракатингиз замирида камчилик ва қусурлар яширинмаганмикин?

КАРЬЕРА

Хозирги кунда нафақат әркаклар, балки аёллар ҳам ўзларини жамоат ишларида фаол эканликларини күрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳар икки жинс вакиллари ўз имкониятлари ва истаклари доирасида муваффақиятларга эришишмоқдалар. Бу бўлимда муваффақиятга эришиши ва карьера борасидаги имкониятларингизни белгиловчи тестлар берилган.

СИЗ ИШБИЛАРМОНМИСИЗ

1. Анча олдин бошлиб қўйган ишингизни ниҳоясига етказмоқчисиз. Шу пайт қадрдан дўстингиз (ёки севганингиз) учрашишини таклиф қилди, сиз:

а) кейинроқ дейсиз, бошлаган ишингизни тезда якунлаб қўясиз;

б) ишингизни ташлайсиз-да, ҳозир деб учрашувга ўқдек отиласиз;

в) учрашувни бошқа кунга кўчирасиз ва ишингизни қиласиз.

2. Сизга қувноқ даврага бориб қўшилиш ва хат-хужжатларингизни тартибга келтиришини таклиф қилишибди. Иккисидан қайси бирини танлайсиз?

а) ҳозир иш вақти, ўйин-кулги пойлаб турди, деб ишингизда давом этасиз;

б) иш қочиб кетмайди, вақтида ўйнаб-кулиб олиш керак деган хаёлда кечага шошиласиз;

в) тезгина ҳужжатларингизни жой-жойига қўясиз ва кечага борасиз.

3. Сиздан жуда мұхим бир ишда бошқаларга ёрдам бершиңгизни сұрашди, сизнің ҳаракатингиз:

а) илтимос қилаётган кишининг елкасига қоқиб: «Хұп» деб дүстларингиздан бирини ёнингизга олиб сұралған ишни бажарасиз;

б) жуда ҳам бандлыгингизни айтиб, елкангизни қисиб йұлингизда давом этасиз;

в) құлингизни құкрагингизга қовуштириб узоқ үйлайсиз ва илтимос қилиб сұралаётган ёрдамни қисман бажарасиз.

4. Ишибилармен кишилар одатда кийим ҳаёт мазмунни деб ҳисобламайдылар. Кийим сиз учун – ...

а) кийим мен учун күп нарсаны ҳал қиласы. Фақат фирмада ишлаб чиқарылған нарсаларни үзимга раво күраман;

б) чиройли кийиниши яхши күраман, бу үзимга ҳам, атрофимдагиларга ҳам ёқади;

в) яхши ва сифатлы кийиниши иш учун керак. Агар одам дидсиз ва арzon кийимларни кийса, у билан муносабат қилишни хоҳлашмайды.

5. Дүстингизга берган ваъданы бажарии учун күп вақтингиз кетса, бу сизни ранжитадими?

а) дүст – топилмайды! Дүстларимсиз ҳеч бир ишни битиролмайман;

б) дүстларимсиз яшолмайман, улар қийин вақтларда бир-бирларига ёрдам берадилар;

в) дүстлар – мен учун ҳамма нарса! Улар билан маслаҳатлашаман, уларға ёрдам бераман.

6. Севған инсонингизга етарлича вақт ажратасизми? Мабодо ишда бир оз ушлансангиз, үнга құнгироқ қилиб огохлантирасизми?

а) нега энди огоҳлантиришим керак! Ахир мен бекорчи эмасман, ишлайпман. Қўнфироқ қилиш учун вақтим бўлмайди;

б) қўнфироқ қилиб қўйиш мумкин, қўлим текканда қўнфироқ қиласман. Озгина кечиксам бунинг қўрқинчли ери йўқ ахир;

в) албатта қўнфироқ қиласман! Ахир уни ташвишга солиши хоҳламайман. Умуман, мен кечикмайман.

7. Ҳамманинг, ҳатто ишибилармон кишиларнинг ўз шахсий ҳаётлари бор. Шахсий ҳаётингизга қанчалик эътибор қиласиз?

а) оила, уй – бу сизнинг ҳаёtingиз. Турмуш ўртоғингизни севасиз, фарзандли бўлишни истайсиз, иш эса моддий таъминотни ўрнига қўйиш учун керак;

б) нима ҳам дердим, оиланг бўлгани яхши. Баъзан оила даврасида бўлиш, болаларинг билан суҳбатлашишинг керак, лекин ишни унутмаслик лозим;

в) йўқ, бутун умримни ошхонада ўтказмайман! Болаларга бувиси қарасин, мен эса соҳамда етук мутахассис бўлишим керак.

8. Кўпгина муаммолар ва ишларингизни қўйиб, дам оласизми?

а) ҳа, дам оламан, лекин доим эмас. Агар муҳим иш турган бўлса, дам олиш ҳақида ўйламайман, дам олиш татимайди;

б) дам олаётганингизда елкангиздаги ҳамма ташвишларни иргитасиз-да, ҳаётдан завқ оласиз;

в) охирги марта қачон дам олганингизни эслолмайсиз. Доим иш... иш...

Балларингизни құйидағы жадвал асосида ҳисобланг.

Саволлар	«а» жавоб	«б» жавоб	«в» жавоб
1	5	3	10
2	10	5	3
3	10	3	5
4	3	5	10
5	10	5	3
6	10	5	3
7	3	5	10
8	5	3	10

60 балдан юқори. Сиз ниҳотда иқтидорлисиз. Ишбилармоналик хислатларига эга инсон ҳамма ерда қадрли. Бутун умрингиз давомида сидкүдилдан меңнат қиласиз ва ҳәёtingиз мазмунини шунда күрасиз. Лекин бир оз тұхтаб орқа-олдинга қараңшылдықты келмадимикин?! Ахир яқынларингизни үйламасангиз, дұстларингиз билан фақат расман муомала қылсангиз, ёлғизланып қоласиз. Яна озгина шу тарзда яшасангиз, союзқон, ёлғиз, ҳиссиз роботта айланип қоласиз.

35–60 балл. Үзингизни ишдан четлашишга, дам олишга күч топасиз, лекин ҳәётдан орқада қолмайсиз. Яқынларингиз билан бирга бұлишиниз уларга жуда ёқади. Сиз ғамхұр ва әътиборл исиз, шу билан бирга, үз ишларингизни ҳам унұтмайсиз, доим назорат қиласиз. Иш сизни бутунлай ютиб юбормагани жуда яхши, иш ҳәёtingиз мазмуни бұлып қолмаган. Шундай да вом этинг, сизни севган, мең берган кишиларни унұтманг, ҳәёtingиз чиройли бұлади.

35 балл. Енгил фикр юритасиз. Фақат күнгилхушлик қилиб ва тасодифларга ишониб яшамаслик керак. Шубҳасиз, сиз дилкаш, атрофин-гиздагилар учун ёқимли инсонсиз, лекин ишлаш ҳақида ҳам унутмаслик керак, жиддийроқ бўладиган вақт аллақачон келган.

РАҲБАР БЎЛА ОЛАСИЗМИ

Сизга бирон бўлимни бошқариш вазифаси юклатилди, лекин аввало бунга қодирлигинизни синааб олишингиз зарур. Қандай қилиб дейсизми? Қуйидаги тест саволлари жавобини тасдиқлаб ёки инкор этиб, ўзингиз ҳақингизда хулоса чиқаринг.

1. Хизмат вазифангизни бажариш жараёнида касбингизга оид янгилик ва ютуқлардан фойдаланишга ҳаракат қиласизми?
2. Бошқа кишилар билан ҳам ҳамкорлик қилишга интиласизми?
3. Ҳамкасбларингиз билан қисқа, аниқ ва мулоийм гаплашасизми?
4. У ёки бу қарорга келганингиз сабабларини тушунтирасизми?
5. Ҳамкасбларингиз сизга ишонишадими?
6. Мақсад, унинг амалга оширилиш муддати, усувлари ва бошқалар муҳокама қилинаётганда бошқаларни шу вазифага жалб қила оласизми?
7. Ҳамкасбларингиз ўз шахсий фикрини, огоҳлантиришларини айтганда, ташаббускорлик кўрсатганда уларни рағбатлантирасизми?
8. Мулоқот қилаётган кишиларнинг исм-шарифларини ёддан биласизми?

9. Қўйилган мақсадни амалга оширишда иш бажарувчиларининг эркин ишлашларига қўйиб берасизми?

10. Ишнинг бажарилишини назорат қиласизми?

11. Ҳамкасбларингиз ёки қўл остингиздаги ишчиларга фақат улар сўраганидагина ёрдам берасизми?

12. Яхши бажарилган иш учун қўл остингиздаги ишчиларга миннатдорчилик билдирасизми?

13. Одамларда яхши хислат ва инсоний фазилатларни топишга ҳаракат қиласизми?

14. Қўл остингиздаги ҳар бир кишининг имкониятини билиб ундан самарали фойдаланишни биласизми?

15. Қўл остингиздагиларнинг қизиқишлиари ва севимли машғулотлари ҳақида биласизми?

16. Бошқаларни диққат ва эътибор билан тинглай оласизми?

17. Ҳамкасбингизни унинг ишдаги дўстлари олдида мақтаб, миннатдорчилик билдира оласизми?

18. Қўл остингиздагиларга қатъий огоҳлантиришларни улар билан ёлғиз, юзма-юз қолганда айтасизми?

19. Ўз жамоангизнинг яхши ишлаганини юқори раҳбариятга маълум қиласизми?

20. Қўл остингиздагиларга ишонасизми?

21. Маъмурият ва бошқарув каналларидан оладиган маълумотларни ҳамкасбларингизга ҳам етказишга ҳаракат қиласизми?

22. Ҳамкасбингизга унинг меҳнати ва интилишлари сиз бошқараётган бўлимга қандай натижалар келтиришини тушунтирасизми?

23. Ўзингиз ва қўл остингиздаги ишчиларингизга ишни режалаштириш учун вақт ажратасизми?

24. Малакангизни ошириш, иш тажрибасини кўпайтириш борасида режаларингиз борми?

25. Хизматдошларингизнинг ҳам замон талабарига кўра малакаларини оширишлари тўғрисида режа қиласизми?

26. Ишингизга оид адабиётларни мутолаа қиласизми?

27. Соҳангизга оид китоблар жамланган кутубхонангиз мавжудми?

28. Ўз саломатлигингиз ва ишга лаёқатингиз тўғрисида ўйлайсизми?

29. Қийин, лекин қизиқарли вазифани бажаришни яхши кўрасизми?

30. Қўл остингиздаги ишчилар билан ишнинг яхши кетиши, уларга шароитлар яратиш ҳақида ўтказган баҳс-мунозаралар самарали бўладими?

31. Ишга қабул қилинаётганда ишчининг қайси сифатлари диққат-эътибор марказида бўлиши кераклигини биласизми?

32. Қўл остингиздаги ишчиларнинг муаммолари, илтимослари ва шикоятларини эътиборга оласизми?

33. Қўл остингиздаги ишчилар билан оралиқ масофани ушлайсизми?

34. Ишчиларингизга ҳурмат билан қарайсизми, уларни тушунишга ҳаракат қиласизми?

35. Сиз ўзингизга ишонасизми?

36. Ўзингизнинг кучли ва ожиз томонларингизни биласизми?

37. Бошқаришга оид қарорларга ўзингизга хос ва ижодкорона ёндашасизми?

38. Малакангизни махсус курс ва семинарларда мунтазам ошириб турасизми?

39. Одамлар билан муомала, мулоқот қилаётганда феъл-авторингизни етарлича ўзгартира оласизми?

40. Бошқарувнинг самарали бўлиши учун ўз раҳбарлик услубингизни ўзгартиришга тайёрмисиз?

Энди «ҳа» ва «йўқ» жавобларингизнинг нечмалиги ҳисобланг.

Тестда берилган саволлар муваффақиятли раҳбар мезонларидан келиб чиқиб тузилган. Шунинг учун 40 та «ҳа» тасдиқ жавоби сизнинг юқори даражадаги етакчи раҳбар эканингизни билдиради. «Йўқ» деб жавоб берилган саволлар устида тўхталиш керак, негаки айнан шу сифатлар сизда йўқ ва ожиз томонингиз ҳисобланади.

32 та саволга тасдиқ маъносида жавоб берган киши яхши бошқарув потенциалига эга эканингизни англатади.

Агар «ҳа» жавобингиз 32 тадан кам бўлса, бошқарув услубингиз устида ўйлаб кўришингиз керак.

КОРХОНАНГИЗГА ЎЗИНГИЗ РАҲБАР БЎЛА ОЛАСИЗМИ

Ўз хусусий корхонасини бошқариш етарлича истиқболли. Сиз тадбиркор бўлиб, уни бошқаришга тайёрмисиз? Куйидаги саволларга жавоб бериб, «ҳа» жавобингиз учун – 1; «йўқ» жавобингиз учун 0 баллдан ҳисобланг.

1. Қийинчиликлар бүлишига қарамай бошланған ишингизни охирiga етказа оласизми?
2. Қабул қылган қарорингизда мустаҳкам тура оласизми ёки сизни бошқа нарсага чалғитиши осонми?
3. Мажбурият ва масъулиятни зиммангизга оласизми, бошқара оласизми?
4. Ҳамкасбларингизнинг ҳурмати ва ишончидан фойдалана сизми?
5. Сиз жисмонан соғломмисиз?
6. Кучингизни аямай ва натижани кутмай ишлашга тайёрмисиз?
7. Одамлар билан мулоқот қилиш ва улар билан ишлаш сизга ёқадими?
8. Таңланган йўлнинг тўғрилигига бошқаларни ишонтира оласизми?
9. Бошқаларнинг foя ва фикрлари сизга тушинарли бўладими?
10. Ўз ишингизни ташкил этмоқчи бўлган соҳада тажрибангиз борми?
11. Амалдаги солиқ қоидаларини яхши биласизми?
12. Сиз таклиф қилмоқчи бўлган маҳсулот, хизматга ўзингиз яшаб турган ҳудудда талаб борми?
13. Маркетинг ва молия соҳасида бошланғич билимингиз борми?
14. Шаҳрингизда сиз соҳангизда фаолият юритаётган бошқа тадбиркорларнинг ишлари яхши кетяптими?
15. Чамалаб қўйган ижарага олишингиз мумкин бўлган бино борми?
16. Корхона очгандан сўнг бир йил давомида ишни давом эттириш учун етарлича маблағингиз борми?

17. Ташкил қылган корхонангизни молиялаш учун дүст ва танишларингизни жалб қиласидиган имкониятингиз борми?

18. Күз остингизда сизга зарур бўладиган материал (маҳсулот)ларни етказиб берадиганлар борми?

19. Сизга етарли бўлмаётган тажриба ва билимларга эга таниш мутахассислар борми?

20. Хусусий ишга эга бўлиш сизнинг бош мақсадингиз эканига ишончингиз комилми?

Энди балларингизни ҳисобланг.

17 ва ундан кўп балл. Тадбиркор учун керак бўладиган ҳамма хислатлар сизда бор. Собитқадамлик, куч ва ирода, ўзига бўлган ишонч ҳар қандай ишда муваффақият қозонишингизга ёрдам беради. Энг муҳими, ғоянгиз шунга лойиқ бўлсин!

13-17 балл. Ютуқларга эришиш имкониятингиз тадбиркор сифатида у қадар катта эмас. Аммо сиз омадли тижоратчи бўлишингиз мумкин.

13 баллдан кам. Сиздан яхши тадбиркор чиқиши амри маҳол. Эркин тадбиркор сифатида иш бошлашдан олдин тажриба тўпланг, ўз қизиқишиларингиз, имконият ва истакларингизни яна бир бор ўрганинг.

ЎЗ ИШИНГИЗДАН МАМНУНМИСИЗ

Қўйида келтирилган қайси фикрга қўшиласиз, қайсиларига йўқ – буни белгиланг: тўла қониқаман – 1 балл; қониқаман – 2 балл; унча қониқмайман – 3 балл; умуман қониқмайман – 5 балл.

1. Сиз ишлаётган ташкилот.
2. Меҳнатнинг моддий шартлари.
3. Ишнинг ўзи.
4. Ишчилар фаолиятининг тартибга солингани.
5. Бошлиқнинг бошқариш усули.
6. Бошлиқнинг касбий маълумоти, билими.
7. Худди шу иш учун бошқа ташкилотлар билан таққослагандаги маошингиз.
8. Касбий юксалиш.
9. Юксалиш имконияти.
10. Ишда тажриба ва истеъдодингиздан фойдаланиш имконияти.
11. Иш куни вақти.
12. Ҳозирги пайтда иш қидираётган бўлсангиз, ишдан қониқиш сизнинг қарорингизга қайдаражада таъсир қилган бўларди?
13. Агар танлаш имконияти бўлганда ҳозирги жойда яна 5 йил ишлаган бўлармидингиз?

Балларингизни ҳисобланг.

Умумий ҳисобда 14 баллдан 69 баллгача йифиш мумкин. Баллар қанча юқори бўлса, ҳозирги ишлаб турган иш жойингиздан шунча кам қониқасиз. Агар 60–69 балл тўплаган бўлсангиз, иш жойингиз ёки фаолият, касб-хунарингизни ўзgartириш ҳақида ўйлаб кўринг.

ИШДА МУВАФФАҚИЯТЛАРИНГИЗ ҚАНДАЙ

Карьера қилаётган инсон истеъдод, ростгуйлик, меҳнатсеварлик, киришимлилик каби кўпина ижобий хислатларга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, карьера қилиш истагининг

бор-йүқлиги ҳам күп нарсани ҳал қиласы. Қуйидаги тест саволларында жаңылардың жаңыларында шундай истекнинг бор-йүқлиги ва қанчалик омадлы эканнингизни текшириңг.

1. Эртага таътилга чиқасыз, лекин қиласынан ишларингиз бир талай, тұсатдан бошлиқ чакырды ва шошилинч бир ишни топшируди, қандай йүл тутасыз?

а) ишга жиғдий киришасыз, кеч бұлса ҳам топшириқни тұратыб, хотиржам таътилга чиқасыз – 3;

б) таътилга чиқишиның бир неча күн орқага сурасыз – 2;

в) ишни бошқа бирор гана топширишини сұрайсыз – 1.

2. Дүкенде үрфда бұлған кийим арзона сотиляпты, кийимни харид қилишга шошиласызы?

а) ҳа, бунақа арзона-гаров савдо ҳар доим бұлмайды – 1;

б) йүқ, кийим тұғри келмасын мүмкін, кийиб күришга жой ҳам, вақт ҳам йүқ – 2;

в) ҳа, агар кейин алмаштириб олиш мүмкін бұлса – 3.

3. Катта даврада анчадан буён орқаворатдан таърифини эшишиб бир кишини излаяпсыз, тұсатдан уни анжуманда күриб қолдынгиз, нима қиласыз?

а) ўша заҳоти у билан гаплашаман – 3;

б) сизни таништиришлари учун қулай фурсат келишини кутасыз – 2;

в) ҳеч қандай уриниш қилмайсыз – нима бұлса бұлар – 1.

4. Катта маош ваъда қилинган бўш иш ўрнига сиздан бошқа иккита ҳамкасбингиз ҳам номзодлигини қўйган, бу вазиятда қандай йўл тутасиз?

а) ишбилармонлигингиз реклама қилинишига ҳожат йўқ, шунинг учун ўз ишингизда давом этасиз – 2;

б) бунга хотиржам қарайсиз – 1;

в) бошқа номзодлардан яхшироқ эканингизни исботлаш учун қўлингиздан келган ҳамма нарсани қиласиз – 3.

5. Турмуш ўртогингиз классикани, сиз эса енгил мусиқаларни тинглайсиз. Икки хилдаги дидни қандай қилиб бир мезонга соласиз?

а) ўзингиз мумтоз қўшиқларни севиб қолишга ҳаракат қиласиз – 2;

б) енгил қўшиқлар ёзилган дискларни харид қилиб, турмуш ўртогингизни ўзингиз томонга оғдирасиз – 3;

в) иккала йўналишдаги куй ва қўшиқларни тинглайсиз – 1.

6. Ички ишлар ходими сиз кўрган ва билган бир жиноят ишига гувоҳ қидиряпти, гувоҳлик берасизми?

а) албатта, бошқача бўлиши мумкин эмас – 3;

б) йўқ, бунақа воқеаларга аралашишни ёмон кўрасиз – 1;

в) йўқ, нима бўлганини ипидан-игнасиғача билмаганингиз учун гувоҳлик бермайсиз – 2.

7. Жуда шошяпсиз, такси ҳам кўрина қолмаяпти, нима қиласиз?

а) дуч келган автомобилни тўхтатасиз ва ҳайдовчидан катта пул эвазига манзилга тез етказишини илтимос қиласиз – 3;

б) асабийлашасиз, лекин такси келишини кутасиз – 1;

в) сабабини тушунтирган ҳолда таксига навбат кутаётгандардан ўтказиб юборишларини сўрайсиз – 2.

8. Лотереяда катта пул ютдингиз. Нимага харажат қиласиз?

а) имкониятингиз бўлмай сотиб ололмаётган нарсаларингизни харид қиласиз – 1;

б) оила аъзолари билан нима қилиш кераклигини маслаҳатлашасиз – 3;

в) бир қисмини эҳтиёжингиз учун ишлатиб, қолганини омонат кассага қўясиз – 2.

9. Кўчада бирорга тўқнашиб кетсангиз, нима қиласиз?

а) совуқ оҳангда «кечирасиз» дейсиз – 2;

б) норози гудранасиз – 1;

в) «Бўлиб туради» дейсиз ва йўлда давом эта-
сиз – 3.

Энди балларингизни ҳисобланг:

9 баллгача. Сиз карьера қилиш ҳақида умуман ўйламайсиз. Табиатан кўнгилчан, юмшоқ одамсиз. Ўзингизга эътибор қаратмасликка ҳаракат қиласиз. Бошқаларнинг омади сизда ҳавас уйғотмаган, шу ҳолингизга кунигиб кетгансиз. Лекин бу феълингиздан хафа бўлманг, муҳими, уятчанигингиз сизни дангаса қилиб қўймаган.

10–15 балл. Баъзан ишда муваффақият қозонишни ўйлаб қоласиз. Лекин қандай қилиб, билмаганингиз учун ҳаракат қилмайсиз. Фикрингизча, омадга эришиш учун кўп нарсаларни бой бериш керак. Балки шахсий ху-

зур-ҳаловатингизни юқори қўйганингиз учун шундайдир. Лекин бари бир ишдаги кичкина ютуқлар ҳам сизни қувонтиради. Ҳамкасбларингизга ҳавас, бироз ҳасад ҳам қиласиз. Аммо бу тезда ўтиб кетади.

16–23 балл. Хизмат мажбуриятларига оғир вазифа деб қарамайсиз. Ишингиздан ҳузурланасиз. Иш сиз учун зарурат, ишдаги муваффақиятлар эса муҳим ҳаётий мақсад. Шунга қарамай, карьера қилювчи инсонга хос бўлган хусусиятлар сизга бегона. Аммо... қийин вазиятларда ўзингизни муносиб тутасиз, кераги, хизматдаги қизиқишиларингизни шахсий ҳаётингиз билан боғлай оласиз.

24 баллдан юқори. Афтидан, сиз эришмоқчи бўлган мавқеини яхши биладиган иззаттаб, ташкилотчи кишилар тоифасига кирасиз. Бошқаларга қараганда иродали ва қатъйисиз. Лекин омадингиз тўла-тўкис бўлиши учун яна бошқа хусусиятлар, масалан, самимилик, кенг дунёқарашиб, холислик, сабр, шунингдек, одамлар билан муроса қилиш каби фазилатлар ҳам керак. Сиз шу хислатларга эгамисиз? Буларсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Унутманг, ҳаётда карьерадан бошқа яна қимматли қадриятлар ҳам бор.

МУВАФФАҚИЯТГА ИНТИЛИШ ДАРАЖАНГИЗ ҚАНДАЙ

Бу тестни психолог Т. Элерс таклиф қилган. 41 та саволга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришингиз керак. Тест омадга эриштирадиган интилиш кучини англашга ёрдам беради.

1. Иккита вариант таклиф этилди: тезроқ бажарыш керак; маълум вақт орқага суриш керак. Сиз биринчисини танлайсиз.
2. Вазифани 100 фоиз бажаролмаслигимни сезсам, тезда жаҳдим чиқади.
3. Мен ишлаётганимда ҳаммасини силлиқ кечади.
4. Муаммоли вазият пайдо бўлганда кўпинча охиргилардан бўлиб қарор қабул қиласман.
5. Икки кун кетма-кет ишсиз қолсам, ўзимни йўқотиб қўяман.
6. Баъзан ютуқларим ўртачадан пастроқ дарражада бўлади.
7. Ўзимга нисбатан бошқаларга қараганда қаттиққўлман.
8. Бошқаларга нисбатан мен меҳрибонроқман.
9. Агар қийин вазифадан бош тортсам, кейин ўзимни муваффақиятга эришишим мумкин эди-ку деб айблайман.
10. Ишлаш жараёнида дам олиш учун танафус қилишга эҳтиёж сезаман.
11. Файрат қилиш – менинг асосий фазилатим.
12. Ишда эришган ютуқларим доим бир хил бўлмайди.
13. Ҳозирги ишмидан кўра бошқа нарса мени ўзига жалб қиласми.
14. Танбеҳ мақтovдан кўра мени яхшироқ ишлашга ундейди.
15. Ҳамкасларим мени ишнинг кўзини биладиган одам деб билишади.
16. Қийинчиликлар тўғри ва қатъий қарор чиқаришимга ёрдам беради.
17. Мен тўғрисўз ва вижданли одамман.

18. Завқсиз ишласам, бу ёнимдагиларга дар-ров сезилади.
19. Ишлаётганимда фақат үзимга сұянаман ва үзимга ишонаман.
20. Баъзан зудлик билан бажарилиши керак бўлган ишни орқага сураман.
21. Инсон фақат үзиға үзи тиргак бўла олади.
22. Пул ва обру – бу менинг асосий мақсадла-римдир.
23. Мұхим топшириқ берилса, уни охирига ет-казгунча фақат шу иш ҳақида үйлайман.
24. Ҳамкасб ва танишларим каби иззатталаб эмасман.
25. Таътил тугаётганданда тезроқ ишга чиқи-шимни үйлаб хурсанд бўламан.
26. Берилган топшириқ менга ёқса, уни мам-нуният билан яхшироқ, бажаришга ҳаракат қи-ламан.
27. Интилувчан ва событқадам кишилар би-лан осон тил топишаман.
28. Ишим бўлмаса, үзимни йўқотиб қўяман.
29. Бошқаларга қараганда масъулиятли вази-фани кўпроқ мен бажаришимга тўғри келади.
30. Қарор чиқаришга тўғри келса, узоқ үй-лайман.
31. Дўстларим баъзан мени дангаса деб ҳисо-глашади.
32. Менинг муваффақиятларим маълум маъ-нода ҳамкасларимга ҳам боғлиқ.
33. Раҳбар ёки бошлиқ фикрига қарши бориш бефойда.
34. Баъзан қандай иш қилиш кераклигини билмай қоламан.
35. Бирон ишим ўхшамаса, тоқатим тоқ бўлади.

36. Одатда эришган ютуқларимга у қадар эътибор бермайман.

37. Бошқалар билан бирга ишлаганимда на-тижаси самаралироқ бўлади.

38. Бирон ишга қўл урсам, охирига етказмай-ман.

39. Мен иш билан жуда ҳам банд бўлмаган одамларга ҳавас қиласман.

40. Мансаб ва обрў топишга ҳаракат қилаёт-ган кишиларга ҳавас қилмайман.

41. Тўғри йўлда турганимни билсан, буни исботлаш учун ишимни охиригача етказаман.

Балларингизни ҳисобланг.

2-, 3-, 4-, 5-, 7-, 8-, 9-, 10-, 14-, 15-, 16-, 17-, 21-, 22-, 25-, 26-, 27-, 28-, 29-, 30-, 32-, 37-, 41-фикрларга «ҳа» деб жавоб берган бўлсан-гиз -1 балл; 6-, 13-, 18-, 20-, 24-, 3-1, 36-, 38-, 39-фикрларга «йўқ» деб жавоб берган бўлсангиз 1 балдан ҳисобланг. 1-, 11-, 12-, 19-, 23-, 33-, 34-, 35-, 40- фикрларга берган жавобларингиз баҳоланмайди.

Натижа:

1-10 балл – сизда муваффақиятга интилиш кучи паст;

12-15 балл – сизда муваффақиятга интилиш кучи ўртача;

17-20 балл – сизда муваффақиятга интилиш кучи юқори;

21 баллдан юқори – сизда муваффақиятга интилиш кучи жуда юқори.

ТАВАККАЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИСИЗ

Мазкур тест мавхум, ноаниқ вазиятларда омадга эришиш учун ҳаракат қила олиш-олмас-лигингизни аниқлашга ёрдам беради. Сиздан сұралаётган ҳолатларда ишлашга қанчалик тай-ёр эканингизни баҳоланг. Ҳар бир саволға қүйидеги схема асосида баҳо беринг:

- сүзсиз ҳа – 2 балл;
- йўқ дегандан кўра кўра ҳа деганим осонроқ – 1 балл;
- билмайман – 0 балл;
- ҳа дегандан кўра йўқ деганим осонроқ – 1 балл;
- сүзсиз йўқ – 2 балл.

1. Оғир bemорга тезроқ зарурий тиббий ёрдам кўрсатиш керак бўлгани учун автомобил тезлигини оширармидингиз?

2. Катта маош тўлашлари эвазига хавфли ва узоқ давом этадиган экспедицияда иштирок этармидингиз?

3. Қочаётган хавфли жиноятчи йўлини тўсган бўлармидингиз?

4. 100 км/с тезликда юрадиган юк ташувчи поезд вагони зинасида кетармидингиз?

5. Бугун кечаси ухломай чикдингиз, ишда одатдагидек ишлай олармидингиз?

6. Муздек дарёдан биринчи бўлиб кечиб ўтармидингиз?

7. Қайтариб беришига ишончингиз комил бўлмаган ҳолда дўстингизга катта миқдорда пул қарз бера оласизми?

8. Ҳайвон ўргатувчи хавфсизлиги таъкидласа, сиз у билан бирга шер қафасига кира оласизми?

9. Хавфсизлигингизни таъминлашса, узун ватор қувурга кира оласизми?
10. Машқ қилмай туриб елканли қайиқни бошқара оласизми?
11. Югуратган от юганини ушлаб олишга таваккал қилган бўлармидингиз?
12. 10 кружка пиво ичиб велосипед ҳайдаган бўлармидингиз?
13. Парашютдан сакрармидингиз?
14. Хизмат сафаридализ, тезда етиб келишингиз зарур бўлиб қолди, читтасиз Хитойдан Ўзбекистонга учеб кела оласизми?
15. Машинани яқинда автоҳалокат содир этган дўстингиз бошқаряпти, унинг автомобилига ўтирасизми?
16. 10 метр баландликдан ўт ўчирувчилар чодирига сакрай оласизми?
17. Оғир касалликдан қутулиш учун натижаси номаълум бўлган жарроҳлик амалиётини ўтказишга рози бўласизми?
18. Соатига 50 км тезликда ҳаракатланаётган юк поезди вагони зинасидан сакрай оласизми?
19. Вақтдан ютиш учун 6 кишини кўтаришга мўлжалланган лифтга бошқаларнинг оиласи билан бирга чиқармидингиз?
20. Катта мукофот беришлари эвазига кўзингиз боғлиқ ҳолда автомобиллар ҳаракатланланаётган чорраҳадан ўтган бўлармидингиз?
21. Яхшигина маош таклиф қилишса, ҳаётингиз учун хатарли бўлган ишга борасизми?
22. 10 қадаҳ спиртли ичимлик ичгандан сўнг математик ҳисоб амаларини бажара оласизми?
23. Ўтказувчи сим токсиз эканига сизни ишонтиришиди, бошлиқнинг юқори волътили ўт-

казувчи симни құрқиши ҳақидағи буйруғини ба-
жарасизми?

24. Бошланғич маълумотларни беришгандан
сүнг сүнг вертолётни бошқара оласизми?

25. Чиптангиз бор, аммо пул ва озуқангиз
йўқ, шу ҳолда Тошкентдан Самарқандгача бора
оласизми?

Энди балларингизни ҳисобланг.

Юқорида таъкидланган тартибда балларин-
гизни ҳисобланг. Тўплаган балларингиз -50 до
+50 оралиғидаги микдорни ташкил қиласи. Жа-
вобингиз фақат мусбат микдорга тенг бўлса, сиз
жуда ҳам таваккал қилишни яхши кўрасиз.

- 30 дан кам балл - ўта эҳтиёткорсиз.

- 10 дан + 10 баллгача - таваккал қилиш да-
ражангиз ўртача.

+20 баллдан юқори - таваккал қилишга мойил
одамсиз.

ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА ЛАЁҚАТИНГИЗ ҚАНДАЙ

Саволларга берилган жавоблардан бирини (а,
б, в) танланг.

Биринчи қисм. Қизиқувчаник

1. Ҳамма нарса бир қарашда мени қизиқти-
ради:

а) ҳа;

б) йўқ;

в) шароитлардан келиб чиқиб.

2. Ишдан ташқари мен бошқа кўп нарсалар-
га қизиқаман:

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) баъзан.

3. Ишдан бўши вақтимда муҳим ишларим бор (жамоат иши, спорт ва б.):

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) вақти-вақти билан.

4. Ўзим шугууланаётган соҳага оид кўпроқ билим эгаллашини хоҳлайман.

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) баъзан;

5. Дунёқарашибни доим кенгайтириб бораман:

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) айрим мавзуларгина мени қизиқтиради.

6. Мен мамнуният билан материал ва маълумотларни йигаман:

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) баъзан.

7. Ўқиш мен учун:

- а) зарурат;
- б) зерикиш;
- в) ҳузур-ҳаловат.

Иккинчи қисм. Ўжарлик

1. Ишга киришганимда доим охирига етказаман:

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) мақсадга боғлиқ.

2. Ҳамма ишларимни ўз вақтида бажараман:

- а) ҳа;

- б) йұқ;
- в) баъзан.

3. Омадсизлик мени саросимага солади:

- а) йұқ;
- б) ҳа;
- в) омадсизлик устидан куламан.

4. Омадсизлик ўйлашга, фикрлашга чорлайди:

- а) ҳа;
- б) йұқ;
- в) бир оз ўйлайман.

5. Иш үчүн ҳузур-ҳаловатимдан кечаман:

- а) ҳа;
- б) йұқ;
- в) вақти-вақти билан.

Учинчи қисм. Ростгүйлик

1. Ишда мен үчүн мұхым:

- а) ижод қилиш имкони;
- б) хотиржамлик, тинчлик;
- в) яхши ойлик.

2. Мен фахрланадиган буюк инсонлар бор:

- а) ҳа;
- б) йұқ;
- в) фақат қизиқишиң уйғотади.

3. Агар қизиқарлироқ иш тақлиф қилишса, касбимни ўзгартирадим:

- а) ҳа;
- б) йұқ;
- в) ҳаммаси менинг қандай фойда күришимга боғлиқ.

4. Яңги билимларга эга бўлиш үчүн маҳсус курсларга борар эдим:

- а) ҳа;
- б) йұқ;

в) бунинг учун менга шерик керак.

5. Мен учрашув ва баҳсларни яхши кўраман:

а) жуда;

б) йўқ;

в) кам.

6. Мен жамоавий ишларни яхши кўраман:

а) ҳа;

б) йўқ;

в) кўникишим мумкин.

Тўртинчи қисм. Кашфиётчилик, яратув-чанлик

1. Мен фикрлаш механизми ҳақида ўйлайман:

а) ҳа;

б) йўқ;

в) агар мажбур бўлсам.

2. Ўзим фойдаланадиган жиҳозларнинг қурилиши мени қизиқтиради:

а) ҳа;

б) йўқ;

в) баъзан.

3. Ишни қандай қилсам яна ҳам яхши бўлишини тасаввур қиласман:

а) ҳа;

б) йўқ;

в) баъзан.

4. Қўлим гул, ўзимни моҳир уста деб биламан:

а) ҳа;

б) йўқ;

в) бир нималар қилишни биламан.

5. Мулоҳаза қилаётганда мантиқий занжирлар қуришни ёқтираман:

- а) жуда;
 - б) бу ҳақда ўйламайман;
 - в) эркин фикрлашни маъкул кўраман.
6. *Мулоҳаза қилиб, олдинги тасаввур ва қарашларимдан воз кечишига тайёрман.*
- а) агар ишонсам;
 - б) ҳеч қачон;
 - в) бу жуда ҳам қийин.

Бешинчи қисм. Менинг кучли жиҳатларим

1. Соғлигум зўриқиб ишлашимга имкон беради:
- а) ҳа;
 - б) йўқ;
 - в) уртacha.
2. Умуман, омадлиман:
- а) ҳа;
 - б) йўқ;
 - в) баъзан.
3. Менинг хотираларим:
- а) яхши;
 - б) ёмон;
 - в) уртacha.
4. Мени гайриоддий нарсалар ўзига жалб қиласди:
- а) ҳа;
 - б) йўқ;
 - в) агар бу менинг қизиқишлирим доирасида бўлса.
5. Мен малака ва тажрибанинг бебаҳолигига ишонаман:
- а) ҳа;
 - б) йўқ;
 - в) айрим даражада.
6. Мен касб танлаганман:

- а) ҳавас қилиб;
- б) тасодифан;
- в) амалий тасаввурларим асосида.

7. Мен орзу қилиш ва хаёл сурини яхши күраман:

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) баъзан.

8. Ёлғизликни ёмон күраман:

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) бир оз.

9. Ёлғиз қолиб ўйлашни ёқтираман:

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) вазиятга қараб.

10. Керак бўлганда ташвишлардан холи бўла оламан:

- а) ҳа;
- б) йүк;
- в) доим қўлимдан келмайди.

Шундай қилиб, жавобларингизнинг кўпи «а» ҳарфида тўхтаган бўлса, сиз кўпроқ ижод, кашфиёт қилишга мойил одамсиз. Сизнинг интилишларингиз ҳамма нарсага ижодий ёндашишга имкон беради ва кундалик юмушларингизнинг қизиқарли ҳамда мароқли қилади.

Агар жавобларингизнинг кўпи «б» ҳарфи билан белгиланган бўлса, бу сизнинг ижодга бефарқ эмалингизни билдиради. Аммо бу камтарлик ва ўзингизга ишонмаслик бўлиши ҳам мумкин. Агар бу ҳақда ўйламассангиз, бутун умр «бажарувчи» бўлиб қоласиз, умуман, бу ёмон эмас. Агар

илем олишга лаёқатингиз йўқлигига ишончингиз комил бўлса, хафа бўлишга ўрин йўқ. Психодиагностиканинг асосий тамойилини ёдингизда сақланг: қобилиятсиз одамнинг ўзи йўқ, лекин ўз иши билан шуғулланмаётганлар кўп.

Жавобларингизнинг кўпи «в» ҳарфи билан белгиланган бўлса, бу сизнинг ижодий лаёқатингиз борлигидан, аммо танбаллигингиздан дарак беради. Ижодий имкониятларингизни ривожлантиришни хоҳламайсиз. Ўзингизни бир қанча соҳаларда синааб кўринг, сўнг кўнглингизга ёққанини, ўзингизга мос келадиганини танланг.

**МУОМАЛА ВА МУНОСАБАТ ҚИЛИШ
ЛАЁҚАТИ**

Мазкур бўлимда берилган тестлар сизнинг қанчалар қизиқарли сұхбатдош ва тингловчи эканингизни аниқлашга ёрдам беради.

**СУХБАТДОШИНГИЗНИ ТИНГЛАЙ
ОЛАСИЗМИ
(1-тест)**

Саволларга жавоб беринг:

- «доим» – 4 балл;
- «күпинча» – 3;
- «баъзан» – 2 балл.

1. Сұхбатдошингизга ўз фикрини айтиб олишга имкон берасизми?

2. Билдирилаётган фикр-мулоҳазалар матнига эътибор қиласизми?

3. Эшитганларингизни эслаб қолишга ҳаракат қиласизми?

4. Маълумотдаги энг муҳим нарсага эътибор қаратасизми?

5. Сұхбатдошингизни тинглаётиб айтган асосий далиларини ёдда олиб қолишга ҳаракат қиласизми?

6. Сұхбатдошингизнинг ўзи айтган маълумотлардан чиқарған хуносасига эътибор қиласизми?

7. Ёқимсиз, нотўғри савол бериб қўйишдан тийила оласизми?

8. Сизнинг фикрингизга қарши қарашларни эшитганда жаҳлингиз чиқадими?

9. Суҳбатдошингизнинг сўзларига эътиборингизни жамлашга уринасизми?

10. Сиз билан мароқли суҳбат қуришадими?

Балларингизни ҳисобланг.

32 ва ундан кўп балл тўплайдингиз – суҳбатдошингизни дикқат ва эътибор билан тинглайсиз;

27–31 балл – суҳбатдошингизни тинглай оласиз;

22–26 балл – суҳбатдошнигизни тинглаётганда осон чалфишингиз мумкин;

22 ва ундан кам балл – суҳбатдошингизни тинглашни ўрганишингиз керак.

СУҲБАТДОШИНГИЗНИ ТИНГЛАШНИ БИЛАСИЗМИ (2-тест)

Ўзингизга тўғри келадиган жавобларни белгиланг.

1. Сизнингча, суҳбат мавзусини...

а) суҳбатдошнинг ўзидан билган яхшироқ – 2;

б) мазкур савол бўйича ўз нуқтаи назарингизни билдирган маъқул – 1;

в) фикрлар алмашиниб, уларни муҳокама қилиш керак – 0.

2. Фарзандларингиз «булутлар қаердан келган» ёки «Бувим бизга ўхшаб кичкина бўлганми?» деган саволларни берадими?

а) кўп – 3;

б) ҳеч қачон – 1;

в) баъзан – 2.

3. Эрталаб ишга кетиши олдидан қайси қўшиқни хиргойи қиласиз?

а) доим битта қўшиқни – 2;

б) одатда ҳар хил қўшиқларни – 3;

в) қўшиқ хиргойи қилмайман – 0.

4. Мажлис сўнгидага сиз маъruzачига савол берасизми?

а) ҳа, ахир сўрайдиган нарса доим бўлади-ку – 2;

б) баъзан билдирилган нуқтаи назарга қўшилмаганимда – 3;

в) савол бермайман, чунки битта савол билан маъruzачининг нуқтаи назарини ўзгартириб бўлмайди – 0.

5. Дўстингиз билан сухбатдан сўнг муҳокама қилинган масала юзасидан фикрингизни алмаштиришга тўғри келганми?

а) ҳа, кўпинча шундай бўлади – 2;

б) баъзан – 3;

в) ҳеч қачон – 0.

6. Бирор билан сухбатлашаётганда...

а) кўпроқ сиз гапирасиз – 1;

б) кўпроқ сухбатдошингиз гапиради – 2;

в) иккингиз баравар гапирасиз – 3.

7. Бир хил нархда сотиб олишини қўзлаган эдингиз...

а) китоб – 3;

б) компакт диск – 1;

в) кинога чипта – 2.

8. Ҳамкасбингиз сизга тааллуқли бўлмаган ўз муаммоларини гапирди, сиз:

а) қимматли вақтимни йўқотяпман деб ўйлай-сиз – 1;

- б) унга ёрдам бериш ҳақида ўйлайсиз – 2;
- в) унга ёрдам беришга ҳаракат қиласиз – 3.

9. Сизнинг нуқтаи назарингизга кучли таъсирилган қиладиган иборани фақат...

а) шу масала бўйича етук мутахассис ўзгартириши мумкин – 1;

б) агар фикрини ёрқин ифодаласа, ҳар ким ҳамма нарса ҳақида гапириши мумкин – 2;

в) мутахассислар доим ҳам зўр нотик бўлолмайдилар, баъзан муаммо ва ўз ишланмалари ҳақида ишончли гапиролмайдилар – 0.

10. Агар сұхбат давомида сўзларингиз маъносини англолмай қолсангиз, сиз:

а) гапираётган одамни тўхтатасиз ва айтган гапларини тушунтиришини сўрайсиз – 3;

б) тушунарсиз бўлган нарсани ёдингизда сақлаб, сұхбатдошингиз сўзини тутатганда берасиз – 3;

в) умуман, сизга доим ҳаммаси тушунарли бўлади – 2.

11. Сиз эрталаб радиодан эшишган хабарни ёки қўшиқни тақрорлай оласизми?

а) ҳа, доим – 3;

б) ҳа, аммо эслаб олиш учун сизга вақт керак – 2;

в) сиз эслай олмайсиз – 1.

12. Эстрада қўшиқчисини энг аввало ... учун қадрлайсиз...

а) овози – 3;

б) ташқи кўриниши – 1;

в) саҳнада ўзини тутиши – 2.

13. Концертларга бориш сиз учун...

а) сизга ҳузур бағишлийдиган воқеа – 2;

б) оқсуякларга хос одат, мажбурият бўлгани учун – 3;

в) агар сиз севган асарларни ижро этишса, мазза қилиб тинглаш учун – 1.

14. Мөхмонасиз, сиздан бошқа яна 5–6 нафар одам бор. Гап бошлаганингизда кўпинча...

а) сизни деярли ҳеч ким эшитмайди – 2;

б) сизни тинглаш учун ҳамма жим бўлади – 3;

в) сиз сұхбат ташаббускори бўлмайсиз – 1.

15. Сиз ... ларга кўра жамиятдаги воқеа-ҳодисалардан хабардорсиз:

а) теледастурларни томоша қилганингиз учун – 3;

б) радио эшитганингиз учун – 2;

в) газета ўқиганингиз учун – 1.

Энди балларингизни ҳисобланг.

15–20 балл. Сұхбатдошингизни тинглаш учун сизга сабр керак, бу сұхбатдан билимингизни оширадиган, ҳәётий тажрибаларингизни бойитадиган фойда булишини балки билолмаётган-дирсиз.

25–35 балл. Сиз воситали тингловчисиз, сиз учун сұхбатлар маълумотларнинг асосий манбай эмас, балки мулоқот асосидир. Сиздан кўп нарсаларни билиб олиш мумкин, аммо ҳақиқатни айтиш ҳуқуқи фақат сизга берилмаган. Ҳатто танқидчига ҳам таъна-дашном эшитиш фойдали бўлади. Сиз бошқаларни ўзингизнинг сўзингизни тинглатишдан кўра, бошқаларнинг сұхбатини тинглашингиз керак.

35–45 балл. Сизда ноёб хислат бор – сиз ҳам эшита оласиз, ҳам гапира оласиз. Сиз билан сұхбатлашган инсон ҳузурланади. Сұхбатдошларингиз доим ўзлари учун фойдали маълумотларга эга бўладилар. Бошқаларнинг ҳолатига

киришни биласиз – бу сақлаш ва ҳурмат қилиш керак бўлган инсоний сифатдир.

СУҲБАТДОШИНГИЗНИ ТИНГЛАШНИ БИЛАСИЗМИ

Қўйида 16 та савол берилади, уларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

1. Суҳбатдошингиз ўз сўзини тугатишини ва сизга ҳам гапириш имконини беришини сабрсизлик билан кутасизми?

2. Ишнинг моҳиятини тушунишингиз билан шу заҳоти қарор қабул қилишга ҳаракат қиласизми?

3. Фақат ўзингизга ёққан мавзулардаги суҳбатга қулоқ тутасизми?

4. Ҳиссиётларингиз суҳбатдошингизни тинглашга халақит қиласидими?

5. Суҳбатдошингиз ўз фикрини баён қилаётганда чалфийсизми?

6. Суҳбатдаги асосий нарсалар ўрнига иккинчи даражали бўлган нарсаларни эслаб қоласизми?

7. Суҳбатдошингизга бўлган муносабат уни тинглашингизга халақит қиласидими?

8. Баҳс ёки суҳбат қизишиб кетган пайтда суҳбатдошингизни тинглашни бас қиласизми?

9. Гапираётган одамга нисбатан салбий вазијат пайдо қиласизми?

10. Суҳбатдошингизни ҳамиша тинглайсизми?

11. Айнан ҳозиргидек гапиришга мажбур бўлаётган суҳбатдошингизни тушуниш учун ўзингизни унинг ўрнига қўя оласизми?

12. Суҳбатдошингиз ва сизнинг қизиқишиларингиз турли мавзуларда эканини эътиборга оласизми?

13. Суҳбат вақтида ишлатилаётган сўз ҳамда ибораларнинг қабул қилиниши, осон тушунилишини эътиборга оласизми?

14. Турли қарааш ёки ўртага қўйилган савол туфайли баҳс, мунозара юзага келиши мумкинлигини эътиборга оласизми?

15. Суҳбатдошингизни тинглаш пайтида ундан қўзингизни олиб қочиб, турли томонларга аланглайсизми?

16. Суҳбатдошингизнинг гапини бўлиб, унинг ўрнига фикрингизни айтиб, ўзингизни курсатиб қўйиш истаги бўладими?

10-, 11-, 12-, 13- ва 14-саволларга «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз, 1 балдан қўйинг. Қолган саволларга «йўқ» деб жавоб берган бўлсангиз, уларга 1 балдан қўйинг. Умумий балларингизни ҳисобланг.

13-16 балл тўплаган бўлсангиз, сизда тинглаш қобилияти ривожланган, дилкаш суҳбатдош экансиз, балки дўст-биродарларингиз, дугоналарингиз ҳам кўпдир. Бундан ташқари, ҳатто бегона одамлар ҳам сизга ёрдам сўраб мурожаат қилишади.

10-13 балл тўплаган бўлсангиз, натижга ўртача. Ўзингизни тинглаётгандай тутасиз, аслида унинг қараашлари сизга қизиқ эмас. Суҳбат давомида кўпроқ сизни тинглашларини хоҳлайсиз.

10 баллдан кам тўплаган бўлсангиз, сиз суҳбатдошингизни тинглай олмайсиз, уни тинглашга хоҳишингиз ҳам йўқ. Шунинг учун суҳбат-

ларга нисбатан муносабатингизни ўзгартиринг, билингки, диққат билан тинглаш орқали дунёқа-рашингизни кенгайтирасиз, янгиликлардан во-қиф бўласиз, фойдали нарсаларни ўрганасиз.

СУҲБАТДОШГА МУНОСАБАТИНГИЗ ҚАНДАЙ

Энди қаршингизда турган суҳбатдошга бўлган муносабатингизни аниқлаштирайлик. Жавобларингизни қуидагича баҳоланг:

- «деярли ҳар доим – 2»;
- «кўпинча – 4»;
- «баъзан – 6»;
- «камдан-кам – 8»;
- «ҳеч қачон» – 10.

1. Суҳбат ёки суҳбатдош қизиқарли бўлмаган ҳолларда уни тугатишга ҳаракат қиласизми?

2. Суҳбатдошнинг муомаласи, ҳаракатлари сизни аччиқдантирадими?

3. Бехосдан ноўрин айтилган гап сизнинг қўполлик ёки кескин ҳаракат қилишингизга сабаб бўла оладими?

4. Қаршингиздаги бегона одам сиз билан суҳбатлашгиси келаётганини билиб туриб муомала қилишдан қочасизми?

5. Суҳбатдошнинг гапини бўлиш одатингиз борми?

6. Ўзингизни диққат билан тинглаётгандай тутиб, бошқа нарсалар ҳақида ўйлайсизми?

7. Суҳбатдошингизнинг кимлигига қараб овозингиз оҳанги, темпи, юз ифодаси, сўз танлашингизни ўзгартирасизми?

8. Суҳбатдошингиз сизга ёқмайдиган мавзуда гап бошлиса, суҳбат мавзусини ўзгартирасизми?

9. Суҳбатдошингиз атамаларни нотўри айтса, қўпол гапларни ишлатса, унинг нутқини тўғрилашга ҳаракат қиласизми?

10. Нутқингизда киноя, кесатик оҳангларидан фойдаланаисизми?

Тўплаган балларингизни ҳисобланг ва на- тижасини билинг:

62 дан юқори балл йиққан бўлсангиз, қанчалик узоқ-яқин бўлишига қарамай суҳбатдошингизни ҳурмат қиласиз. Сиз суҳбатни ҳар бир инсон ўз фикрини баён қиладиган жараён деб биласиз. Агар рўпарангиздаги киши ўз фикрини далиллар билан асосласа, қарашларингизни ўзгартира оласиз. Бошқача айтганда, муомала-мулоқот жараёнида ўзгарувчансиз, баҳсларни яхши кўрасиз. Мантиқий фикрлашингиз сабаб нарсаларнинг моҳиятини тушунтириб бера оласиз.

ЎЗ ФИКРИНГИЗНИ АНИҚ ИФОДАЛАЙ ОЛАСИЗМИ

Саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

1. Суҳбатдошингизга тушунарли бўлиши учун қайфурасизми?

2. Сўзларни ёшингиз, маълумотингиз, ақлингиз ва тингловчининг маданий даражасига қараб танлайсизми?

3. Гапиришдан олдин фикрингизни баён қилиш шакли ҳақида ўйлайсизми?

4. Сизнинг нутқингиз етарлича қисқами?
5. Агар тингловчи сиз гапиргандан кейин савол бермаса, у ҳаммасини тушунди деб ўйлайсизми?
6. Сиз фикрингизни етарлича аниқ ва лўнда баён этасизми?
7. Фикрларингиз ва уларнинг баёнида мантиқийликка эътибор қиласизми?
8. Фикрингиз ноаниқ бўлганини ўзингиз сезасизми? Савол беришларига ўрин қолдирасизми?
9. Тингловчиларнинг фикри ва қарашларини билиш учун уларга савол берасизми?
10. Даилларни фикр-мулоҳазалардан ажратадан оласизми?
11. Тингловчининг сўзларини инкор қилишга ҳаракат қиласизми?
12. Тингловчилар гапингизни ёқлашларига ҳаракат қиласизми?
13. Ҳамма тингловчиларга ҳам тушунарли бўлган атамаларни қўллайсизми?
14. Мулоим ва дўстона оҳангда гапирасизми?
15. Сизнинг гапларингиз ва мулоҳазаларингиз тингловчиларда қандай таассурот қолдираётганини кузатасизми?
16. Тингловчиларнинг ўйлаб олишлари учун тин оласизми?

5, 11, 12, 13-саволларга «йўқ» деб жавоб берган бўлсангиз 1 баллдан; қолган саволларга «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз 2 баллдан ҳисобланг.

12–16 балл тўплаган бўлсангиз, ишонч билан айтиш мумкинки, сиз яхшигина нотиқ экансиз. Ўз фикрингизни, мулоҳазаларингизни, одидан ўйлаган ибораларингизни аниқ ифодалай-

сиз. Сиз билан мулоқот қилиш қизиқарли. Тингловчи ҳам савол беришга тортиңмайды.

10-12 балл. Умуман, сиз фикрингизни етарлича аниқ ифодалайсиз, аммо шундай ҳолатлар бұладики, баъзан нутқингизни үзингиз хоҳлагандай ирод этолмай қоласиз. Натижада тингловчи сизни тушунмайды. Сұхбатдошингизда таассурот қолдириш мақсадида ҳаммага ҳам тушунарлы бұлмаган сұзлар ва ибораларни құллайсиз. Имкон қадар фикрингизни аниқ ва лұнда ифодаланг.

12 балдан кам. Қониқарли натижә эмас. Күпроқ мутолаа қилишга, мантиқий фикр юритишга ҳаракат қилинг, диалогларни репетиция қилинг. Бирон воқеани ёки ҳодисани ёрқин ифодалар билан қайта ҳикоя қылсанғыз, нутқингиз үсади. Сүз бойлигингиз ортади. Фикрингизни қофозда ёзишиңгиз ёки оғзаки ҳикоя қилишиңгиз мүмкін. Вақти келиб фикрларингизни аниқроқ ифодалашни үрганасиз, сұхбатдошларингиз сизни аввалгидан яхшироқ тушунадилар.

СУХБАТДОШ БИЛАН ҮЗАРО МУНОСАБАТИНГИЗ ҚАНДАЙ

Бу тест сизнинг гапларингиз сұхбатдошда қандай таассурот қолдираётганини аниқлашга имкон беради. Қуйида келтирілген фикрларни 4 балли шкала асосида баҳоланг.

1. Сұхбатдошим қайсар эмас, унинг фикр до-
ираси кенг, мени ҳурмат қиласи.

2. Турли нуқтаи назарларни айтганда ҳамма нарсанинг моҳиятини муҳокама қиласиз, майда икир-чикирлар бизни қизиқтирумайди.
3. Суҳбатдошим яхши муносабат ўрнатишга ҳаракат қилаётганимни тушунади.
4. Суҳбатдошим одоб сақлаган ҳолда менинг гапларимни тинглайди.
5. Суҳбат давомида суҳбатдошим қачон тинглаш ва қачон гапириш кераклигини ҳис қиласиди.
6. Низоли вазиятларни муҳокама қилаётгандарида мен жим бўламан.
7. Менинг гапим қачон қизиқ бўлишини ҳис қиласман.
8. Суҳбатлашиб вақт ўтказиши яхши кўраман.
9. Гапимиз бир-биrimizга тўғри келганда ҳар биримиз энди нима қилишимиз кераклигини яхши биламиз.
10. Зарур бўлса, суҳбатдошим муҳокамани давом эттиришга тайёр.
11. Мен унинг илтимосларини қайтармасликка ҳаракат қиласман.
12. Мен унинг ваъдасига ишонаман.
13. Иккимиз ҳам бир-биrimizning кўнглимиизни топишга ҳаракат қиласиз.
14. Суҳбатдошим кўчма маъноларсиз бор нарсани тўппа-тўғри гапириб қўя қолади.
15. Турли қарашларни муҳокама қилгандан сўнг бу мен учун фойдали бўлганини сезаман.
16. Ҳар қандай вазиятда мен кескин гап-сўзлардан қочаман.
17. Суҳбатдошимни чин юракдан тушунишга интиласман.
18. Мен унинг самимийлигига тўла ишонаман.

19. Яхши муносабат ҳар иккала томонга боғлиқ деб ҳисоблайман.

20. Гапимиз қовушмай қолса одатда бир-биримизга эътиборлироқ бўлишга ва хафа бўлмасликка ҳаракат қиласиз.

Энди балларни ҳисоблаймиз.

Сиз уч хил натижага эга бўлдингиз.

Ўзаро муносабатларнинг яхши бўлишига сиз ҳам, суҳбатдошингиз ҳам интиласизми? Бу саволга 2-, 5-, 9-, 12-, 14-, 18-, 20-фикрлар бўйича алоҳида тўплаган балларингиз йифиндисидан биласиз.

Муомалага киришишингиз қай даражада қийинлигини 1-, 4-, 6-, 8-, 11-, 15-, 19-фикрлар бўйича алоҳида тўплаган балларингиз йифиндисидан билиб оласиз.

Низоларни бартараф қилишга лаёқатингизни 3-, 7-, 10-, 13-, 16-, 17-фикрлар бўйича алоҳида тўплаган балларингиз йифиндисидан билиб оласиз.

21 балдан юқори меъёрий ҳолат. Агар ўзаро муносабатлардан кўнглингиз тўлмаса, сиз суҳбатдошингизга эътиборлироқ бўлишингиз керак. Муомала ва муносабатларга мослашол-маслик суҳбатнинг ўзи ёмон шароитларда бўлганини билдиради. Бирингиз шошган бўларсиз ёки бирингизда муҳокама қилиш учун умумий мавзу бўлмаган.

Ва ниҳоят, агар низони бартараф қилиш қийин бўлса, у ҳолда ўзаро бир-бирингизни тушунишга йўл қидиришингиз лозим.

МУЛОҚОТ СИЗ УЧУН МАРОҚЛИМИ

Афсус, киришимлилик доим ҳам одамлар билан гаплашиш ёқимли бўлаётганининг белгиси бўлмайди. Кўпчилик одамлар ўзларининг киришувчанликлари билан 5 дақиқадан сўнг қаршисидаги одамни чарчатиши мумкин. Бизнинг атрофимиизда бундай суҳбатдошлар битта ёки иккита бўлмаслиги мумкин. Сиз-чи, сиз қандай суҳбаттатдошсиз. Сиз билан гаплашиш мароқлими? Бу саволларга жавоб изласангиз, тестни ўқинг ва «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

1. Гапиришдан кўра мусиқа тинглашни яхши кўрасизми?
2. Нотаниш одам билан ҳам гаплашиш учун доим мавзу топа оласизми?
3. Сиз суҳбатдошингизни доим дикъат билан тинглайсизми?
4. Маслаҳат беришни яхши кўрасизми?
5. Агар суҳбат мавзуси сизга қизиқ бўлмаса, буни суҳбатдошингизга билдирасизми?
6. Сизни тинглашмаётганида қизишасизми?
7. Ҳар қандай савол юзасидан ўзингизнинг шахсий фикрингиз борми?
8. Агар суҳбат мавзуси нотаниш бўлса, уни ривожлантирасизми?
9. Диқъат-эътибор марказида бўлишни яхши кўрасизми?
10. Сиз давранинг «гули»мисиз?
11. Сиз яхши нотиқмисиз?

Агар 1-, 2-, 3-, 6-, 7-, 8-, 9-, 10-, 11-саволларга «ҳа» деб жавоб берган бўлсангиз, ҳар бирига 1 баллдан ҳисобланг.

1–3 балл. Сиз билан мулоқот қилиш доим ҳам ёқимли бўлавермайди, баъзан қийин ҳам. Балки сиз сухбатдошингизни тинглашни билмассиз, унинг гапини бўлиб қўярсиз, ўз қарашларингизни ўтказарсиз. Одамларга эътиборлироқ бўлишга ва улар билан қизиқишга ҳаракат қилинг.

4–9 балл. Шубҳасиз, сиз киришимли, эътиборли ва дилкаш сухбатдошсиз. Ҳатто тушкун кайфиятда паришонхотир бўлиб ҳам қоласиз, аммо ёрдамингиз ва қўллаб-кувватлашингиз зарур бўлганида доим тайёrsиз.

9–11 балл. Сиз дўсти ва танишлари кўп кишилар тоифасига кирасиз. Яқинларингиз сизнинг маслаҳат ва тавсияларингизсиз иш қилишмайди. Бу жуда яхши. Аммо битта саволимиз бор: баъзан бошқаларнинг қизиқишини устун қўйиб, ўз қизиқишиларингизга путур етказиб қўймайсизми?

МУОМАЛА ҚИЛИШ УСУЛИНГИЗ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ

Ҳар бир инсоннинг ўз мулоқот услуби бор. Ўзингизнинг муносабатларга қанчалик лаёқатли ва эътиборли эканингизни билмоқчи бўлсангиз, қўйидаги тест саволларига жавоб беринг.

1. Хизматдошингиз билан низолашиб қолсангиз, у билан яна аввалгидек сухбатлашиб кетиш учун йўл топасизми?

- а) ҳар доим – 1;
- б) баъзан – 2;
- в) ҳеч қачон – 3.

2. Қалтис ва жиддий вазиятларда ўзингизни қандай тутасиз?

- а) ичимдан тошаман – 2;
- б) ички хотиржамлигимни сақлайман – 1;
- в) ўзимни йўқотиб қўяман – 3.

3. Касбдошларингиз сизни ... ҳисоблашади?

- а) ўзига ишонган – 3;
- б) дўст ва мустақил – 2;
- в) хотиржам ва дадил – 1.

4. Масъул вазифани топширишиша, уни қандай қабул қиласиз?

- а) хавфсирайсиз – 2;
- б) иккиланасиз – 3;
- в) хотиржамлигингиз учун рад этасиз – 1.

5. Столингиздан касбдошингиз сўроқсиз қогоз олса, нима қиласиз?

- а) кунини кўрсатасиз – 3;
- б) қайтаришини айтасиз – 2;
- в) яна бирон нима керак эмасми деб сўрайсиз – 1.

6. Рафиқангиз ёки эрингиз одатдагидан ишдан кеч қайтса, нима дейсиз?

- а) нима учун ушландинг – 2;
- б) кечгача қаерларда юрибсан – 3;
- в) мен хавотирланишни бошлагандим – 1.

7. Автомобил бошқарганда ўзингизни қандай тутасиз?

- а) олдиндаги машиналарни қувасиз – 2;
- б) қанча машина сиздан ўзиб кетгани бари бир – 1;
- в) ҳеч ким етиб олмаслиги учун тезликни оширасиз – 3.

8. Ҳаётга қараашларингиз қандай?

- а) мувозанатлашган – 2;

- б) енгил – 1;
- в) жуда жиддий – 3.

9. Бирон ниманинг уддасидан чиқмасанғиз нима қиласиз?

- а) айбни бошқага тұнкайсиз – 3;
- б) күнасиз – 2;
- в) кейинчалик әхтиёт бұласиз – 1.

10. Замонавий ёшларнинг күнгилхушилікleri ҳақидағы мақолаларни қандай қабул қиласиз?

- а) ёшларга бундай күнгилхушилікларни тақиқлаш керак – 3;
- б) ёшларнинг күнгилли дам олишларини ташкиллаштириш керак – 1;
- в) бу ҳақда үйламайман – 2.

11. Сиз орзу қилған лавозимни бошқаси әгалласа, нима деб үйлайсиз?

- а) нимага шунча интилдим-а – 1;
- б) менимча, бу одам бошлиққа яқинроқ – 2;
- в) балки кейинроқ амалга эришарман – 3.

12. Даҳшатлы фильм күрганда нимани ҳисэтасиз?

- а) құрқув ҳисси – 3;
- б) зерикиш – 2;
- в) ҳақиқий ҳузур – 1.

13. Йўлдаги тиқилинч туфайли муҳим мажлисга кеч қолсанғиз...

- а) мажлис пайтида асабийлашасиз – 1;
- б) ҳамкорларингизнинг марҳамат күрсатилишини кутасиз – 3;
- в) қайғурасиз – 2.

14. Спортдаги мұваффақиятларингизга рашиларингиз?

- а) ютишга ҳаракат қиласиз – 2;

б) ёшараётганингизни ҳис қиласиз ва буни қадрлайсиз – 3;

в) ютқазсангиз қаттиқ хафа бўласиз – 1.

15. Ресторанда сизга ёмон хизмат кўрсатишса нима қиласиз?

а) низодан қочиб, сабр қиласиз – 1;

б) бош официантни чақириб огоҳлантирасиз – 3;

в) ресторон директорига шикоят қиласиз – 2.

16. Болангизни мактабда хафа қилишса, қандай йўл тутасиз?

а) ўқитувчи билан гаплашасиз – 1;

б) хафа қилган боланинг ота-онаси билан уршасиз – 2;

в) болангизга дўппослаш керак деб ўргатасиз – 3.

17. Сиз қандай инсонсиз?

а) оддий – 1;

б) ўзига ишонган – 3;

в) уддабуро – 2.

18. Эшикда тўқнашиб кетган ишчингизга нима дейсиз?

а) кечирасиз, бу менинг айбим – 1;

б) ҳеч қиси йўқ, булиб туради – 3;

в) кўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими – 2.

19. Ёшлиар ўртасидаги безорилик тўгрисидағи мақолаларга муносабатингиз?

а) қачон аниқ чоралар кўришади-я – 2;

б) қатъий жазолар кўмлаш керак – 1;

в) ёшларни айлаш керак эмас, тарбиячилар ҳам айбдор – 3.

20. Қайси жонивор сизга кўпроқ ёқади?

а) йўлбарс – 3;

б) хонаки мушук – 2;

в) айиқ – 1.

Балларингизни ҳисобланг:

35—44 балл. Сиз муносабатларда ниҳоятда хотиржам, фикрлайдиган, ростгүй инсонсиз. Омадлисиз, дўстларингиз ҳам кўп. Танқидга муносабатингиз ижобий, агар тўғри танқид бўлса обрўйингизга путур етказмайди.

45 ва ундан юқори балл. Ўзингизга жуда ишонгансиз. Мақсадга етиш учун ўзгаларнинг қизиқишиларини йўққа чиқаришга ҳам тайёрсиз. Доим ўз кучингизга ишонасиз ва ғалаба қозонасиз. Одамларга нисбатан қатъийсиз ва ҳар ким ўз хатосидан сабоқ чиқариши керак деб хисоблайсиз. Фақат ҳурмат қилган одамингизнинг танқидини қабул қиласиз.

34 ва ундан кам балл. Жуда тинчликсеварсиз, чунки ўз кучингизга у қадар ишонмайсиз. Кўпроқ иродангизни мустаҳкамланг. Танқидга чидамлисиз.

Агар 7 та ва ундан кўпроқ саволга жавоб бериб 3 балл тўплаган бўлсангиз, сизнинг тажовузкорлигинги қуюшқондан чиқади. Ҳар қандай даврани бузишга «қодирсиз». Исталган кўнгилсизлик «муаллифи»га айланасиз. Одамларга ҳурмат билан қарашни ўрганинг.

САБРЛИМИСИЗ

Одамларнинг фикри сиз учун қачалар муҳим? Бошқаларнинг камчиликлари, хатолари ва қусурларига муносабатингиз қандай? Бу саволларга қўйидаги тест орқали жавоб топасиз.

1. Сизда қизиқарли бир гоя тугилди, лекин уни қўйллаб-қувватлашмади. Сиз хафा бўласизми?

- а) ҳа — 0;
- б) йүқ — 2.

2. Дүстларингиз билан учрашдингиз, бири үйин бошлиши тақлиф қылди, сиз нима дейсиз?

- а) фақат яхши үйнайдиганлар үйнасин — 0;
- б) үйин қоидаларини билмаганлар ҳам үйинга күшилсін — 2.

3. Сиз учун ёқимсиз бүлган янгиликни хотиржам қабул қила оласизми?

- а) ҳа — 0;
- б) йүқ — 2.

4. Жамоат жойларига келиш тақиғланған кишилар пайдо бўлиб қолса, бу жаҳлингизни чиқарадими?

- а) агар улар чегарадан ўтмасалар, қизиқтирамайди — 2;
- б) ўзини назорат қилишни билмайдиган кишиларни кўриш мен учун ёқимсиз — 0.

5. Одатлари, касби, молиявий аҳволи сизни кидан бутунлай фарқ қиладиган кишилар билан осон тил топиша оласизми?

- а) қийналаман — 0;
- б) мен бундай нарсаларга эътибор қилмайман — 2.

6. Сиз билан ҳазиллашганларида буни қандай қабул қиласиз?

- а) мен ҳазилни ҳам, ҳазиллашганларни ҳам ёқтирамайман — 0;
- б) ҳазил бўлса ҳам бу менга ёқмаган бўларди, ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарар эдим — 2.

7. Кўпчилик одамлар ўз иши билан шугулланмаётгани, ўз курсисида ўтирмаётгани ҳақида ги фикрга қўшиласизми?

- а) ҳа — 0;
- б) йүқ — 2.

8. Даврага дүстингизни олиб келдингиз, у ҳамманинг диққат марказида бўлиб қолди, бунга муносабатингиз?

а) тўғриси, шу тариқа мендан эътиборнинг чалғигани ёқимсиз – 0;

б) дўстим учун хурсанд бўламан – 2.

9. Меҳмонга бордингиз, у ерда кекса бир одам ҳозирги замон ёшларини танқид қилиб, ўз давридаги ёшларни намуна қилмоқда, муносабатингиз?

а) бирор баҳона қилиб эртароқ кетаман – 2;

б) баҳслашаман – 0.

Балларни ҳисобланг.

0–4 балл. Сиз ўжар ва қайсар одамсиз. Сиз ҳақингизда нима бўлишидан қатъи назар, ўз фикрини бошқаларга зўрлаб ўтказади деган фикр ўйфонади. Кўпинча овозингизни баланд қўясимиз. Аммо ўзингиз севган кишиларни севасиз, меҳрибонсиз, агар кимдир ёқмаса, у билан гаплашмайсиз. Бу нарса низо ва тушунмовчиликларга олиб келади.

6–12 балл. Ўз фикрингизда қатъий қолишингиз мумкин. Аммо, зарур бўлса, фикрингизни ўзгартиришингиз мумкин. Баъзан суҳбатдошингизга нисбатан кескин гапириб, ҳурматсизлик қиласиз. Бундай вақтларда заиф характерли одам билан баҳслашиб, ютасиз.

14–18 балл. Қатъият, ишонч, мослашувчаник характерингизнинг ўзига хослигидир. Ҳар қандай ғояни бир қарашда ёқтирмасангиз ҳам, уни тушунган ҳолда қабул қила оласиз. Ўз фикрингизга танқидий ёндашасиз, суҳбатдошин-

гиз ҳақида нотұғри хаёлга борганингизни тан олиб, унға нисбатан муносабатингизни үзгартыра оласиз.

СИЗ ҚАНДАЙ ҚҰШНИСИЗ

Үй олма, құшни ол, деган нақл бор тилемизда. Құшнингиз имонли, инсофли, одамшаванда бўлса-ку, хўп-хўп, мабодо ... бўлса-чи, ана шунда бошингиз низо ва жанжаллардан чиқмаслиги тайин. Үзингиз-чи, үзингиз қандай құшнисиз? Куйидаги тест саволларига жавоб бериб буни аниқлаштириб олишингиз мумкин.

1. Құшниларингиз билан муносабат қиласизми?

- а) тез-тез – 5;
- б) баъзан – 3;
- в) ҳеч қачон – 1.

2. Құшниларингиздан қарз ёки нон, шакар олиб турасизми?

- а) теъз-теъз – 5;
- б) баъзан – 3;
- в) ҳеч қачон – 1.

3. Құшни болалар шўхлик қилиб эшигингизни тақиллатиб қочса, сиз:

- а) уришасиз – 1;
- б) ота-оналарига шикоят қиласиз – 5;
- в) уларни кечирасиз, ахир булар болалар-ку – 3.

4. Сиз құшниларингиз ҳақида қандай үйлайсиз?

- а) меҳмондўст, илтифотли, ёрдам беришга тайёр – 5;
- б) ёрдам қилишади-ю, лекин унчалик қизиқарли одамлар эмас – 3;
- в) илтифотли ҳам, қизиқарлы ҳам эмас – 1.

5. Жуда кеч бўлганда шовқинли давра ўюштирдингиз, қўшниларингиз норозилигини билдиришид, сиз:

- а) узр сўрайсиз ва меҳмонларни тинчлантирасиз – 5;
- б) ўз уйингизда нимани хоҳласангиз шуни қила олишингиз мумкинлигини айтасиз – 1;
- в) қўшниларингизни ҳам меҳмонлар даврасига таклиф қиласиз – 3.

6. Қўшни хонадонга янги қўшнилар кўчиб келяпти, сиз:

- а) улар билан танишасиз ва ёрдамингизни таклиф этасиз – 5;
- б) кўч-кўронни жойлаштириб олгунларича пойлайсиз, сўнг ёрдам таклиф этасиз – 3;
- в) улар биринчи бўлиб танишиш учун ҳаракат қилишларини кутасиз – 1.

7. Қўшниларингиз янги автомобил сотиб олишид, сиз:

- а) уларнинг қувончига шерик бўласиз – 3;
- б) уларга ҳасад қиласиз – 1;
- в) қандай ва қайси пулга сотиб олган экан деб ўйлайсиз – 5.

8. Фийбатлашишни яхши кўрасизми?

- а) ҳа, ҳар доим – 5;
- б) баъзан, лекин бефараз – 3;
- в) йўқ – 1.

9. Қўшилникунига бегона одам келди. Унинг эри эса хизмат сафарида эканини биласиз, шунда сиз:

- а) унинг кимлигини ва қачон кетишини аниқлаштиришга ҳаракат қиласиз – 5;
- б) кўнглингизга ёмон шубҳалар оралайди – 1;
- в) бунга эътибор қилмайсиз – 3.

10. Құшниларингиз таътилга кетиши мокчи ва сиздан мушук ёки күчуклар (қишлоқ шароитида сигир ва құйлар)ига қараб туришини сұрашди, сиз:

- а) дархол рози бұласиз – 5;
- б) рози бұлишдан олдин бир-икки баҳона қиласиз – 3;
- в) шу заҳоти рад жавобини берасиз – 1.

11. Құшнингизнинг қизи бегона, оиласы эркак билан гаплашаётганини ёки үзига номуносиб үйгит билан турғанини күрдингиз, сиз:

- а) дархол қизнинг онасига айтасиз – 5;
- б) олдин қизнинг үзи билан гаплашасиз – 3;
- в) буларнинг сизга алоқаси йүқ деб ҳисоблайсиз – 1.

12. Ички ишлар ходими құшнингизни кируганини күрдингиз, сиз:

- а) шу пайтда құшнини киришга баҳона топасиз ва кирасиз – 5;
- б) ички ишлар ходими кетгандан сұнг киравасиз – 3;
- в) бу нарса сизни қизиқтиirmайды – 1.

13. Үзингизга қүйидагича таъриф берасиз:

- а) құшнilarимдан бир оз яхшиман – 1;
- б) улардан күра менинг обрүим баланд – 5;
- в) үзимни улар билан солиштирмайман – 3.

14. Құшнингиз янги оила құрган ёшылсін, сиз:

- а) уларга маслаҳатлар бериш учун йұл топасиз – 5;
- б) уларга ёрдам беришга ҳаракат қиласиз, лекин әхтиёткорлик чораларини күрасиз – 3;
- в) уларнинг үзи оилавий ҳаёт тажрибасини түплаши керак деб ҳисоблайсиз – 1.

15. Құшнингиз яңғы мебел сотиб олды, сизге
эса эски мебелини арzon нархда сотиб олишини
таклиф қылди, сиз:

- а) таъсирланасиз, лекин буни билдирмайсиз – 3;
- б) бирон нима сотиб олиш фикрингиз бұлмаса ҳам, сиз ҳақингизда қайғурғанлари учун миннатдорчилік билдирасиз – 5;
- в) хафа бұласиз – 1.

Балларингизни ҳисобланг:

58 балл. Құшниларингизга ёрдам беришга доим тайёрсиз, уларнинг ҳар қандай илтимосларини инобатта оласиз. Шунингдек, әхтиёж бұлмаганда ҳам құшниларга ёрдамга шошасиз. Бундан ташқари, сиз жуда ҳам қизиқувчансиз ва ғийбатлашишни яхши күрасиз.

57-32 балл. Сиз илтифотли, күнгилчан одамсиз. Бошқаларни ҳұрмат қиласиз. Құшниларга күмак керак бұлмаганда ёрдамингизни таклиф этмайсиз, құшниларингиз ҳаёти билан қизиқиб турасиз. Құшнилар ҳақида ҳамма гапни билишга ҳаракат қылмайсиз, уларга ҳам үзингиз ҳақингизда күп гапирмайсиз. Әхтиёж бұлганида бегараз күмагингизни берасиз.

31 ва үндән нам балл. Құшнилар сиз учун бутунлай бошқа бир олам, бегона одамлар. Уларга ёрдам бермайсиз, шунингдек, құшнилар ёрдамига ҳам муҳтож әмассиз, улар билан муомала-мулоқот қылмайсиз. Құшниларингиз билан ҳисоблашмайсиз ва дуч келиб қолғанда улар билан әхтиёткорона муомала қиласиз.

ҲАҚИҚАТНИ ҚАБУЛ ҚИЛА ОЛАСИЗМИ

Агар ҳақ ғапни юзингизга айтишса – агар у сиз учун ёқимли бўлмаса – буни қандай қабул қиласиз? Биласизми, баъзи кишилар ҳақиқатни тинглаб, у билан муроса қилишдан кура, ўзларини кар ва кўрга солишни маъқул кўрадилар.

1. Тасаввур қилинг, кўринишидан ёш бир аёл ўзининг «йигирма» ёшга тўлганини учинчи марта нишонлаяпти, сизнинг бунга муносабатингиз қандай?

а) ўзининг ҳақиқий ёшини яширишга урингани тушунарли;

б) вақтни тұхтатишга уриниш аҳмоқлик;

в) мен умуман бундай ёлғонга қаршиман.

2. Айтайлик, сиз табиати ажойиб, манзарали масканда бўлиб қолдингиз, ўзингизга бегона мамлакат бозорида юрибсиз. Бозордаги галати маҳсулотларга қизиқиш билдирасизми?

а) бунинг нималигини билишга жуда ҳам қизиқасиз;

б) бунинг нималигини билиш учун шунчаки қараб ўтиб кетасиз;

в) эсдалик учун бирон нималар сотиб оласиз.

3. Кичикина бола эски, кимсасиз бино олдида копток ўйнаб юрибди, бунга нима дейсиз?

а) ота-оналар болаларининг бундай жойларда ўйнашларига рұксат бермасликлари керак;

б) болага бундай жойларда ўйнаш мүмкин эмаслигини тушунтириш керак, чунки унинг ўзи бу ер хавфли эканини англамайди;

в) ўйнаса ўйнар, шунга нима бўлибди.

4. Бегона одам келажакни башорат қиляпти, бу сизни қизиқтирадими?

а) сизга бирор маслаҳат берса, афсусланмайсиз;
б) сиз унинг гапларини эшитасиз, лекин ўз фикрингизда қоласиз;

в) ўз тақдирингиз ҳақида билишни истайсиз.

5. Одатда тақинчоқларимизга қимматбаҳо тошлиар ўрнатилган бўлади. Сиз безакнинг қайси рангда бўлишини хоҳлар эдингиз?

а) жигарранг;

б) сариқ-қовоқ ранг;

в) яшил.

6. Агар қанча умрингиз қолганини билиш имконияти бўлса, бундан фойдаланаармидингиз?

а) йўқ, бу мени яшаш қувончидан маҳрум қиласди;

б) ҳа, балки йўқ;

в) бу имкониятдан фойдаланишни жуда ҳам хоҳлар эдим.

Энди нечта «а», «б» ва «в» ҳарфлари билан берилган жавобларни танлаганингизни ҳисобланг.

Агар «а» ҳарфи билан берилган жавобларингиз кўп бўлса, демак, сизнинг: «Мен ўзим билмаган нарсага қизиқмайман» деган шиорингиз бор ва шу асосда яшайсиз. Бирон ҳавф туғилса, бошини қумга тиқиб оладиган түяқушга айланасиз. Ҳеч нимани кўрмайсиз ҳам, эшитмайсиз ҳам. Лекин бир кун келиб ҳаётингиз мазмуни йўқлигидан афсусланмайсизми, бу ҳақида ўйлаб кўринг.

Агар «б» ҳарфи билан белгиланган жавобларингиз кўпроқ бўлса, сиз ёқимсиз, кўнгилсиз оқе-а-ҳодисаларни қандай бўлса шундайлигич қабул қиласиз, ҳаётий тартибсизликларни осон ҳал қиласиз. Сизнинг шиорингиз шундай: «Инсон ҳамма нарсани билишга қодир эмас». Ҳаёт учун зарур бўлган билимларни олишдан эринмай.

Агар «в» ҳарфи остидаги жавобларни күпроқ белгилаган бұлсангиз, демак, үзингизга нисбатан жуда ҳам қаттиққұлсиз, ҳақиқат ҳаётингизнинг асосий қысмини ташкил этади. Үзингиз ҳақиқатни яланғоч қилиб күрсатасиз-да, сұнг атрофдагилардан ҳам уни безамай, туз сепмай, әхтиёткорликсиз айтишларини талаб қиласиз. Билим сиз учун куч, билимсизлик – ожизлик.

МУНОСАБАТЛАРДА КИРИШИМЛИМИСИЗ

Дұст тутиниш, карьера қилиш, яқын кишилар билан муомала-муносабат үрнатища киришимлилик жуда катта рол үйнайды. Исталған ҳар қандай муносиб ишга кириш учун ёзилған резюменда ҳам албатта дағындар үзининг киришимли эканини таъқидлаб үтади. Хүш, сиз үзингизни киришимли инсонман деб ҳисоблайсизми? Агар буни билмоқчи бұлсангиз, қуйида берилған 16 та саволга жавоб беріб аниқлашингиз мумкин. Жавобларнан күйидегіча ифодаланғ ва баҳоланг:

- «ҳа» – 2 балл;
- «баъзан» – 1 балл;
- «йўқ» – 0 бал.

1. Ишбилармөнлик доирасидаги учрашув ташкиллаштирилған. Кутиш онлари сизни ишдан, оиласдан чалғитиб қўядими?

2. Оғриқ жонингиздан ўтмагунча шифокорга боришни орқага сурасизми?

3. Мажлис, йиғилиш ёки шунга ўхшаш тадбирларда маъруза ўқиши, маълумотларни эълон қилиш юрагингизга фулғула соладими, норозилик пайдо қиласими?

4. Ҳали бирон марта бормаган шаҳар ёки қишлоқقا хизмат сафари билан юборишяпти. Сафарни рад этиш учун бор имкониятингизни ишга соласизми?

5. Кимлигидан қатъи назар, юрагингиздаги гапларни дуч келган одамга очиб ёзасизми?

6. Кўчада бегона одам йўл кўрсатишни, соат неча бўлганини айтишни илтимос қилганида жаҳлингиз чиқадими?

7. Ота ва бола ўртасида муаммолар мавжудлигига ва булар бир-бирини тушуниши қийин бўлган турли даврнинг вакиллари эканига ишонасизми?

8. Танишингизга бундан бир қанча ой олдин қарзга пул олганини эслатишга уяласизми?

9. Ресторан ёки ошхонада сизга сифати бузилган таомни келтиришди. Жаҳлингиз чиққанча таомни четга суриб индамай ўтирасизми?

10. Бегона одам билан юзма-юз бўлган вақтда у билан сұхбатлашасизми?

11. Дўкон, касса, бозор – қаерда бўлмасин, узундан-узоқ навбат сизни ғазаблантиради. Навбатга туриб кутгандан кўра, ўша нарсани харид қилишдан воз кечган маъқул деб ўйласизми?

12. Низоли вазиятларни кўриб чиқиши комиссиясида иштирок этишдан қўрқасизми?

13. Зўр қизиқиши билан ўқийдиган бадиий асарларингиз ёки мириқиб томоша қиладиган санъат асарларингиз борми?

14. Сизга яхши таниш бўлган мавзуу юзасидан бироннинг хато фикрини эшишиб қолганингизда жим бўлиш ва баҳсга киришмасликни ёқдайсизми?

15. Бирорларнинг иши ёки ўқиши борасида қилган илтимоси сизда ачиниш ҳиссини уйфотадими?

16. Ўз фикрингиз ва нұқтаи назарингизни оғзаки шаклдагидан күра ёзма равища баён этишни маъқул күрасизми?

30–32 балл. Сизнинг киришимли эмаслигингиз аниқ ва бу энг катта камчилигингиз, бу ўзингизга зиён. Шунингдек, яқин кишиларингизга ҳам осон эмас. Жамоавий ишларни сизга ишониб бўлмайди. Ўзингизни назорат қилинг ва киришимли бўлишга ҳаракат қилинг.

25–29 балл. Одамовисиз, ёлғиз қолишни хуш күрасиз. Дўстларингиз ҳам кам бўлса керак. Янги танишлар орттириш ва ишингизни ўзгартиришни ёқтирумайсиз. Сиз ўз камчилигингизни биласиз ва бундан норозисиз. Лекин қобиқдан чиқиш қўлингиздан келади, кучли истак бўлганида давраларда ҳамма билан тез тил топиша оласиз. Фақат ўзингизга ишонинг, ҳаммаси яхши бўлади.

19–24 балл. Нотаниш давраларда ҳам тезда ҳам одамларга тезда қўшилиб кетасиз. Янги муносабатлар сизни чўчитмайди. Шундай бўлса-да, нотаниш кимсаларга бари бир ишониб кетавермайсиз. Кўпинча сурбетларча иш кўрасизки, бу ҳатто кўпларга ёқади ҳам. Дўстларингиз кам, лекин улар сизнинг эътиборингизни ва ишончингизни қозонган кишилардир.

18–14 балл. Жуда қизиқувчан кишисиз, сухбатдошингизни сабр билан тинглай оласиз. Бошқалар билан мuloқотда ҳеч қийналмай, ортиқча куч сарфламай ўз нұқтаи назарингизни ўтказасиз. Кўнглингизда шубҳа-гумонларсиз нотаниш кишиларга рўпара бўласиз, шу билан бирга, шовқин-суронли давраларни ёқтирумайсиз. Фай-

риоддий топилмалар, узок чўзиладиган дилкаш сұхбатлар жаҳдингизни чиқаради.

9-13 балл. Дилкаш сұхбатдошсиз, ҳатто ҳаддан ташқари. Қизиқувчансиз, шу сабаб күп гапрасиз. Ҳар хил мавзуларда гап сотишга, янги танишлар орттиришга устасиз. Ҳамманинг диққат марказида бўлишни яхши кўрасиз, бажариш ҳар доим қўлингиздан келмаса ҳам бирорларнинг илтимосини рад этмайсиз. Аммо жиддий муаммоларга дуч келганда сабр, бардoshingiz etmайдi.

4-8 балл. Айтиш мумкинки, сиз енгдан ҳам бош чиқарадиган одамсиз, ҳамма нарсадан хабардор бўлиб юрасиз. Бунда киришимли эканингиз жуда қўл келади. Жиддий мавзулар этингизни сескантирса-да, баҳсларда иштирок этишни ёқтирасиз. Исталган масалада ўз фикрингизни баён қиласиз. Ҳар доим ҳам охиригача муваффақиятли етказа олмасангиз-да, ҳар қандай ишга қўл уриб кетаверасиз. Шу сабаб раҳбарият ва ҳамкасларингиз сизга шубҳаланиб қарашади. Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўринг.

3-0 балл. Сизнинг киришимлилик хислатингиз жуда меъёрдан ортиқ. Сизга алоқаси бўлмаган мавзуларга, давра сұхбатларига аралашиб, тилингизга эрк берасиз. Ўзингизга таниш бўлмаган масалаларга фикр билдириш керак эмас. Ўз ихтиёрингиз биланми ёки беихтиёри кўпинча атрофингиздагилар билан жizzакилингиз, тезлигингиз, нохолислигингиз сабаб низолашасиз. Маслаҳатимиз, энг аввало ўзингизни тута билиш, сабр қилиш, одамларга хурмат билан муносабатда бўлишни ўрганинг.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлум

Феъл-атвор.....	3
Қандай куласиз?	4
Самимий қувона оласизми?	7
Ҳазил-мутойиба қилиш ҳисси	10
Сўфитурғаймисиз ёки бойқуш	12
Сиз ва ижод.....	14
Психологик ёшингиз нечада	18
Фантазиянгиз қай дараҷада ривожланган.....	21
Орзу ва тасаввур қилиш машқи	23
Хаёлпарамастмисиз ёки реалист	24
Дикқат-эътиборлимисиз.....	27
Қанчалик меҳрибонсиз.....	29
Ўз ҳаётингизни бошқарасизmi.....	31
Мустақил инсонмисиз	34
Руҳиятингизда аёллик ибтидо устунми ёки эрлик	37
Сиз етакчимисиз	40
Қанчалик тежамкор инсонсиз.....	43
Кузатувчан инсонмисиз	45
Қанчалик тартибли инсонсиз	49
Давранинг «гули»мисиз ёки одамови.....	55
Совғалар ва феъл-атвор	56
Сиз қандай психологсиз	59

Иккинчи бўлум

Мустақкам иродা.....	62
Ўзингизга қанчалар ишонасиз	62
Рейдас тести	66
Ўзига бўлган ишончни мустақкамлаш машқи	69
Ўзингизга қандай баҳо берасиз	70
Ўзингиздан мамнунмисиз	71
Қанчалар қатъиятлисиз.....	73
Жанжалкашмисиз	75

Учинчи бүлім

Карьера	80
Сиз ишбилармонмисиз	80
Раҳбар бұла оласизми	84
Корхонанғизга үзингиз раҳбар бұла оласизми	87
Үз ишиңгиздан мамнұнмисиз	89
Ишда муваффақиятларингиз қандай	90
Муваффақиятга интилиш даражанғиз қандай.....	94
Таваккал қилишга тайёрмисиз	98
Илмий фаолиятта лаёқатингиз қандай	100

Түртінчи бүлім

Муомала ва муносабат қилиш лаёқати	107
Сұхбатдошингизни тинглай оласизми (1-тест)	107
Сұхбатдошингизни тинглашни биласизми (2-тест) ..	108
Сұхбатдошингизни тинглашни биласизми.....	112
Сұхбатдошга муносабатингиз қандай.....	114
Үз фикрингизни аник ифодалай оласизми	115
Сұхбатдош билан үзаро муносабатингиз қандай ..	117
Мулоқот сиз учун мароқлыми	120
Муомала қилиш усулингиз ҳақида биласизми	121
Сабрлымисиз.....	125
Сиз қандай құшнисиз	128
Ҳақиқатни қабул қила оласизми	132
Муносабаттарда киришимлимисиз	134

Ҳар бир кундан қувониб яшаши билмаган кишилар учун дунё қоронги бўлиб туюлаверади. Бундай одамлар тез хафа бўладилар. Аксинча, ҳар бир ўтаётган кунидан ҳузурланиб яшайдиганлар олами бутунлай бошқача қабул қиласидилар, уларни хафа қилиб кўринг-чи, йўқ, бари бир қўнгилларини гаш қилиш қўлингиздан келмайди. Сиз ўзингиз-чи, қувониб, завққа тўлиб яшайсизми, бошқаларниң қувончига шерик бўлиб, дилдан қувона оласизми? Умуман, ўзингизга, бошқаларга қандай мусносабатдасиз? Ҳаётни тўлалигича қабул қиласизми? Ўз олдингизга қўйган мақсадларни амалга оширишга интиласизми?..

Мазкур китобда шу ва шу каби бир қанча саволларга тестларни ечиш орқали жавоб топасиз.



ISBN 978-9943-20-224-5

9 789943 202245